

**М. АХМАТОВ.**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ  
СПОРТ-СОГЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ  
САМАРАЛИ БОШКАРИШ**

**WWW.UZDUTI.UZ**

**Тошкент - 2005**

Тақризчилар:

п.ф.д. профессор Э.А.Сейтхалилов  
п.ф.д. профессор Ш.Х. Ханкельдиев  
и.ф.д. профессор Қ. Алимов  
б.ф.д. профессор Р.С. Солихов

**Монография Фан ва технологиялар маркази инновация  
ишлари дастури доирасида яратилған.**

## **Мундарижа**

1. Муқаддима .....	4
Жисмоний-интеллектуал ресурсларни шакиллантириш масалалари.....	8
2. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришнинг методологик-услубий масалалари.....	15
3. Бошқарув назарияси ва амалиётнинг тарихий ривожланиши.....	36
4. Ўзбекистонда жисмоний-тарбия ва спортнинг ривожланиши.....	47
5. Узлуксиз таълимда оммавий спорт ҳаракатининг ташкилий ва бошқарув асослари.....	63
6. Оммавий спорт ҳаракатини самарали ривожлантиришнинг илмий таъминотини такомиллаштириш.....	94
7. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш.....	103
8. Миллий иқтисодий хафсизлик тизимида жисмоний-интеллектуал ресурсларни бошқаришни такомиллаштириш.....	113
9. Жисмоний тарбия ва соғломлаштиришнинг тиббий-биологик асослари.....	125
10. Хулосалар.....	131
11. Иловалар.....	134
12. Фойдаланилган адабиётлар руйхати.....	288

## **Муқаддима**

Хар қандай мамлакатнинг эртанги куни, келажак тараққиёти биринчи галда ўз халқининг, ёшларининг жисмоний ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Ҳозирда давлатлар ўртасидаги ўзаро мусобака, куч-қудратини намоён этиш беллашуви, асосан икки йўналишда – спорт ва жисмоний тарбия ҳамда ақл-заковат, яъни интеллектуал фаолият соҳасида устувор аҳамият касб этмоқда. Илмий таъбир билан айтганда, халқнинг жисмоний-интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқариш, бу борада тегишли захираларни шакллантириши XXI асрда тараққиёт ва юксалиш қафолатига айланни бормоқда.

Бу ҳақиқатни чукур ва хар томонлама идрок этиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошдаб юртимизда соғлом ва баркамол авлод тарбиясини давлат сийёстанинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айлантириш, бу борада ўзига хос миллий тизим яратиш чоратадбирларини кўрди. Ана шу мақсадда истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола, соғлом насл учун кураш йўлида салмоқли кадамлар кўйилди. Биринчи давлат мукофотининг «Соғлом авлод учун» ордени деб аталгани бу борадаги интилишлар қанчалик қатъий ва узоқ мақсадларни кўзлаганидан далолат эди.

Мухими шундаки, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш нафақат болалар ва ўсмирларни, балки бутун халқни оммавий спорт харакатига жалб қила оладиган ўзига хос самарали тизимни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишларининг узвий ва ажралмас қисми деб билди, бу соҳадаги тадбирларни ўзаро уйғун ва муштарак тарзда ташкил этиш таклифини берди.

Бугун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг турли қатламларини қамраб олган самарали миллий тизим вужудга келгани ва у ҳозирданоқ яхши натижалар бергаётгани нафақат ўзимизнинг, балки хорижий мутахассислар

томонидан ҳам тан олиниб, эътироф этилаётгани мазкур соҳадаги ишларнинг накадар пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилганини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, бундай олижаноб ишлар ўтиш даврининг ниҳоятда мураккаб босқичида амалга оширила бошлангани билан янада аҳамиятлидир. Собиқ иттифоқ худудидаги бошқа ёш мустақил давлатлар иқтисодий муаммолар гирдобига кириб, сиёсий мажароларга кўмилиб қолган бир даврда бизнинг юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги амалий ишлар жамият хаётидаги туб ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилди.

Ана шу эзгу ишлар ҳозирги кунда ҳам изчилик ва қатиият билан давом эттирилиб, халқимиз, аввало, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга мустаҳкам замин бўлмоқда, мамлакатимизда жисмоний-интеллектуал ресурсларнинг рўёбга чиқишини таъминламоқда. Бунинг замирида юртбошимизнинг «Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади» деган фоялари мужассам. Соддароқ қилиб айтганда, юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш вазифасига қурдатли давлатни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, хукукий фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнининг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Ўтган тарихан қиска давр – мустақиллик йилларида бу борадаги ишларнинг кенг кулоч ёйиши ва салмоқли натижалар беришининг боиси ҳам шунда.

Зеро, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги бир авлод вакилларининг майдонга чиққани, уларнинг жаҳон миқёсида қўлга киритган ютуклари ҳаммани ғуурлантариади. Жумладан, бокс бўйича Олимпияда чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаев, Жаҳон чемпиони Артур Григорьян, тенисизимиз маликаси Ирода Тўлаганова, шахмат ва футболимиз юлдузлари Рустам Қосимжонов ҳамда Миржалол Қосимов каби кўп ёшларимизнинг спорт соҳасида эришган улкан ютуклари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ислоҳотлар, яратилаётган шарт-шароитлар мевасидир. Ёшларимизнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етётгани ва Ўзбекистон шарафини дунё миқёсида муносиб ҳимоя қилаётгани

мамлакатимиз нуфузининг тобора ортиб бораётганидан дарак беради. Мана шундай спорт юлдузлари тимсолида юртимизнинг ёруғ келажагига ишонч мустаҳкамланиб боради.

Бугунги кунда пойтахтимизда, вилоят ва туман марказларида спортнинг, айникса, ёшлар орасида оммавийлашиб боришини таъминловчи бирламчи омил-муносиб шарт-шароитлар яратилди. Замонавий спорт иншотлари, ўйингоҳ ва мажмуаларнинг барпо этилиши ўқувчи - ёшларни оммавий спорт мусобақалари билан тула қамраб оладиган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларидан иборат уч босқичли миллий тизимнинг шаклланишига асос бўлди. Нагижада спорт, жисмоний тарбия ёшлар дунё қарашига ижобий таъсир этиб, жисмоний-интеллектуал ресурслар ривожининг янги босқичга кўтарилишини таъминламоқда. Шунингдек, юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг таълимдан ташқари тизими ҳам шаклланмоқда. Бу ўкув масканлари, маҳаллалар қошида турли спорт тўғараклари фаолиятини йўлга қўйиш, спорт майдончалари ва мажмуалари барпо этиш ишларида яққол намоён бўлмоқда. Биргина «Махалла футболи» беллашувлари ёки «Спортчи оила» мусобақалари спорт нафакат таълим даврида, балки таълимдан ташқари пайтда ҳам ёшлар ҳаётининг таркибий қисмига айданиб бораётганини кўрсатади.

Буларнинг барчаси юртимизда ҳар бир ўғил-қиз спорт билан шуғулланиши, жисмоний бақувват бўлиши, шу тариқа соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантириши ҳакидаги фикрлар амалда тобора қўпроқ ўз аксини топаётганидан дарак беради.

Бизга ғуур-ифтихор бағишлайдиган яна бир муҳим тарихий далил-кўп асрлик ўлмас қадриятларимиздан бири бўлган курашнинг бутун дунёда тан олиниб, замонавий спорт турлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб бораётганидир. Ўзбек кураши бўйича қўплаб мамлакатларда махсус уюшма ва федерациялар тузилаётгани, халқаро даражадаги мусобақалар ўтказилаётгани бизнинг миллий спорт анъаналаримизнинг инсонпарварлик моҳиятини, мардлик ва жасорат тимсоли

сифатида умумбашарий аҳамиятини холисона намойиш этади. Айниқса, дунёнинг турли қитъя ва минтақаларида яшайдиган турли миллат ва элат вакилларининг байробимиз рангидаги кийимларда майдонга тушиши, «ҳалол», «ёнбош», «чала» деган ўзбекча сўзларнинг янграши, ота-боболаримиздан бебаҳо мерос бўлиб келаётган бу спорт турининг афзаллигини ўз кучи, истеъоди билан кўрсатишга уриниши бежиз эмас. Дунёнинг турли бурчакларидан гоҳ олис Африка мамлакатларидан, гоҳ юксак тараққий топган Европа қитъасидан ёки олис Лотин Америкасидан кураш бўйича мусобақалар Утказилаётгани ҳақида келаётган хабар ва янгиликлар хар бир ватандошимизни кувонтириши шубҳасиз.

Одатда, кўпчилик спорт деганда инсоннинг факат жисмоний камолотини, яъни унинг куч-куватга тўлиб, соғлом юришини тушунади. Бу-бир томонлама нотўғри қарашdir. Зеро, спорт инсоннинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал камолотга етишида ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Спорт билан шуғулланувчи одамнинг жисмигина эмас, фикру-хаёли, тафаккури ҳам янгиланади, спортга хос олижаноблик фазилатлар шаклланиб, беҳуда ташвишлардан халос бўлади, факат яхши ва эзгу ишларни ўйлайдиган бўлади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта эътибор берилаетганининг яна бир асосий сабаби нафакат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол авлодни вояга етказиш зарурати билан изоҳланади. Чунки спорт халқнинг, миллатнинг ғурурини юксалтиради, маънавий куч-кудрат баҳш этади, қолаверса, бутун жамиятни ана шу ғурур туйғуси орқали бирлаштиради. Энг муҳими, спорт соғлом турмуш тарзининг асосларидан бири сифатида ёшларнинг ўз имконият ва салоҳиятини, иқтидорини ҳар хил бўлмағур ишларга эмас, балки эл-юрти обрўйини оширишга, ўз жисмоний ва маънавий камолотини ошириш йўлида сарфлашшга сафарбар этади. Негаки, доимий равишда спорт билан шуғулланадиган боланинг жисми ҳам, руҳи ҳам тетик бўлади, унинг бутун вужуди уйғун тарзда камол топади. Унинг ўй-хаёли факат ўз истеъодини намоён этиш, турли мусобақаларда ғалаба қозониш ишқи билан банд бўлади.

## **І.ЖИСМОНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РЕСУРСЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Маълумки, жисмонан соғлом, билимли ва маънавий етук инсонни тарбиялаш масалалари жаҳон, айникса, Шарқ файласуфлари ҳамда мутафаккирлари томонидан чуқур ўрганилган. Чунончи, Арасту, Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуг алломаларнинг асарлари ва назарий таълимотлари шулар жумласидандир.(1)

Қолаверса, юртимизда азалдан ёшларни аклий ва жисмоний жиҳатдан уйғун тарбиялашнин миллий анъана ва қадриятларимизга мос коидалари, уларни амалга оширишнинг шарқона услугуб ва шакллари бўлган.

Ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан етук ва комил этиб тарбиялаш вазифаси кўйилган даврларда икки тарбиявий йўналишни уйғун холда олиб бориш ва самарадорлигини таъминлаш бош масала ҳисобланган. Шу туфайли аждодларимиз ўз миллатлигини, маънавий бойлигини сақлабгина қолмасдан, эзгулик, тараққиёт, маърифат, мустақиллик сари интишганлар. Миллатимизга хос ана шундай объектив интилиш, миллатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби фазилатлар Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, А.Авлоний каби буюк мутафаккир ҳамда маърифатпарварлар хатти-ҳаракатлари туфайли сайқал топиб борди, халқимиз ҳар қандай оғир шароитларда ҳам соғлом ва етук фарзандлар тарбиялаш вазифасини устивор ҳисоблади.

Бу фаоллик нафакат дехкончилик, боғдорчилик, чорвачилик, хунармандчиликни, саноат ва қурилишни ривожлантиришда, балки жамият ва оила ҳаётида миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзаро уйғулаштиришда ҳам намоён бўлган. Жисмоний ва интеллектуал етук инсоннинг фаоллиги, ақл-заковати, куч-қудрати қуйидаги йўналишларда, айникса, зарур ва самаралидир. Биринчиси-ҳақиқатни билиш; иккинчиси-яхшилик қилиш, саховатли бўлиш; учинчиси-

гўзалликни яратиш, бойитиш, асраб-авайлаш; тўртинчиси-халқ, миллат манфаатларини рўёбга чиқариш йўлида фидойи бўлиш ва уларни ҳимоялаш.

Бинобарин, инсоннинг ижтимоий фаоллиги унинг фукаролик масъулияти, миллатпарварлик, ватанпарварлик фазилатлари билан жисмоний имкониятларининг халқ, миллат, Ватан манфаатлари йўлида сафарбар эта олиши билан баҳоланади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темур давридан кейин ҳукм сурган Ўрта Осиё хонликларида ёшларнинг факат бир қисми ҳарбий тайёргарликка жалб этилган бўлса, мустамлака йилларида (1874 йилдан кейин) Туркистоннинг мусулмон аҳолиси ҳарбий хизматга мутлақо жалб этилмаган, 1934 йилдан кейин Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг туб миллат йигитлари аксарият ҳолларда қурувчи батальонлар ва темир йўл ҳарбий қисмларига жалб этилган.

Собиқ тузум даврида сиёсий, мағкуравий ва ижтимоий муҳит ёшларнинг жисмонан соғлом, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларига тўсқинлик қиласди. Қишлоқ ҳудудларидағи мактабларнинг моддий-техник базаси ночор бўлгани, миллий спорт ўйинларимизнинг деярли йўқотилгани жисмоний тарбия ва спортнинг даражасига, бу борадаги тарбиявий ишлар савиасига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон мустакилликни қўлга киритган кундан бошлаб ёшларнинг жисмоний-интеллектуал ресурсларини шакллантириш ва ривожлантимириш учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мағкуравий ва ташкилий шарт-шароит яратиш имкониятлари хам пайдо бўлди.

Мамлакатимизда таълим ва спорт тизимидағи ислохотларни уйғун тарзда жисмонан соғлом, ақлли ва билимли ёшларни тарбиялаш мақсадига йўналтириш бўйича кўпгина амалий ишлар қилинмоқда.

Ишлаб чиқаришда эса, меҳнат унумдорлигини ошириш омили сифатида табиий ресурсдан олинадиган маҳсулот ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатнинг кучли иқтисодий ривожини, унинг келажагини таъминлаб берувчи бебаҳо манбаа ҳалқдир. У қанча кўп юқори билимга эга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топган, буюк келажакка интилган одамларни бирлаштирган бўлса, фаровон ҳаёт ва юқори иқтисодий тарракқиёт босқичига шунча тез эришади. Бу жисмоний-тарбия ва спортга бўлган қарашларни қайта ўрганиб, баркамол авлодни тарбиялаш тамойилларини ишлаб чиқишини тақозо этади.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фикрлари ижтимоий тафаккурни ҳам ўзгартиромоқда. «Янги минг йилликда давлатларнинг, ҳалқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қиласди. Бундай бойлик устувор бўлган жойда моддий бойликнинг ўзи оқиб келади». (2)

Биз мазкур йўналишга асосан инсоннинг баркамоллик даражасини сифат ва миқдор жиҳатдан кўрсатувчи "жисмоний-интеллектуал ресурс" деган тушунчани қабул қилдик.

Шу пайтга қадар "ресурс" деган тушунча фақат иқтисодий ёки табиий манбаа маъносини анатлатган. У, асосан, фойдаланиш мумкин бўлган бойлик ва имконият, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун ишлатиладиган захира маъносида қўлланилган. "Интеллект" сўзи эса ақл-идрок, зеҳн маъносини билдириб, кишиларнинг маънавий етуклигини ҳам ифода этади.

Шунга кўра, жисмоний ва интеллектуал ресурсларни бирбиридан ажратмаган ҳолда, ўзаро уйғунликда ривожлантириш ёшлардаги йиллар давомида шаклланган ҳали ишга солинмаган жисмоний-интеллектуал салоҳиятдан яратувчанлик, саломатлик, баркамоллик ва гўзаллик манбаи, мамлакат иқтисодий-ижтимоий тараққиётини, ҳалқ турмушкини тобора яхшилаш ва Ватан хавфсизлигини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради. «XXI асрда қайси давлат қудратли, қандай ҳалқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари

билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин».(3)

Ёшларнинг жисмоний-интеллектуал ресурсларини уйғун ривожлантиришда, айниқса, спортнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланиши бежиз эмас. Чунки спорт мазкур ресурсларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг зарур омилидир. «Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У продани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, фурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялади»(4) Бошқача айтганда, жисмоний тарбия ва спорт мамлакатимиз миллий истиқлол гоясининг таркибий қисмидир.

Мамлакатимизда ижтимоий фаол фуқаро, мустақил шахс, баркамол инсон тарбияси борасида амалга оширилаётган ишлар ўсиб келаётган ёш фуқароларнинг аввало ўз ҳақ-хукуқини танийдиган ва бунинг учун кураша оладиган, иккинчидан, ўз кучи ва имкониятларига (ресурсларига) таянадиган, учинчидан, атрофда бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат билдира оладиган, тўртинчидан эса, мамлакат ва халқ манфаатини шахсий манфаатидан юқори қўядиган инсонлар бўлиб вояга етишларини мақсад қилиб олган.

Бу талабларга тўлиқ жавоб берга оладиган комил инсонларни тарбиялаш унун уларнинг жисмоний-интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш имкониятларини ошириш лозим. Мазкур талаоб оммавий спортни Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида босқичма-босқич кенг ривожлантириш ва амалга ошириб боришни тақозо қилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мос равища шакллантирилган узлуксиз оммавий спорт харакати жисмоний-интеллектуал ресурсларни вужудга келтирувчи асосий кучлардан бири сифатида умумий ўрта, ўрта-маҳсус қасб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талabalарининг жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди.(5)

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни ўзаро ривожлантириш, тасаруф этиш жараёни табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнидан тубдан фарқ қиласи.

Баркамол инсонни шакллантириш жараёни жисмоний-интеллектуал ресурслардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш ишини миллий-маънавий ресурслар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни талаб қиласи. Демак, жисмоний-интеллектуал ресурслар табиий ресурслардан ҳам микдорий, ҳам сифат жиҳатидан даврий тақорраниши ва қайтарилиши билан фарқ қиласи. Ўзини физиологик жиҳатдан қайта тиклаш ва камол топтириб бориш жисмоний-интеллектуал ресурснинг ўзидан кейинги босқичи имкониятлари микдор ва сифат жиҳатдан самаралироқ бўлишини таъминлайди. Бу авлодларнинг генетик ўзгаришига ижобий таъсир қилиб, уларни ҳар жиҳатдан баркамоллаштириш хусусиятига эга. Яъни, жисмоний-интеллектуал ресурс, ўзини яна қайта сифатли қилиб яратса олувчи кучдир.

Инсон баркамоллигини белгиловчи уч асосий омил-жисмоний, ақлий ва маънавий салоҳият жамиятда мислсиз ижобий ўзгаришлар жорий этиш имкониятига эга. Бу, авлодлар ҳаётида янада янгиланиб, ривожланиб, янада янги мазмун-моҳият касб этиб бораверади.

Баркамол авлоднинг шаклланиши, улардаги интеллектуал ва жисмоний ресурсларнинг ортиши ёки, аксинча, камайиши жамиятнинг ҳар бир аъзоси маънавий салоҳиятига боғлиқ. Жисмоний-интеллектуал ресурснинг яратувчанлик харакати унинг мунтазам ривожланиб боришини кафолатлади.

Комил инсоннинг жисмоний ва интеллектуал қобилияти маълум даврда қанчалик ривожланиб бормасин, у миллий хусусиятлар, халқнинг турмуш тарзи ва қайфиятларини эътиборга олган ҳолда, жамият маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, комплекс йўналтирилмаса, тўлиқ баркамол бўла олмайди. Негаки, жисмоний чиниқиши, интеллектуал қобилият ҳамда маънавий етуклиқ баркамол инсон ресурсини тўла шакллантирувчи асосий устуннинг таркиби қисмларидир.

Маълумки, уч оёқда ўрнатилган конуссимон қурилмалар жуда мустаҳкам бўлади. Худди шунингдек, баркамоллик-жисмоний, ақлий, маънавий устунлари мустаҳкам пойdevор сифатида шаклланганидагина жамият ва давлат манфаатларига самарали хизмат қила бошлайди.

Жисмоний етуклик интеллектуал ва маънавий камолот билан уйғун шаклланмаса вайронкор ёки бузгунчи кучга айланиб кетиши мумкин. Жисмоний-интеллектуал ва маънавий ресурслар доимо янгилаадиган куч, туганмас яратувчанлик энергияси ҳамдир. Баркамол авлоднинг мавжуд салоҳияти жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан юксалиб бориши натижасида жамият Президентимиз айтган юксалиш-портлаш эффиқтига тез эришади. Бу, ўз навбатида, жамият ривожланишини янада тезлаштирадиган бунёдкорлик кучини рухлантиради.

Шу боис инсон вужудидаги жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятлар мужассамланса, бунёдкор куч сифатида намоён бўлади.

Мазкур ҳаракат Ўзбекистонда барпо этилаётган янги жамият тақдирига дахлдор масала сифатида эътироф этилган. Узлуксиз оммавий спорт ҳаракатлари жисмоний-интеллектуал салоҳиятни юксалтириш омилларидан бири экан, мана шундай режали ҳаракат орқали баркамол авлодни шакллантириш, жамиятимиз ҳаётини маънавий янгилаш, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир Ўзбекистон фукаросининг юртимизнинг буюк келажаги пойdevорини мустаҳкамлашга сафарбар этиш бош максад бўлиб қолаверади.

Юқоридаги мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, ушбу ишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мамлакатимиз жисмоний-интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқариш, бу борадаги захираларни тарбиялаш ва камол топтиришнинг ўрни ва аҳамияти тадқик этилди. Унда кейинги йилларда мазкур йўналишда олиб борган кузатишларимиз, мустақиллик йилларида юртимизда жисмоний-интеллектуал ресурслар самарадорлигини ошириш, уларни тўғри бошқариш борасида қилинган салмоқли ишлар, бу соҳада истиқболда қилинадиган вазифалар таҳлил этилди. Бу

борадаги ишлар аниқ мақсадга йўналтирилгани боис мазкур мавзудаги тадқикот дастлабки тажриба бўлиб инсон вужудида уйғунлашган жисмоний ақлий ва маънавий ресурсларни бунёдкор куч манбаи сифатида белгиланди.

www.uzduti.uz

## **II. ЖИСМОНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РЕСУРСЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК-УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ**

Дунё тажрибасида илк бор жисмоний-интеллектуал ресурсларни мақсадли ривожлантириш ва уларни самарали бошқариш тизимига Ўзбекистонда асос солинди, унинг амалиётга жорий қилиниши асосида ижобий натижалар кўлга киритилди. Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Жисмоний тарбия ва спорт инсоннинг нафакат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишида ҳам улкан омилдир. У иродани тоблайди, одамни аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам бидан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, гуурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. Ватан, ҳалқ шуҳратини дунёга тараннум этишда, ёшларни ҳарбий - ватанпаварлик руҳида тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёсdir. Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган ҳалқ, албаттa, ўзининг буюк келажагини барпо этади. Шунинг учун жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, уни ривожлантириш баркамол шахсни тарбиялашнинг мухим шартидир» (6)

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни мақсадли ривожлантириши ва уларни самарали бошқариш тизими ҳалқимиз ўз олдига қўйган Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги каби олийжаноб мақсадларни амалга ошириш жараёни орқали шакллантирилмоқда. «Спорт спорт учун эмас, энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан комил инсонлар этиб тарбиялаш учун, ер юзидағи барча кишиларнинг тинчлик осойишталиги, дўстлик ва ҳамкорлиги, баҳт-саодати учун хизмат қилиши даркор». (7) Бу борада қўйидаги стратегик йўналишлар белгилаб олинган:

-жисмоний-интеллектуал ресурсларга давлат сиёсати даражасидаги устувор масала сифатида ёндашиш;

-жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқариш тизимини ишлаб чиқиши ҳамда уни амалга оширишнинг илғор механизм ва воситаларини амалиётга жорий қилиш;


-оммавий спортни устувор ривожлантириш, професионал спортдаги истеъодларни кўллаб-кувватлаш;

-жисмоний-интеллектуал ресурсларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, инсоний баркамоллик ва миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги улкан аҳамияти, юксак макоми ҳамда ўзига хос ўрнини таъминлаш, бу йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратиш;

-бу соҳада бозор муносабатлари ва ижтимоий бошқарув тамойиллари ривожига эришиш.

Ўтган давр ичидаги жисмоний-интеллектуал ресурсларни максадли ривожлантириш ва самарали бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратишга ҳам катта аҳамият берилди.

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқариш ишига, юкорида кўрсатиб ўтилган методологик талаблар асосида, яхлит тизим сифатида ёндашувга эришиш унинг фаолият самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлди (1 чизма).




#### ОММАВИЙ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

1-чизма. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришни яхлит тизим асосида ташкил этишнинг принципиал чизмаси.

Ушбу бошқарув кўзланган мақсад ва мэррага эришиш йўллари, восита ва механизимларининг уйғун ҳолда фаолият юритиши назарда тутилади.

Мазкур йўналишдаги бошқарувни яхлит тизим асосида амалга оширишнинг бош мақсади аҳолининг барча ижтимоий қатлам ва гурухларини қамраб олиш, бу жараёнда узвийлик ва давомийликни таъминлаш, охир-оқибатда юкори натижаларга эришишга қаратилгандир. «Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қайгуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат кудратли, юрг тинч, осоиишта бўлади» (8)

Бу борадаги бошқарувни ташкил этиш қуйидаги таркибий тузилма асосида амалга оширилди (2-чизма). Ушбу бошқарувдан кўзланган мақсад ва мақсадгага эришиш йўллари, восита ва механизимларининг уйғун ҳолда фаолият юритиши назарда тутилади.




2-чизма. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришнинг яхлит манзараси.

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришнинг мазкур манзарасини шакиллантиришида мамлакатимизнинг узига хос хусусиятлари ҳар томондан ўрганилди. Бу борада, жумладан, куйидаги омилларнинг (ретроспектив ва перспектив ҳолати) ҳисобга олиниб, бошқарув жараёни ташкил этилди:

1. Ахоли гаркиби, ва унинг узига хос хусусиятлари. «Биз фарзандларымизнинг баркамол рухий дүнёсі учун, уларнинг маңнавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур» (9)

2. Баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи инфраструктурани ривожлантириш борасидаги барча зарур шарт-шароитларни яратиш. «Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир» (10)

3. Жисмонан соғлом ва маънавий етук шахсни тарбиялаш. Бу эса, ўз навбатида, жисмоний маданият ва спорт билан бир қаторда, маънавий гўзалликни тарбия қилишга хизмат қилувчи омил ва воситалар мажмуида бошқарув тизимини тўлдиришга алоҳида ахамият қаратиш имконини беради. «Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхурлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, оила, мактаб, маҳалла соглиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак» (11)




3-чизма. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни дастурий ёндашув асосида сабаб-окибат алокадорлиги нисбатида бошқаришнинг принципиал йўналишлари.


4. Спорт турларининг иқтисодий самарадорлиги масалаларини жаҳондаги устувор тамойиллар асосида прогноз қилиш, бошқарувни имконият ва талаб негизида режалаштириш.

5. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни дастурий ёндашув асосида сабаб-окибат алокадорлиги нисбатида бошқаришнинг мутаносиблигини таъминлаш (3-чизма).


Сабаб-оқибат алоқадорлиги мутаносиблиги бошқарув самарадорлигига түғридан-түғри таъсир этади. Яъни сабабнинг (тегишли шарт-шароит, белгиланган тадбирнинг яхлитлиги, бажарилиш сифати, мақсадга интилувчанлик ва психологик тайёргарлик) түлақонли, самарали фаолияти стратегик ва тактик мақсадларнинг бажарилишига, охир-оқибатда миллат генофондининг согломлашишига, халқаро спортдаги нуфузимизнинг янада ортиб бориши ва баркамол авлод тарбиясига мустаҳкам ижтимоий асос яратади. Шу нұктаи назардан, жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришнинг турли йұналишларыда мазкур методологик қоидага катта ахамият қаратилди. Чунончы, Сидней шахрида үтказилған ёзғы үйинлар Олимпиадасында тайёргарлик күриш ва уни үтказиш жараёнида бокс бүйича сабаб-оқибат алоқадорлиги мутаносиблиги сақланғанлиги туфайлы белгиланған олтин медаль – пировард натижага эршилді (1-манзара). Устувор спорт тури сифатыда белгиланған курашда эса, сабаб-оқибат алоқадорлиги етарли даражада таъминланмаганлиги, маблағлардан унумли фойдаланмасынан, спортдаги тайёргарлик услугларининг жахон андозаларига түла мөс эмаслиги натижасыда күзланған олтин медаллар үрнига кумуш медал қўлга киритилді (2-манзара). Енгил атлетика, трамплин, отиш ва дзюдо (а+б) юзасидан мақсадли тадбирларнинг етарли даражада амалга оширилмаганлиги оқибатида кутилған натижада таъминланмади (3-манзара).



1-манзара




2- манзара



3- манзара


Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришни таъминлашда дастурий ёндашувнинг уйғун ва яхлит характерга эга экани бу жараённинг мухим хусусиятларидан бири сифатида карапди. Мазкур жараён бошқарув обьекти хусусияти, стратегик мақсад ва вазифалардан келиб чиқкан ҳолда, «умумийликдан-бирликка» ёки шароитдан келиб чиқкан ҳолда «бирликдан-умумийликтеке» тамойили асосида амалга оширилди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар иккала тамойилнинг амал қилиши жараёнларни бошқариш борасидаги стратегик мақсадларга тўла бўйсундириш асосида кечди. Биринчى тамойил бўйича мамлакатимизда жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантиришнинг умумий ва устуворлик хусусиятини ўзида мужассам этган масалалар қўйидаги бошқарув босқичлари орқали амалга оширилди (4-чизма).

Мазкур дастурий ёндашув асосида амалга оширилган бошқарув жараёнларига мисол тарикасида мустақиллик йилларда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши юзасидан кабул қилинган қатор хужжатлар, жумладан, Ўзбекистонда спортни ривожлантириш концепцияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, футбол федерациясининг тегишли қарорлари ва чора-тадбирлари тизимини келтириш мумкин.



4-чизма: Жисмоний интеллектуал ресурсларни бошқаришни "умумийликдан-бирликка" тамойили асосида амалга оширишининг чизмаси 1-концепция; 2-максус дастурлар; 3-тегишли қарорлар; 4-тармок қарорлари; 5-тегишли чоратадирилар.


Мамлакатимизда спорт турларини оммалаштириш ва бу борадаги бошқарувни такомиллаштиришнинг самарали механизмларини амалиётга жорий қилиш масалалари юзасидан мавжуд шарт-шароитларни хисобга олган ҳолда, мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётининг дастлабки йилларида иккинчи тамойилдан кенг фойдаланилди. Масалан, курашни оммалаштириш борасидаги бошқарув тўрт даврда амалга оширилди (5-чизма).



5-чизма. Бошқарув муаммосини ҳал этиш даврлари.

Биринчи даврда бошқарувнинг меъёрий асослари яратилди. Иккинчи даврда унинг молиявий ва моддий техникавий ресурслари манбалари шакллантирилди, уларни жалб қилиш ва самарали фойдаланишинг механизмлари ишга солинди. Учинчи даврда бу борада халқаро майдонга чиқиши юзасидан бошқарув масалалари ҳал этилди.


Юкорида айтиб ўтилганидек, ҳар иккала тамойил асосида жараёнларни бошқариш дастурий яхлитлик асосида, стратегик мақсадларга тўла мос ҳолда амалга оширилди (6-чизма):




Ушбу жараёнлар даврийлик қонуниятлари асосида амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни, дастлабки йилларда молиявий ва бошқа имкониятлар чекланган, умуммамлакат миқёсидағи тадбирларни ташкил қилиш ва амалга оширишда уларнинг туб асосини мустаҳкамлаш орқали шакллантириш ва ривожлантириш заруриятлари ҳисобга олиниб, масалаларнинг даврий вазифалар асосида хал қилиниши таъминланди.

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришни таъминлашда мазкур жараёнда иштирок этувчи ҳар бир таркибий қисмнинг яхлит тизим сифатидаги кўринишига алоҳида аҳамият берилди. Мазкур тезис қўйдаги заруратлар билан изоҳланади:



- тизим иштирокчиларининг автоном, яъни мустақил ҳаракат этишининг мавжудлиги (АХ) ва мазкур жараёнларни яхлит тизимга жойлаштириш зарурати (ЯТ);



- жисмоний-интеллектуал ресурсларнинг ягона стратегик мақсад йўлидаги уйғун ривожини таъминлаш зарурати;



-юкоридагиларга мос равища да хар бир бошқарув тизимиning ички мутаносиблигини таъминлаш зарурати. Масалан, умумий ўрта таълим тизимида қуидаги бошқарув тизими амалга оширилди:



7-чизма. Ўқувчи-ёшларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб қилишда бошқарув имкониятларидан фойдаланиш даражаси ва йўналиши

Оммавий спорт ўйинларини самарали бошқаришга 1998 йилга қадар ўкувчи-ёшларни кенг қамраб оладиган оммавий спорт мусобақаларини тайёрлаш ва амалга ошириш борасидаги яхлит тизимнинг етарли даражада шаклланмагани салбий таъсир этди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур

йўналишда бошқарув имкониятларидан факат 15,0-42,0 фоиз атрофида фойдаланилган (7-чизма). Ушбу жараёнларда, айникса, бошқарувнинг меъёрий асосини яратишга, бошқарувда маънавий ва моддий имкониятлардан кенг фойдаланишга етарли аҳамият берилмаган.

Мазкур йўналишда бошқарув имкониятларидан тўла ва самарали фойдаланиш даражасини кескин ошириш мақсадида ўкувчи-ёшларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб қилишни бошқариш қуидаги дастурий ёндашув асосида шакллантирилди:



Мазкур жараёнларни самарали бошқаришнинг асосий тамойиллари сифатида қуидагилар белгиланди:

- увийлик ва давомийлик;
- мақсадлилик ва самарадорлик;
- тармок ва худудий имкониятлар асосида ўз-ўзини маблағ билан устувор таъминлаш;

Оммавий спорт ўйинларини дастурий ёндашув асосида бошқаришнинг юқоридаги тизими охир-оқибатда мазкур тадбирларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлади.

Юқоридаги йўналишда бошқарувнинг амалга оширилиши бу борадаги вазифаларнинг ижобий ҳал этилишига таъсир этмоқда:

Биринчидан, «Таълим тўғрисида»ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ўқувчи-ёшларни спортга жалб қилишнинг ягона тизими яратилди, ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёjlари таъминламоқда.

Иккинчидан, оммавий спорт ҳаракатининг оммавийлигини таъминлаш асосида барча ёшдаги ўқувчилар соғлигини тиклаш, жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш ва спорт турлари бўйича иқтидорли ёшлардан мамлакат жамоаларини шакллантириш тизими яратилди,

Учинчидан, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, мураббийлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолиятини самарали назорат қилиш ва баҳолаш тизимини яратиш таъминланди.

Тўртинчидан, жойлардаги спорт базаларини янада ривожлантириш, мавжуд тизимларни такомиллаштириш, кадрлар савиасини ошириш, соғлом муҳит яратиш имконини берди.

Бешинчидан, кенг миқёсда спорт кийимлари ва анжомларини ишлаб чиқариш тизимларини яратишга, мавжудларини кенгайтиришга ёрдам берди.

Ўқувчи-ёшларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб қилишда узвийлик ва доимийлик, мақсадлилик ва самарадорлик тамойилларига асосланган бошқарув тизимининг амалиётга жорий қилиниши мазкур жараённинг ilk ўйинларида терма жамоа сифатида жами 5 мингдан ортиқ ўқувчи ва талабаларнинг қатнашишини таъминлади (1-жадвал)


## Оммавий спорт мусобақаларига жалб қилингандык ёшлар түғрисида маълумот

1-жадвал

	Оммавий спорт йўйинларида катнашганлар.			
	«Умид ниҳол лари»	«Баркамол авлод»	«Универ сиада»	Жами
	2002й	2001й	2000й	
Жами жалб қилингандар	4031 442	538 000	113 000	4 682 442
Худуд ва тармок даражасида катнашганлар	11 842	12 341	28 547	1 592 230
Мамлакат миқёсида катнашганлар	2 016	1 568	1 443	5 027

Алоҳида таъкидлаш керакки, оммавий спорт билан професионал спортнинг уйгунилигига эришиш бошқарув жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, Сидней шахрида ўтказилган олимпиада йўйинларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан хукумат даражасида тасдиқланган дастур назарий-амалий жиҳатдан муҳим ўрин тутади.

Мазкур дастурнинг асосий максади 2000 йилдаги XXVII олимпия йўйинларига тайёргарлик кўриш ва ўзбек спортчиларининг мазкур мусобақаларда юқори натижаларни эгаллашини таъминлаш юзасидан ягона сиёсатни ишлаб чиқишига қаратилган (8-чизма).



8-чизма. 2000 йилда ўтказилган XXVII олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган дастурнинг мақсадлар тизими.

Дастурни амалга ошириш жараёнини бошқариш қуидаги тамойиллар асосида олиб борилиши таъминланди, яъни:

-спортчиларни тайёрлаш борасидаги ишларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш;

-ўзбек спортининг жаҳон спорт тизимига интеграциялашув жараёнини кенгайтириш ва чукурлаштириш;

-ирик спорт ўйинларига тайёргарлик ишларини амалга оширишни молиялаштиришнинг манбалари таркибини кўпайтириш, молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланиш;

-ўзбек спортининг жаҳон спортидаги нуфузли ўрнини таъминлаш.

Ташкилий-молиявий фаолиятини самарали бошқаришда дастурни амалга оширувчи тузилмалар қуидан юкорига йўналган бошқарув тизими функцияларини амалга оширади.(2-жадвал)

### **Бошқарув тузилмалари функцияларининг босқичмабосқич жойлашуви**

2- жадвал

Бошқарув даражаси	Бошқарув функцияси	Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари
Биринчи	Давлат сиёсатини таъминлаш	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси
Иккинчи	Давлат дастурини амалга оширишни мувоффиқлаштириш	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
Учинчи	Функционал визифалар	Республика спорт федерациялари; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси; Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари; Ўзбекистон Касаба уюшма федерация Кенгаси; Соғликни саклаш вазирлиги; Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги; Халқ таълим вазирлиги; Мудофаа вазирлиги; Ички ишлар вазирлиги;

2000 йилда ўтказилган XXVII Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган дастурнинг мақсадлар тизими.

Спортчиларни жаҳон миқёсида ўтказиладиган йирик мусобақаларга тайёрлаш жараёни мақсадли дастур асосида бошқаришни ташкил этиш услугбий жиҳатдан қўйдаги тартибда амалга оширилади (3-жадвал)

### Мақсадли дастур асосида бошқаришни ташкил етишнинг услугбий йўналишлари

3-жадвал


Йўналишлар	Жараёнларнинг полонаси										
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Бошқарув вазифа сини асослаш											
Умумий мойил ларни белгилаш	+										
Мақсадни асослаш											
Асосий вазифа ларни белгилаш	+										
Иштирок этувчи тузил маларни аниклаш	+										
Молиялаштириш манбаларини шакиллантириш					+						
Дастурни амалга оширишнинг давр ларини асослаш					+						
Дастурий чора- тадбир ларни белгилаш					+						
Спорт тури бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш	+				+						
Бошқаришнинг устиворликларини асослаш (спорт турлари бўйича)					+						
Натижаларни режалаштириш	+				+						

**Спорт турларини профессионал тайёргарлик ва  
самарадорлик тамойиллари асосида бошқаришнинг устувор  
йўналишлари**

4-жадвал

№	Асосий йўналишлар		
	Спортнинг устувор турлари	Спортнинг истиқболли турлари	Спортнинг ривожланаёт ган турлари
1	Бокс	Футбол	Волейбол
2	Эркин кураш	Сузиш	Гандбол
3	Юонон-рим кураш	Спорт гимнастикаси	Баскетбол
4	Дзюдо	Тенис	Футзал
5	Отиш	Академик сакраш	Хоккей
6	Трамплин	Бадмитон	От спорти
7	Енгил атлетика	Велоспорт	
8		Оғир атлетика	

Дастурий тадбирларни амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминлаш қуидаги схема асосида бошқарилди (9-чизма).



**9-чизма:** Молия ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий таркиби.

1-дастурнинг мақсади; 2-асосий вазифалар ва улардан келиб чиқадиган чора-тадбирлар; 3-молиявий ресурсларнинг ягона тизими; 4-давлат бюджети; 5-вазирлик ва идораларнинг мақсадли маблағлари; 6-тармоқ маблағлари; касаба уюшмалари федерация кенгаши маблағлари; 7-спорт федерацияларининг маблағлари; 8- ҳомийлик маблағлари; 9-молия ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланишнинг назорати; 10-молиявий сарф-харажатлар жараёни ва натижаларининг қиёсий тахлили.

Молиявий ресурсларни самарали бошқариш жараёнини баҳолаш услубий жиҳатдан “молиявий сарф-харажатлар жараёни ва натижаларни қиёсий тахлили” қуидаги схема бўйича амалга оширилиши мақсаддага мувофиқлиги асосланди:



Юқоридаги услугбий ёндашув асосида 2000 йилда Австралияда бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида ўзбек спортчиларини тайёрлашга сарфланган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини қуидаги ҳолатлар белгилаб беради (5-жадвал).

### Дастурий режа асосида оширишнинг бошқарув фаолиятига хос натижаларни баҳолаш

5-жадвал

спортивни тури	Молиявий ресурслар						Дастурда режалаштирилган совринлар <b>Б</b>		Амалда олинан совринлар <b>А+Б</b>			
	А											
	1996	1997	1998	1999	2000	Жами	о л т и н	ку м у ш	бр о нз а	о л т и н	ку м у ш	бр о нз а
Бокс	дол.	40000	44000	46000	50000	60000	240000	1		1	1	
	сум	12 млн.	14 млн.	14 млн.	20 млн.	26 млн.	86 млн.					2
Эркин кураш	дол.	36000	38000	40000	50000	56000	220000			1	2	
	сум	10 млн.	12 млн.	14 млн.	18 млн.	20 млн.	74 млн.					1
Юнон-рум кураши	дол.	36000	40000	42000	50000	56000	224000			1		
	сум	10 млн.	14 млн.	16 млн.	18 млн.	20 млн.	78 млн.					
Дзюдо	дол.	40000	44000	46000	54000	60000	244000			1		
	сум	14 млн.	16 млн.	18 млн.	20 млн.	24 млн.	92 млн.					
Ўқотиши	дол.	20000	30000	30000	38000	45000	163000					
	сум	8 млн.	8 млн.	10 млн.	10 млн.	12 млн.	58 млн.					
Трамплин	дол.	10000	14000	15000	10000	16000	65000		1			
	сум	6 млн.	8 млн.	8 млн.	10 млн.	10 млн.	52 млн.					
Енгил атлетика	дол.	15000	26000	30000	34000	35000	140000					
	сум	4 млн.	4 млн.	7 млн.	8 млн.	9 млн.	32 млн.					
Жам	дол.	197000	236000	249000	286000	328000	1296000	2	3	4	1	1
	сум	64 млн.	76 млн.	87 млн.	104 млн.	121 млн.	462 млн.					2

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришни таъминлашнинг асосий шартларидан бири

сифатида мақсадга асосланган прогнозлаштириш жараёнига алоҳида аҳамият қаратилди. Чунки жисмоний-интелектуал ресурсларнинг бўлган ривожланиш ва бошқарилиши қўйидагилар асосида янгиланишни талаб этди:

-жисмоний-интелектуал ресурслар ривожининг давлат сиёсати даражасига кўтарилигани;

-стратегик мақсадларни амалга ошириш, жумладан, мамлакат ахолисининг генофондини соғломлаштириш, тендер масалаларини ижобий ҳал этиш, баркамол ёшларни тарбиялаш.

Шу нуқтаи назардан, жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришда прогнозлаштиришнинг илмийлик даражасини ошириш, эндоген ва экзоген алоқаларнинг келажак таҳлилини амалга ошириш ҳамда глобаллашув жараёнлари тамойилларини хисобга олишга ургу берилди, бу борада бутбутун асослаш тадбирлари амалга оширилди. Жумладан:

-мантиқий таҳлил ҳамда сценарий услуби асосида мамлакатимизда бокс мактаби истикболлари ва уларни самарали бошқаришнинг турли шароитлардаги муқобиллари таҳлили асосида ривожлантиришнинг қўшимча йўналиши аниқланди.

-гояни жамоада генерациялаш асосида мамлакатимиз альпинистлари томонидан Эверест чўққисини забт этиш имкониятлари, амалга ошириш муқобиллари ҳамда унинг таъминоти каби масалаларнинг қулай бошқариш йўллари ишлаб чиқилди;

Юқоридагилар билан бир қаторда халқаро йўналиш ва замонавий спорт бизнеси каби ривожланиш тенденциялари алоҳида хисобга олинди.Хусусан:

1.Спортни халқаро ҳаётда тутган ўрни «Спорт тинчлик элчиси», близнинг мақсадимиз ҳам тинчлик осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш (11).

2.Халқаро спорт инфра ва рекреацион тузилмалари аҳамиятининг бенихоя даражада ортиши;

3.Спорт индустрисининг ривожланиши;

4.Спортнинг тижоратлашув йўналишини кучайиши;

5.Халқаро спорт мусобақаларининг саноатлашуви ва харажатлар даражасини ортиб бориши;

6. Спортни инсоннинг маҳсус фаолиятига айланиши;  
7. Спортнинг интеллектуаллашув даражаси кескин ортиб бориши.(спортчиларни тайёрлаш ва юқори спорт натижаларига эришишда фан услубиёт-амалиёт йўналишининг кучайиш тамойиллари)

8. Юқори спорт натижаларини қўлга киритилиши ўзбек спортчиларини тегишли тайёргарликдан ўтказилиши ва уларнинг кўрсаткичларини жаҳон даражасига етказиш ва ошириш;

9. Халқаро спортда нохуш холатларнинг мавжудлиги ҳамда спорт натижаларига фармакология, кимё ва бошқаларнинг салбий таъсир этиши.

Мамлакатимизда жисмоний интеллектуал ресурсларни мақсадли ривожлантириш ва самарали бошқаришнинг дунё тажрибасида ҳали кузатилмаган яхлит тизими асосида ёшларни оммавий спорт мусобақаларига тизимли жалб қилаоладиган уч бўғинли самарали модель, ҳамда оммавий спорт ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган умум ўзбек миллий модель асосида яратилиб, муваффакиятли амалга оширилди.

## **III.БОШҚАРУВ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

Бошқарув назарияси ва амалиётининг ривожланиш жараёни узок тарихга эга. Зеро, турли даражадаги бошқарув тизимлари бирданига шаклланиб қолмаган. Улар жуда катта макон ва замондаги назарий, амалий жараёнлар натижасида, асрлар давомида шаклланиб, ҳозирги даражага етган.

Бошқарувнинг тарихий ривожланиш жараёни тўғрисида фикр юритилганда, бизнингча, унинг куйидаги уч хусусиятини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

1	Тарихий ривожланиш хусусияти
2	Фан сифатида ривожланиш хусусияти
3	Минтақавий омилларни ҳисобга олган ҳолда такомиллашиб бориш хусусияти

Бошқарувнинг тарихий ривожланиш хусусияти иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Бошқарув назарияси ва амалиётининг мазкур даврида қомусий олимлар, буюк саркарда ва давлат арбобларининг фаолиятлари алоҳида аҳамият касб этади. Буюк ватандошларимизнинг жаҳон бошқарув илми ва амалиёти тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссалари ўзлигимизни англашда, айниқса, аҳамиятлидир.

«Тарих хотираси, ҳалқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз худудининг холис ва ҳакқоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида фоят мухим ўрин тутади».(12) Буюк аждодимиз Амир Темур (1370-1405) Жаҳонда бошқарув назарияси ва амалиёти ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Буюк аждодимиз, жумлладан, макро даражадаги бошқарув тамойиллари, бошқарув тузилмаси, бошқарув субъектларининг ваколати ва масъулияти каби йўналишлар назарияларига асос солган ва уларни моҳирона амалиётга татбиқ килган. Салтанатни бошқаришнинг ўн икки тамойилини асослаб берган ва улар бугунги бошқарув тизимида ҳам қўл келмоқаа. Хусусан, ҳар ишни кенгаш ва маслаҳат билан амалга ошириш,

адолатпешалик, муҳтожларга муравват кўрсатиш, ҳамкорлик каби тамойиллар бугунги кунда ҳам бошқарув борасида муҳим аҳамиятга эга. Давлат бошқарувида Амир Темур томонидан вазирларга нисбатан ишлаб чиқилган талаблар-ақл-фаросатлилий, сипоҳу раият ахволидан хабардорлик, уларга нисбатан хуш муомалада бўлиш, сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик тамойиллари ҳам ўз қимматини саклаб келмоқда.

XIX аср охири ва XX аср бошларида фан-техника тараққиётининг шиддатли ўсиши, бозор муносабатларининг чукурлашиб бориши, иқтисодий муносабатларнинг такомиллашувига бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида бошқарувни маҳсус фан ва фаолият соҳасига айлантириш зарурати туғилди. Шу боис 1880-1920 йилларда бошқарувга маҳсус фан ва фаолиятнинг муҳим соҳаси сифатида алоҳида аҳамият берилди. Фредрек У.Тейлор томонидан нашр қилинган «Илмий бошқарув принциплари» асари ҳам ана шу эҳтиёж маҳсули сифатида юзага келди.

Бошқарув тафаккури ривожида минтака ва ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, бошқарув назарияси ва амалиётининг мослашуви ҳамда такомиллашуви алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, У.Тейлор томонидан тақлиф қилинган фикрлар Англия, Германия корхоналарини бошқаришда айнан қабул қилинмаган, балки назарий, амалий тажрибалар билан бойитилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда бошқарув соҳасида амалга оширилаётган макро-микро даражадаги ишларда ҳам шу йўлдан борилмоқда. Амир Темурнинг юқорида зикр этилган концепция ва ёндашувлари эса, тарихий маънодаги назария ва амалиёт уйғунлигининг намунаси ҳисобланади.

Бошқарув тафаккури ривожига нисбатан қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг қуидаги турларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим:

1. Тарихий ёндашув. Ушбу ёндашув макро-микро даражадаги бошқарув обьекти ва бошқарув мақсадига кўра юзага чиқди, бошқарув илми ва амалиёти ривожи учун мустаҳкам асос яратиб берди.

2. XIX аср охирлари ва XX аср бошларидағи иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, муносабатларнинг мураккаблашуви

бошқарув соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, ишлаб чиқаришни объектив бошқариш борасида самарали услубларни излаш заруратини юзага чиқарди.

Америкалик муҳандис Фредерик Тейлор «Илмий бошқарув тамойиллари» (1911 й.) асарида бошқарувга «қилиш керак бўлган ишни энг арzon ва яхши усулда қандай амалга оширишни аниқ билиш санъати» деб таъриф берган. У бошқарув вазифаларини уч амал-танлаш ва воситаларни тиклаш, воситаларни тайёрлаш, натижаларни назорат қилишдан иборат деб кўрсатди. Ф.Тейлор ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш борасида ўша давр нуктаи назаридан қулай усувларни таклиф қилди. Унга кўра ишчининг ҳар бир операция учун сарфлайдиган ҳаракатини ўрганиш натижасида берилиган иш ҳажмининг ягона, энг мувофиқ бажариш усули аниқланар эди. Бефойда хатти-ҳаракатлар бартараф этилиб, улардан энг самаралилари танлаб олинар, нисбий иш ҳақининг маҳсус тизими кўлланиб, берилиган нормани бажармаган ишчилар иш ҳақини 20 - 30 фоиз камайтириш билан жарима солинар эди. Шу билан бирга, берилиган вазифаларнинг юкори даражада бажарилиши учун шароитлар яратилар эди (маҳсус асбоблар билан таъминлаш, хисоб юритиш, назорат қилиш, меҳнатни батафсил режалаштириш ва бошқалар).

Ф.Тейлорнинг бошқарув тизими юзасидан таклифлари кўлланган корхоналарда ўртача ишлаб чиқариш унумдорлиги уч йил мобайнida икки марта ошди ва у ривожланган мамлакатларнинг деярли ҳамма компанияларининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда кўлланди. Ф.Тейлор бу усулни ишлаб чиқаришнинг муваффақияти бевосита ходимнинг ўзига, унинг жисмоний кучига боғлиқ бўлган шароитда яратган бўлиб, унинг асосида ишни рационализация қилиш тамойили ётади.

Ф.Тейлор ўзигача яратилган таълимотлардан оқилона фойдаланиб, бошқарув фанида рационалистик илмий мактабни яратди. Бошқарув ишига анъанавий ёндашув унинг услубий асосини ташкил этади. Унга кўра, муайян компания (фирма) бир-биридан алоҳида, мустақил таркиблардан ташкил топган, лекин уларнинг барчаси бошқарувнинг умумий қонуниятлари асосида ривожланади деб қаралган. Бу эса, компаниянинг яхлит бир тизим эканини инкор этиш бўлиб,

салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга имкон бермасди.

3. Менежмент фани ривожланишига маълум даражада ҳисса кўшган яна бир француз олими Анри Фойол (1841-1925) менежментда тарихий ва рационалистик қарашларга асосланган, Ф.Тейлордан фарқли ўлароқ, яхлит холда олинган ташкилот ва бошқарув масалалари билан шуғулланган. Ўзининг бой амалий тажрибасини «Умумий ва саноат бошқаруви» (1916) номли асарида умумлаштирган. Мазкур мактабнинг бошқарув фани олдидаги хизмати шундан иборатки, аввало, бошқарув тамойилларини ривожлантирган, ўзига хос бошқарув вазифаларини шакллантирган, ниҳоят, ташкилотни бошқариш ишига, тарихий тажрибаларни умумлаштирган холда, тизимли ёндашувга асослаган.

А.Фойол корхонада амалга оширилаётган ҳамма операцияларни олтита гурухга бўлган: техник, тижорат, молиявий, мулк ва шахсларни муҳофаза этиш, хисоб ҳамда маъмурий. У бошқаришни олтинчи гурух зиммасига юклатилган ва бошқариш-корхона ресурсларидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилиб, ушбу олти асосий функцияниң турли ҳаракатини таъминлаши уни мақсад сари олиб бориши лозим деб ҳисоблаган ва бошқариш тамойилларини куйидагилардан иборат деб қараган:

- келажакни кўриш (келажакни ўрганиш ва ҳаракат дастурини аниқлаш);
- ташкиллаштириш (корхонани икки: моддий ва ижтимоий таркибдан иборат қилиб қуриш);
- идора қилиш (корхона ходимларини фаол ҳаракатга келтириш);
- келиши (ҳаракат ва ташаббусни уйғуллаштириш ва рағбатлантириш);
- назорат қилиш (буйруклар асосида ҳаракатни кузатиш), Бу тасниф ҳозирги давргача бошқариш фанининг асосини ташкил этади.

4. XX асрнинг 20 - йилларига келиб машиналашган ишлаб чиқаришда жисмоний имкониятлардан фойдаланиш юқори даражага етди. Ишлаб чиқаришда интеллектуал ресурслардан фойдаланиш даври келди. Бу эса, бошқарувга янгича ёндашувни талаб этди. Натижада, менежмент масаласига инсоний

муносабатлар сифатида ёндашув амалиёти вужудга келди. Асосчилари Элтон Мей (1880-1949) ва Мэри Парно Фолетт (1868-1933) хисобланган. Ушбу назария асосан, мустаҳкам бирлашган жамоани таркиб топтириш, унда яхши микромухитни шакллантириш, ходимларга меҳрибонлик қилиш, уларга ёрдам беришни менежернинг асосий вазифаси сифатида талқин этади.

5. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб бошқарувга юқори эстетик дид ва намунали хулк-, автор асосида ёндашув тамойили шакллана бошлади. Чунки «инсоний муносабатлар» мактаби асосий эътиборни жамоага қаратган бўлиб, ишлаб чиқариш фаолиятининг мураккаблашуви ва индивидуаллашуви даврида бунинг ўзи етарли эмас эди. Эндиликда эътиборни жамоага эмас, унинг асоси бўлган ҳар бир ходимга алоҳида қаратишни тақозо этарди. Ушбу ёндашув алоҳида олинган ходимнинг ўз имкониятлари ва лаёқатини ташкилот манфаатларига мос равишда намоён қилишини таъминлашни назарда тутади. Ушбу йўналишга мансуб олим - Дуглас Мак-Грегор (1906-1964) «Корхонанинг инсоний тарафи» асарида тарихий тажрибалардан келиб чиқкан ҳолда, «Х» ва «У» назариясини илгари сурди.

Биринчи назарияга мувоғик, инсон табиатан дангаса, уни ҳаракатга келтириш учун жазолаш ёки йўқчилик билан кўрқитиши зарур. Иккинчи назарияга асосан эса, инсонларга ёқимли меҳнат билан шуғулланиш карорлар қабул қилишда қатнашиш, жонбозлик кўрсатишдан хурсандлик, хайриҳоҳлик зарур. Бундан келиб чиқкан ҳолда Д. Мак-Грегор «ходимларга майда васийлик қилишдан воз кечиш, уларнинг ижодий ҳаракатлари ва мустақиллиги учун шароит яратиб бериш, ишлаб чиқаришга инсоний муносабатларни татбиқ, этиш керак. Биринчи назария эскирди, шу боис менежерлар иккинчи назария билан куролланмоғи зарур», деб таъкидлайди.

Илгор кооперацияларда менежмент ушбу тамойилларни ҳисобга олган ҳолда «қисқартирилган иш ҳафтаси», «сурилган иш жадвали» ва бошқа шакллардаги янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этади.

6. Ташкилотнинг ишлаб чиқариш, молиявий, маркетинг, ижтимоий, экологик ва шу каби фаолиятлари ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, ички ва ташқи муносабатларнинг

кучайиши XX асрнинг ўрталарида бошқаришга тизимий ёндашувнинг шаклланишига олиб келди. Ушбу ёндашувга мувофиқ ташкилотнинг ҳамма таркиблари бир-бирига боғлик, ва ўзаро уйғун ҳолда ҳаракат қилади. Уларнинг биридаги ўзгариш, мұқаррар равишда, бошқаларидағи ўзгаришга, пировард натижада эса, бутун ташкилотдаги ўзгаришларга олиб келади. Бу хар қандай муаммонинг атрофлича ўрганилиши ва ҳал этилишини талағ қилади.

Тизимий ёндашув намоёндаларидан бири америкалик Честер Бернард бу борадаги тарихий тажрибаларни умумлаштирган ҳолда, биринчи марта ташкилотта ижтимоий тизим сифатида қараган, шундан келиб чиқиб, менежментнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат деб таъкидлаган: ташкилотнинг мақсадларини белгилаш, уларнинг алоҳида таркиблари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ҳамда ўзаро уйғун ва самарали ҳаракат қилишини таъминлаш.

Тизимий ёндашувга асослануб, Бернард «корпорациянинг ижтимоий масъулияти» концепциясини яратди. Унга мувофиқ, алоҳида ташкилий тизимлар ва уларда қабул қилинаётган қарорлар ташкилот фаолиятида мухим ўрин тутади. Шунинг учун, менежмент ташкилотнинг келажақдаги ривожида буни, албатта, инобатга олиши зарур.

Ҳозирги даврда фан ва техника инқиlobи, олдинги даврдан фарқли ўлароқ, ички ва ташки мухитнинг тез ва кутилмаган тарзда ўзгариб туришига олиб келди. Демак, бу даврда менежмент олдида ўзгарувчан мухитга мослашиш масаласи устувор бўлиб қолди. Бундай ўзгаришларни «аҳволий ёндашув» назарияси ўзида акс эттириди ва шу асосда ҳозирги кунда фаол ишлаётган стратегик бошқарув концепцияси яратилди. Унинг моҳияти шундан иборатки, менежмент ҳар хил вазиятларда турлича қўлланади, шунинг учун ҳам менежментнинг асосий вазифаси вазиятга таъсир этувчи барча омилларни хисобга олган ҳолда қарорлар қабул килишдан иборат.

Бошқарув турлари тўғрисида гапирганда, унинг қўйидаги кўринишлари мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин: давлат бошқаруви, ҳудудий ва тармоқ бошқаруви, хўжалик субъекти даражасидаги бошқарув. Менежмент олдига қўйилган мақсад ва вазифалар унинг тузилмалари орқали руёбга

чиқарилади. Шу муносабат билан менежментнинг икки - умумий -ташкилий ва функционал тури мавжуд.

Умумий-ташкилий менежмент компания (фирма) фаолиятининг бир мақсадга йўналтирилганини таъминлашга қаратилган бошқарувдир. Янада аниқроқ, айтганда, у компаниянинг турли бўлинмалари ва хизматчилар фаолиятини ягона бир мақсадга буйсундиришни ёки мувофикалаштиришни ташкилий, тизимий, услугубий жиҳатдан таъминлаш вазифасини амалга оширади.

Функционал менежмент компания (фирма) фаолиятининг маҳсус соҳаларини бошқаришни англатади.

Жумладан:

- меҳнат ресурслари менежменти;
- маркетингни бошқариш;
- ишлаб чиқариш менежменти;
- молия менежменти;
- инвестициялар менежменти;
- эккаунтинг менежменти.

Меҳнат ресурслари менежменти орқали ходимларни танлаш, жойлаштириш, ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, меҳнатини рағбатлантириш ва мотевациялаш, меҳнат шароитларини яратиш, ходимларнинг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилаш ва шу каби масалалар ҳал этилади.

Маркетингни бошқариш-маркетингнинг ташкилий тузилмаларини шакллантириш, уни ҳаракатга келтириш, бозор имкониятлари таҳлили ва мақсадга мувофик, бозорни танлаш, ишлаб чиқариш ва бозор мутаносиблигини таъминлаш ҳамда режалаштириш ҳамда назоратни амалга оширишни қамраб олади.

Ишлаб чиқариш менежменти - ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техника ва технологиялардан самарали фойдаланишни таъминлаш, олдиндан аниқланган параметрлар асосида иш юритиш, юқори сифатни таъминлаш, унумдорликни ошириш ва шу каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган.

Молия менежменти - компания (фирма) молиясини шакллантириш, унинг манбаларини аниқлаш, самарали жойлаштириш, молиявий аҳволни мустаҳкамлаб бориш ва истиқбол режаларини асослаш каби масалаларни бошқаради.

Инвестициялар менежменти-компания (фирма) инвестицион фаолиятининг хамма жабҳалари самарали ва фойдали бўлишини таъминлайди.

Моддий техника таъминоти менежменти-компания (фирма) фаолиятини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш билан боғлиқ бўлган комплекс масалаларни бошқаради. У ўз фаолиятида маркетинг хизмати билан узвий алоқада бўлади.

Эккаунтингни бошқариш-ташкилот фаолияти бўйича маълумотларни йигиш ва таҳлил қилиш, режа кўрсаткичларини бошқа ташкилотларнинг маълумотлари билан солишириш, унинг асосида камчиликларни аниқлаш, ривожланиш имкониятларини яратиш билан боғлиқдир.

Менежмент жараёни амалда қўйдагилар асосида ҳаракат қиласди:

- ижтимоий – иқтисодий қонунлар;
- менежмент қонуниятлари;
- менежмент тамойиллари.

Менежмент асосан, қўйидаги тамойиллар асосида ўз фаолиятини амалга оширади:

- илмийлик;
- мақсадга йўналтирилганлик;
- кетма-кетлик ва бир-бирини тўлдириш;
- доимийлик;
- ўзига хос хусусиятни ҳисобга олиш;
- бошқарувнинг доимий такомиллашиб бориши;
- бошқарувнинг самарадорлиги.

Илмийлик тамойили-бошқарувнинг ҳар бир масаласи илмий асосланган фаолият асосида ҳал қилинишини талаб этади ва унинг амалга оширилишини билдиради. Масалан, қарор қабул қилиш жараёнида илмий башорат қилиш усулларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Бу эса, қарорларнинг келажак талабларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишини таъминлайди.

Мақсадга йўналтирилганлик тамойили-бошқарув фаолиятининг тизим олдига қўйилган мақсад ёки вазифани бажаришга қаратилишини таъминлайди. Масалан, компания раҳбарияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини яхшилашни устувор вазифа деб

белгилаган бўлса, ҳамма бошқарув субъектларининг фаолиятлари ушбу устувор вазифани бажаришга қаратилади.

Кетма-кетлилик ва бир-бирини тўлдириш тамойили-бошқарув фаолиятининг тўлақонлилиги ва тизимнинг яхлитлигини таъминлашга қаратилган. Масалан, компанияни инқироз шароитидан олиб чиқиш учун бошқарув режасида энг муҳим иқтисодий, техник ва ижтимоий чора-тадбирлар аниқланади, уларнинг бажарилишида кетма-кетликка асосланилади ва улар асосида бошқарув жараёни юзага чиқади.

Доимийлик тамойили-ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқарув фаолияти таъсирида таъминлашга қаратилган. Масалан, фараз қиласийлик, компанияда маркетинг менежменти доимий амалга оширилмайди, натижада бошқарув тизими ўз олдига қўйилган вазифаларни бажара олмайди, охир-оқибатда ишлаб чиқаришга катта зарар етади.

Менежментда ўзига хос хусусиятни ҳисобга олиш тамойили - ҳар бир бошқарув обьектининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишни англатади. Масалан, Ф.Тейлорнинг Америка заводлари тажрибасида ишлаб чиқилган бошқарувга оид таклиф ва тавсияларидан Германия, Англия ва Россия саноат корхоналарида ўзларига хос хусусиятларни ҳисобга олган холда фойдаланганлар.

Тизимли ва комплекслилик тамойили-бошқарув жараёнида унинг ҳар бир обьекти ва муаммосига тизимли ҳамда комплекс тарзда ёндашиш кераклигини билдиради. Масалан, унумдорликни бошқаришда унга бир тизим деб қараш ва уни ҳал этишда комплекс омилларни бошқариш зарурлиги тақозо этилади.

Бошқарувнинг доимо такомиллашиб бориши тамойили-иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, фан-техника тараққиёти ва эҳтиёжларнинг доимо ривожланиб боришига мос равишда бошқарув фаолиятининг такомиллашиб боришини таъминлашга хизмат қиласи. Масалан, бошқарув фаолиятида замонавий ахборот технологиясининг қўлланилмаслиги охир-оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлади.

Менежментнинг юкори малакалилик, масъулият ва ижодкорлик тамойили-бошқарув фаолиятида машхур бўлган ходимлар, менежерлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган. Масалан, бошқарув ва ишлаб чиқариш

самарадорлиги, биринчи навбатда, менежерларга боғлиқ. Компания жуда қулай молиявий, техник ва бошқа имкониятларини чаласавод, масъулиятсиз ва ижодкор бўлмаган менежер қўлига топширса, у банкрот бўлиши мумкин.

Бошқарув самарадорлиги тамойили-бошқарув фаолияти натижаларининг самарадорлик мезонларига жавоб берishiда намоён бўлади.

Менежмент фаолиятининг ҳаётий зарурати унинг кўйидаги вазифаларида акс этади:

1. Стратегик режалаштириш.

2. Стратегияни амалга ошириш учун узоқ ва қисқа муддатли режалаштириш.

3. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси ва ўзаро муносабатларни ташкил қилиш.

4. Мотивация.

5. Мувофиқлаштириш.

6. Назорат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, стратегик қарорлар юкори ташкилот, раҳбарият томонидан қабул қилинади.

Стратегияни амалга оширишда узоқ ва қисқа муддатли режалаштириш стратегик қарорларнинг қуиї бўғинлар томонидан амалга оширилишини билдиради.

Мамлакатимизда жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришни икки даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр-мустакилликкача бўлган даврни қамраб олиб, у маъмурий-буйруқбозлиқ бошқарув тизими хусусиятларини акс эттиради ва халқимиз мамлакатимиз манфаатларига мос бўлмаган мазмун касб этган.

Иккинчи давр-мустакиллик йилларида жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришнинг мутлақо янги сифат даврини ташкил этади. Мазкур даврнинг бошқаруви кўйидаги тамойилларда намоён бўлади:

- жисмоний ва интеллектуал ресурсларни уйғунликда бошқариш;

- жисмоний-интеллектуал ресурсларни тизимли бошқариш;

- жисмоний-интеллектуал ресурсларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқсан ҳолда, самарали бошқариш.

«Биз танлаган ёндашувлар кўп жиҳатдан тажриба,

изланиш тарзидаги ёндашувлар эди. Лекин биз бу тажрибаларни дадил амалга оширдик. Уларни ўзини обрўсизлантириб қуйган маъмурий-бўйруқбозлиқ тизими тузогидан қатъяян халос бўлишнинг, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мос бўлган янги муассасалар тизимини тезлик билан жорий этишнинг бирдан-бир йўли деб билдик». (13) Ўзбекистонда жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқариш модели ва унга мос равишда ёндошув натижасида жисмоний-интеллектуал ресурслар баркамол авлодни камол топтириш ҳамда жамиятимиз тараққиёти йўлида янада самаралироқ хизмат қила бошлади.

WWW.UZDUTI.

## IV. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, миллат генофондини янада соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш аҳамияти давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб белгиланган. Қисқа муддатда бу соҳада олиб борилган кенг кўламли амалий харакатлар ўз самарасини бера бошлади.

Маълумки, мамлакатимиз спорти 1991 йилгача собиқ Иттифоқ бўйича амал қилган ҳукмрон тизимнинг бир қисми бўлиб, юртимиз бу масалада халқаро майдонга мустақил чиқиш ва ўз имкониятларини намоён этиш ҳуқукига эга бўлмаган. Республикализмнинг саноқли спортчиларигина Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Европа миқёсидаги нуфузли мусобақаларда қатнаша оларди. Асосий эътибор маҳаллий аҳоли ўртасидан малакали спортчилар тайёрлаш, жисмоний тарбияни оммалаштиришга эмас, балки бошқа республикалардан тайёр спортчиларни таклиф қилиб, ҳужакўрсинга муайян натижалар олишга қаратилар эди. Шу боис, республиканинг факат марказий шаҳарларида бирмунча ишлар қилиниб, чекка ҳудудларида спортни ривожлантиришга етарли аҳамият берилмади. 1991 йилгача Ўзбекистонда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бирорта ҳам йирик спорт иншоти бунёд этилмагани, ҳатто Тошкент шаҳрида ушбу талабларга мос спорт мажмуаси бўлмаганини ўзиёқ бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Мустақилликка қадар Ўзбекистон халқаро спорт жамоатчилиги учун қарийб ёпик эди. Футбол ва теннис бўйича ўсмиirlар ўртасида собиқ социалистик давлатлар спортчилари иштирокида ўтказилган турнирларни хисобга олмагандা, мамлакатимизда бошқа халқаро мусобақалар деярли ўтказилмади.

Мустабид сиёсат жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ўз асоратларини қолдириб, булар айниқса, қуидагиларда намоён бўлди:

1.Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт ишлари марказий республикаларга нисбатан паст даражада йўлга қўйилди, спорт харакатига ерли аҳоли оммавий равишда жалб қилинмади, улар орасидан юқори малакали спорчиларни тайёрлаш борасида эса, аниқ ва мақсадли ишлар олиб борилмади, оқибатда аксарият ёшларнинг жисмонан соғломлиги талаб даражасида бўлмай, улар орасидан катта спортига саноқли спорчилар чиқа олдилар;

2.Спорт тармоқларини ривожлантириш, спорт иншоотларини куриш, умуман спортнинг моддий–техникавий базасини кенгайтириш ва молиялаштириш ишлари фақат марказ розилиги билан, чекланган тарзда амалга оширилди;

3. Соҳа учун олий ва ўрта маълумотли кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлсада, мусобакаларда миллий спорччи кадрлар турли сунъий тўсик ва саралашлардан ўтишга мажбур эди. Миллий кадрларни тайёрлаш ва маҳаллий спорчилар иқтидорини рўёбга чиқаришдаги бундай нохолис сиёсат асорати мустақилликнинг биринчи йилларида кўпчилик спорччи ва мураббийларнинг бошка жойларга кетиб қолишида ўз аксини топди;

4.Ўзбекистон спортига адолатсиз муносабат туфайли жуда кўп спорчиларимиз Европа, Жаҳон ва Олимпия мусобақаларида иштирок этиш имкониятидан маҳрум этилди;

5.Ўзбекистон спорчиларининг жаҳон миқёсига мустақил чиқа олмаганинги мазкур соҳанинг замон талабларига мос равишда ривожланиб боришига ҳам катта тўскинлик қилди.

Ўзбекистонда мавжуд муаммоларни бартараф қилиш мақсадида Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган тегишли қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари босқичма-боскич қабул қилиниб, улар жорий этилди.

Кисқа муддатда:

-жисмоний тарбия ва спортни бошқаришнинг ташкилий асослари такомиллаштирилди;

-Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ташкил қилинди;

-жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий-спорт ишлари ва спортнинг миллий турлари ривожлантирилди; жисмоний тарбия ва спорт соҳасини маблағ билан таъминлаш тизими такомиллаштирилди, нодавлат сектор ривожлантирилди;

-жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди; миллий таълим дастурига биносан жисмоний-тарбия ва спорт соҳасига кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда.

1992 йилнинг январь ойида мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг хукуқий асоси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. (14)

Республикада жисмоний тарбия ва спортни бошқарув тизимини мувофиқлаштириш мақсадида, Кўмитага спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, ўз ваколати доирасида вазирликлар, идоралар, Миллий Олимпия қўмитаси (МОК), спорт турлари бўйича миллий федерациялар ҳамда мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар, турли ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш, шунингдек, барча жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари устидан назорат қилувчи орган макоми берилди.

Спорт соҳасида ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган «Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Махкамасининг қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди.(15) Хусусан, 1993 йилдан иқтидорли ёш спортчилар жисмоний тарбия институти ва факультетларига имтиёзли равишда ўқишига кириш хукуқига эга бўлдилар.

Юртни битта мақсад атрофига бирлаштира оладиган, халқнинг ғуур ва туйғусини оширадиган, ёшларни ўзига жалб

қила оладиган спортнинг оммавий ўйин тури-футболни янада ривожлантириш мақсадида 1993 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 1995 йилда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.(16-17) Натижада мамлакатда спортни кенг миқёсда оммавий равишда ривожлантириш ҳаракатлари жонланиб, республикамизнинг барча ўкув муассасаларида футбол майдончалари ташкил этилди, Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларидаги барча стадионлар қайта таъмирланди, жойлардаги футбол майдонлари халқаро стандартлар даражасида реконструкция қилинди, барча вилоятларда футбол мактаб-интернатлари ташкил этилди ва тегишли мутахассис кадрлар билан тўлдирилди ҳамда катта футболни профессионал клублар тизимига ўтказилишига асос бўлди.

Мамлакат спортчилари Олимпия ўйинларида ilk маротаба мустақил жамоа сифатида Американинг Атланта шаҳрида 1996 йилда иштирок этдиар. Ўзбекистон ҳукумати спортчиларимизни халқаро мусобақалар, Олимпия, Осиё ўйинларида муваффакиятли қатнашишлари учун барча шароитларни яратиб бермоқда. Мустабид тузум даврида, Ўзбекистондан ёзги Олимпия ўйинларида атиги 40 нафар спортчи иштирок этган бўлса, мустақилликдан кейин биргина АҚШнинг Атланта шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида мамлакатимизнинг 76 нафар спортчиси қатнашиб, дзюодочи Армен Богдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов эса, бронза медалларини қўлга киритдилар. 1994 йилда Лиллихаммерда ўтказилган қиши Олимпия ўйинларида Лина Черязова олтин медалга сазовор бўлди.

2000 йилда Австралияning Сидней шаҳрида ўтган Олимпия ўйинларида эса, 77 нафар спортчимиз Ватанимиз шарафини химоя қилиб, боксчилардан Мухаммадқодир

Абдуллаев олтин, Рустам Саидов бронза, эркин курашчи Артур Таймазов кумуш медаллар сохиби бўлдилар.

Киска даврда спорт соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси жаҳонда эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳамда Халқаро олимпия ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун 1996 йилда Халқаро Олимпия қўмитасининг олий мукофоти—Олтин Олимпия ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон Президентининг ташабbusи билан 1996 йилда Тошкент шахрида «Олимпия шон-шуҳрати» музейи ташкил этилиб, унинг очилиш маросимида Халқаро Олимпия қўмитасининг Президенти X. А. Самаранч қатнашди.

Республика Президентининг ташабbusи туфайли спортнинг ўйин турлари билан биргаликла, тараққий этган давлатлардагина ривож топган қатта теннис мамлакатимизнинг барча худудларида оммавий равишда, тез суръатлар билан ўси. Бир неча йилда жаҳон андозалари тадабларига жавоб берадиган теннис саройлари ва кортлари Корзакалпоғистон Республикаси, Тошкент шахри ва вилоятларда бунёд этилди, улар негизида турли даражадаги халқаро мусобакалар ўtkазиб келинмоқда.

1994 йилдан Тошкентда ATP таснифидан жой олган «Президент Кубоги» халқаро турнири, «Тошкент Оpen» халқаро аёллар турнири, шунингдек, Фарғона, Самарканд, Гулистон, Бухоро, Карши ва бошқа шаҳарларда «Челленжер», «Фьючерс» ва «Сателлит» туркумидаги халқаро теннис турнирлари ўtkазилиб келинмоқда. 1997 йилда мамлакатимизда теннисни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлашга қаратилган маҳсус жамғарма ташкил этилди. Мамлакат ахолиси ўртасида теннисни тарғиб этиш ва жалб қилиш, шуғулланувчиларга тегишли шароитлар яратиш мақсадида "Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш чора—тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамаси қабул қилинди (1998й.).(18) Унга мувофиқ, вилоятларда теннис федерациялари, клублари ташкил этилди, ушбу спорт тури юкори босқичга олиб чиқилди.

Мамлакатда Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турларини мамлакатда ривожлантириш билан бирга, миллий спорт тури "Кураш"нинг жаҳон спорт ареналарига олиб чиқиши борасида мислсиз ишлар амалга оширилди. Ўзбек миллий спорти - курашни янада ривожлантириш, унинг халкаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 1999 йилда «Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-кувватлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади. Унга кўра, юртимизда Халқаро курашни ривожлантириш жамғармаси тузилди. Халқаро кураш ассоциацияси ҳамда Халқаро кураш академиясига давлат томонидан ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан катта эътибор кўрсатилди. Мамлакат Президенти И. Каримов Халқаро Кураш Ассоциациясининг фаҳрий президенти этиб сайланди.

Ўзбекистоннинг спорт соҳасида эришган энг катта ютуқларидан бири миллий курашнинг дунё миқёсига чиқиши билан боғлиқdir. Ҳозирда жаҳоннинг 76 мамлакатида кураш федерациялари тузилди. Бу миллий спорт тури бўйича дастлабки Осиё, Европа, Африка, Америка қитъалари ва жаҳон чемпионатлари ўтказилди.

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни комплекс ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Махкамасининг карори 1999 йилда қабул қилинди.(19) Унга биноан, «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Давлат дастури концепцияси» тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари сифатида қўйидагилар қабул қилинди:

- 1.Жисмоний тарбия ва спортни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- 2.Жисмоний тарбия-соғломлаштириш, оммавий-спорт ишларини ва спортнинг миллий турларини ривожлантириш;
- 3.Жисмоний тарбия ҳамда спортни илмий-услубий ва тиббий таъминлаш;

4. Жисмоний тарбия ва спорт тизими имкониятларини ривожлантириш;

5. Жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш;

6. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, нодавлат секторини ривожлантириш.

Дастур тадбирлари асосида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2000 йилда Олий Мажлис сессиясида қабул қилинди;

-Тошкент шаҳрида боксни, миллий спорт турларини ривожлантириш, Шахрисабзда эса, курашни ривожлантириш республика марказлари ташкил этилди;

-аҳолининг жисмоний тайёргарлик ва саломатлик даражасини белгилаб берадиган «Алюмиш» ва «Барчиной» тестлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди;

-мамлакатимиздаги барча спорт иншоотлари рўйхатдан ўтказилди;

-вилоят марказларида олимпия захиралари коллежлари ишга туширила бошланди.

Ўзбекистонда спортчи ва мураббийлар меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантиришга катта эътибор берилиб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонлари таъсис этилди (1992й.).(20) Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган спортчиларга бериладиган «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони (1998 йилда) таъсис этилди.(21)

Ўзбекистон спортчилари нуфузли халқаро мусобақаларда катнашиб, барча қийматдаги медалларни қўлга киритдилар (1-илова). Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан Норвегиянинг Лилхаммер, АҚШнинг Атланта, Австралиянинг Сидней шаҳарларида бўлиб ўтган Олимпия ва Осиё ўйинларида ҳамда жаҳон чемпионатларида муваффақиятли катнашган республика спортчилари ва уларнинг

устозлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар (2-илова).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олимпия ўйинларида, жаҳон чемпионатларида юкори натижаларга эришган мамлакат спортчиларини хар томонлама қўллаб-кувватлаш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга оширди.(22) Жумладан, Олимпия ўйинларида биринчи ўринни эгаллаган спортчига 100 минг, иккинчи ўрин учун 50 минг ва учинчи ўрин учун 25 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлар белгиланди. Мамлакат терма жамоа аъзоларига жаҳоннинг нуфузли мусобақаларига сифатли тайёргарлик кўриши учун исталган спорт иншиотларидан бепул фойдаланиш хуқуки, шунингдек, бошқа шарт-шароитлар яратиб берилди. Ана шундай имкониятлар Ўзбекистон спортчиларининг Сидней ва Афина Олимпиадаларида муваффақиятли катнашишини таъминлади.

Мамлакатда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни ривожлантириш, жойларда болалар спортининг моддий базасини яратиш, аҳоли яшайдиган жойларда замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш ҳамда спорт ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш мақсадида, 2002 йилда "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" тузилди.(23) Ўзбекистон Республикаси Президенти Жамғарма ҳомийлик кенгашининг раиси этиб сайданди. Қорақалпогистон Республикаси Жўқори Кенгес раиси вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари минтақавий филиаллар ҳомийлик кенгашиларининг раислари этиб тайинландилар.

Спорт машғулотларига ўқувчиларни оммавий равища, узлуксиз жалб қилишни ташкил этиш мақсадида, "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида" 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.(24) Мазкур қарор асосида мамлакатда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар

коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" мусобакаларининг ҳудудларда республика финал босқичларини ўтказиш режаси белгиланди.

Болалар учун спорт товарлари турларини кўпайтириш ҳамда минтақалар, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган "Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг (2003 йил) қарори қабул қилиниб, унинг асосида мамлакатда спорт кийимлари ва анжомларини ишлаб чиқариш йўлга кўйилди.(25) Жисмоний тарбия ва спортни оммавий ахборот восьиталари орқали кенг тарғиб қилиш, унинг моҳиятини мамлакат аҳолисига кенг етказиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда "Оммавий спорт тарғиботини" янада кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унга биноан, Ўзбекистон телевидениесида маҳсус "Спорт" канали ташкил этилди.(26)

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир қонун, фармон ва қарорлар бу соҳанинг тез суръатлар билан тараққий этишига, халқаро майдонда Ўзбекистон нуфузи ва обрўсининг ошишига, колаверса, аҳолининг, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг спортга бўлган муносабатини ўзгартиришга олиб келди. Мамлакатда соғломлаштириш ишлари барча ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳа муассасаларида жонланди, бошланғич спорт жамоаларининг ишлари фаоллаша бошлади (З- илова).

Мамлакатда фаолият юритаётган 504та болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари ва ихтисослашган болалар ва ўсмиirlар олимпия заҳиралари мактаблари, 11 та олимпия ўринбосарлари билим юрти ҳамда 8 та Республика олий спорт маҳорати мактабида юқори малакали, истеъоддли спортчилар тайёрланмоқда. Малакали спортчиларни тайёрлаш билан бирга, оммавий спортни ривожлантиришда спорт жамоалари, федерациялар ва бошланғич спорт жамоалари томонидан

сезиларли ишлар амалга оширилди. 1991 йилда юртимизда 52 спорт тури мавжуд бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 70 тага етди. Бугунги кунда амалда бўлган 70 та спорт туридан 25 тадан ортиғи барча худудларда кенг ривож топиб, уларни оммалаштириш учун тегишли шароитлар яратилмоқда. Мазкур ишлар эвазига спорт билан шуғулланамётганларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда (4-илова).

Футбол, теннис, кураш, волейбол, баскетбол, гандбол, енгил атлетика билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга тез суръатлар билан, айниқса ёшлар орасида, оммавийлашиб бормоқда. Жумладан, 2003 йилда футбол билан шуғулланувчиларнинг сони 1992 йилдагига нисбатан 172 фоизни ташкил этди, кураш билан шуғулланувчилар эса 4,6 баробарга кўпайган. Тъкидлаш жоизки, барча худудларда ана шундай ўсиш ҳолати кузатилмоқда. (5-илова)

Жойларда спорт турларининг жадал ривожланиши шуғулланувчилар сонининг мунтазам ошишига ва аҳолини оммавий тарзда қамраб оладиган турли мусобақаларнинг ташкил этилишига замин яратмоқда. Бу мусобақалар орқали ўқувчи-ёшлар, ногиронлар, ишчи ва хизматчилар, барча ижтимоий қатламга мансуб аҳоли вакиллари спортга жалб қилинди. Ҳар йили умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи, академик лицей ўқувчилари, талабалар, ишчи ва хизматчилар, хукуқ-тартибот, мудофаа ҳодимлари ўртасида баскетбол ва волейбол бўйича «Камодот кубоги», миллий спорт ўйинлари мусобақалари, ҳарбий хизматга чакириладиган ёшлар ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари, ногиронлар ўртасида «Жасорат – ирода ғалаба» мусобақалари, шунингдек аёллар, қишлоқ хотин-қизлари спартакиадалари ва бошқалар мунтазам ўtkазиб келингапти. 2000 йилдан бошлаб узлуксиз спорт мусобақалари тизими асосида талабалар ўртасида «Универсиада», ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида «Баркамол авлод» ва ўқувчиларнинг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ўтказила бошланди.

## **Болалар ва ўсмиirlар спорти**

Ёш авлодни спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, Ватанга меҳр-муҳаббат, ўз юрти билан ғуурланиш руҳида тарбиялаш ишлари асосий йўналиш сифатида белгиланди. Ўзбекистонда болалар оммавий спортини ривожлантиришнинг таъминлаш мақсадида, жойларда спорт муассасаларининг барпо этилиши, янги-янги спорт турларидан тўгараклар фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг тегизли жиҳозлар ва малакали спорт мураббийлари билан таъминланиши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмиirlар сони йилдан-йилга ортиб боришига асос бўлмоқда. (6-12-иловалар).

Мамлакат Президенти бошчилигидаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси" Жамғарманинг ҳомийлик кенгаши ўз фаолиятини жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этишдан бошлади. Болалар спортини хар томонлама ривожлантириш мақсадида, мамлакат ва худудлар миқёсида спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмиirlар сони аниқланиб, илмий ва тибий асослар ҳамда худудларнинг табиий шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, истиқболли спорт турлари ривожлантирила бошланди. Жамғарма орқали спорт ишооти қурилини ва таъмирланиш ишлари йўлга қўйилди. Республикада тибий ва илмий асосланган 2,8 мингдан ортиқ спорт тўгараклари ташкил қилиниб, уларга 85 мингдан ортиқ болалар жалб қилинди.

Болалар оммавий спорт маҳорати бўғинидаги тадбирлар, оммавий разрядлар кўрсаткичидан иккинчи спортнинг юкори маҳорати бўғинига, ўсмиirlар спорти орқали тайёрланадиган 1-чи разрядли, спорт устаси номзоди ва спорт устаси даражасига чиқиши имкониятларини яратади. Мамлакатда оммавий ва юкори спорт тизими доирасидаги Болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари, олимпия

ўринбосарлари колледжлари, Республика олий спорт маҳорати мактабларида юқори малакали ва истеъоддли, ўз Ватани шоншұраты учун кураша оладиган спортчилар тайёрланиши йўлга қўйилди.

Малакали спортчиларни тайёрлашдаги бирламчи чора тадбирлар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатा�ётган 504 болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида (БЎСМ) амалга оширилмоқда (13-29-илова). Ёшлиар, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида малакали спорт устозлари қўл остида ўқишдан ташқари вақтда спорт билан шуғулланиб, юқори билим ва спорт маҳоратига эга бўлганлар эса, спорт колледжларига ўқишига қабул килинадилар. Замонавий ўкув ва спорт базасига эга бўлган ана шундай колледжлар Жиззах, Хоразм, Андижон, Фарғона шаҳарларида фойдаланишга топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришининг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 27-сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида футбол мактаб-интернатлари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1999 йил 27 майдаги 271-сонли қарорига асосан вилоятлар марказларида олимпия ўринбосарлари колледжлари ташкил этилмоқда.(30,31,32-илова).

Болалар ва ўсмирлар ўртасида оммавий уч босқичли мусобақалардан ташқари, ҳар йили 60 дан ортиқ спорт турлари бўйича мамлакат, вилоят, туман биринчиликлари ўтказиб келинмоқда.

### **Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари**

Мустақиллик халқимизнинг миллий спорт ўйинларини қайта тиклаш ва халқаро майдонга олиб чиқиш имкониятини берди. Мамлакатда 1992 йилдан буён миллий спорт турлари ва

халқ үйинлари фестивали ўтказилиб, 1999 йилдан аёллар ўртасида ҳам «Тўмарис» миллий спорт мусобакалари ва халқ үйинлари фестивали ўтказила бошланди.

Мамлакатимиз раҳбариятигининг доимий эътибори туфайли халқимизнинг фахри бўлган ўзбек кураши халқаро майдонда тан олинди. 1992 йилдан Термиз, Бухоро, Урганч, Шахрисабз, Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўзбек кураши бўйича Амир Темур, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бобур Мирзо, Паҳлавон Маҳмуд хотираларига бағишлинган халқаро турнирлар ўтказиб келингани.(33-илова)(27) Ўзбек курашининг янги қоидалари, янги кийими тасдиқланниб, 1992 йилда Жанубий Кореяда, 1993 йилда Канадада, 1994 йилда Японияда, 1995 йилда Ҳиндистонда, 1996 йилда Атлантада, 1998 йилда Монако ва Москвада ўтган халқаро турнирларда тарғиб қилиниб, илмий тизимга асосланган тарзда дунё микёсига олиб чиқилди.

1998 йилда Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилиб, 1999 йилда Тошкент шаҳрида кураш бўйича биринчи,(28) 2000 йилда Туркияning Анталия шаҳрида иккинчи, 2001 йилда Венгрияning Будапешт шаҳрида учинчи, 2002 йилда эса Жаҳон чемпионатлари ўтказилди.

Шу билан бирга белбоғли кураш, турон якка кураши, кўпкари-улоқ каби миллий спорт турлари ҳам халқаро спорт майдонларида муносиб ўрин эгаллай бошлади. Мазкур спорт турлари бўйича ҳам мамлакатда мунтазам равишда халқаро мусобакалар ташкил этилмоқда.

2000 йилда Тошкент шаҳрида Миллий спорт турларини ривожлантириш маркази ташкил этилгани бу борадаги ишларни мувфиқлаштириш имконини бермоқда.

Узок тарихга эга бўлган миллий курашимиз умуминсоний қадриятларни узида акс эттириши, усууларининг бойлиги билан қисқа вақт ичida кўпгина мамлакатлар спорт жамоатчилиги эътиборини тортди. Мамлакатимиз Президенти ва спорт фаоллари саъй-ҳаракати туфайли халқаро микёсда тобора оммалашиб бораётган спортнинг бу тури яқин келажакда Олимпия үйинлари дастурига киритилиши, шубҳасиз.

## Катта спорт

Ўзбекистон спортчилари энг йирик халқаро мусобақаларда—Олимпиада ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида мустақил давлат вакили сифатида катнашишдек улкан ва маъсулиятли шарафга муяссар бўлдилар.

Мамлакат спортчилари халқаро спорт майдонларида мустақил Ўзбекистон байроби остида илк бор 1992 йилда Барселонада ўтказилган Олимпиадада катнашдилар. Ўша йилнинг ўзидаёқ 17 нафар вакилларимиз 3 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медалларини кўлга киритиб, спорт дунёсида катта имкониятларга эга бўлган янги давлатнинг салоҳиятини намойиш этдилар. 1992 йилда Манилада бўлиб ўтган Бутунжоҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 100 дан ортиқ мамлакат вакилларини ортда қолдириб, жаҳон чемпиони Г.Каспаров бошчилигидаги Россия терма жамоасидан сўнг фахрли иккинчи ўринни эгаллагани катта воеа бўлган эди. 1991 йилгана мамлакатимиздан факат битта халқаро гроссмейстер—Георгий Аъзамов етишиб чиқсан бўлса, ўн бир йиллик мустақиллик даврида 10 нафар гроссмейстер етишиб чиқди. Шунингдек, ўсмиirlар ўртасида Жаҳон чемпиони деган шарафга мушарраф бўлган И.Хамроқулов, дунё рейтингига юкори ўринни эгаллаб турган 2004 йил Триполида ўтган жаҳон чемпионати ғолиби сифатида шахмат тожини кийган Р.Қосимжонов каби истеъододли шахматчилар ҳам етишиб чиқдилар.

Ўзбекистон спортчилари ёзги ва қиши Олимпия, биринчи Осиё ва Бутунжоҳон ўсмиirlар ўйинларида ҳамда энг йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, биргина боксчиларимиз орасидан 1 та Олимпиада чемпиони, 3 та олимпия ўйинлари совриндори, 3та жаҳон чемпиони, 5та жаҳон чемпионати совриндори, 5 та Осиё ўйинлари ғолиби, 13 та Осиё чемпиони, 3 та жаҳон Кубоги ғолиби, 1 та «Яхши ният» ўйинлари ғолиби етишиб чиқсанни ҳам бу фикрнинг тасдигидир.(34-илова)

Ўзбекистонда халқаро спорт тадбирлари Мустақилликка қадар қарийб ўтказилмаган бўлса, сўнгги йилларда республикамиз энг йирик халқаро мусобақаларни юксак ташкилий даражада ўтказишга қодир бўлган мамлакат сифатида шуҳрат топди. Замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши диёримизда энг йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш имкониятини бермоқда. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан Тошкентда биринчи марта Марказий Осиё ўйинлари ташкил қилинib мусобақалар Халқаро Олимпия қўмитаси президенти X.A.Самаранч иштирокида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун 1994 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинастган теннис бўйича халқаро турнир 1999 ва 2000 йиллар якунларига кўра, Профессионал Теннисчилар Ассоциацияси (ATP) мақоми остида ўтказиладиган 77 та халқаро турнирлар орасида ташкилий жиҳатдан энг яхшиси деб топилди.(29)

Бундан ташқари, юртимизда ўзбек қураши бўйича биринчи Жаҳон чемпионати, бокс эркин қураш, юонон-рум қураши, шахмат, пауэрлифтинг ва самбо бўйича Осиё чемпионатлари, теннис, қураш, каратэ, эркин ва юонон-рум қураши, шахмат ва бошқа кўплаб спорт турлари бўйича анъанавий йирик халқаро турнирлар ўтказилмоқда.

### **Спорт иншоотлари**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент, Наманганд, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган қатор спорт мажмуалари курилди. Тошкент шахридаги «Юнусобод», «Жар», Миллий банк, Наманганд шахрида «Паҳлавон», Жиззах шахридаги олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуалари ва бошқалар шулар жумласидандир (35-36-илова). 2000 йилга келиб

мамлакатимизда спорт иншоотлари сони 7407 тага ёки 1992 йилдагига нисбатан 19 фоизга кўпайди. Уларни бунёд этишда, айниқса, мураккаб спорт иншоотлари—стадионлар, сузиш ҳавзалари, спорт залларига алоҳида эътибор бериляпти. 2003 йилда 1991 йилга нисбатан стадионлар сони 177 тага ёки 96 фоизга, спорт заллари 1950 тага ёки 44 фоизга, сузиш ҳавзалари 100 тага ёки 87 фоизга ошди. Бундан ташқари, футбол майдонлари сони 2114 тага ёки 37 фоизга, теннис кортлари эса, 757 тага ёки қарийб 4 баробарга кўпайди. Асосийси, янгидан барпо этилган ёки реконструкция йўли билан қайта тикланган барча спорт соғломлаштириш масканлари замонавий лойихалар, шарқона услугуб ва юкори самарадорлик асосида ташкил этилаётгани, барча спорт турлари бўйича техник малакаларни эгаллаш имконини берувчи воситалар билан жиҳозланаётгани таҳсинга лойикдир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бундай амалий ишлар яқин келажакда янада кўпроқ натижалар бериши шубҳасиз.

## **V.УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОММАВИЙ СПОРТ ҲАРАКАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА БОШҚАРУВ АСОСЛАРИ**

Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шарти бўлган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод тарбиясига, жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантириш ишларига истиқлонинг дастлабки кунлариданоқ киришилди, 1992 йил январида "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг соғлом авлодни вояга етказиш хақидаги қарашларида ҳар томонлама эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўз ҳақ-хукукларини танийдиган, факат ўз билими, кучи ва имкониятларига (ресурсларига) таянадиган, Ватан ва халқ манфаати учун бутун борлиги билан кураша оладиган инсонларни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ўрни ва ахамияти бекиёс экани ўз ифодасини топди.

Аввало, ўқувчи-ёшларда жисмоний тарбия ва спортга катта иштиёқ ва қизиқиш уйғотиб, уларни бу соҳага узлуксиз жалб қила оладиган, миллый таълим тизими доирасида ўтказиладиган, ёшларни соғломлик, комиллик ва гўзаллик ғоялари руҳида тарбияладиган оммавий спорт ҳаракатини шакллантириш зарур эди.

«Камолот» жамғармаси 1997-1999 йилларда халқ таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликлари, давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, уларнинг вилоятлардаги худудий бўлинмалари жойларда ўқувчи ёшларни волейбол, баскетбол ва бошқа спорт мусобақалари орқали спорт турларига жалб этиш ва уларни узлуксиз спорт ҳаракатидаги иштирокини таъминлаш борасида сезиларли ишларни амалга ошириди.

Президент Ислом Каримов бошчилигига ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллый дастурига мувофиқ таълим модели асосида, ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга узлуксиз жалб қиладиган, умумтаълим мактаблари, академик

лицей ва касб-хунар колледжлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" оммавий спорт мусобақаларини ўз ичига олган уч бўғинли ягона тизим ташкил қилинди (30-48) ва амалиётга жорий этилди(37- илова).

Мамлакат аҳолисининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини таъминлаш, турли ижтимоий иллатларнинг олдини олиш мақсадида уч бўғинли ягона спорт тизими негизида оммавий спорт ҳаракатининг миллий модели илмий асосда тузилди.

Оммавий спорт ҳаракати миллий модели қуидаги тамойилларга асосланди:

-аҳолининг барча қатламларини қундаклик спорт ҳаракатига жалб этиб, соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва миллат генофондини соғломлаштириш;

-мамлакат аҳолисининг ёши, ҳаётй кўникмаси, билими, ижтимоий холати, имконияти, шароити, мустақил ҳаракатланишининг инобатга олингандиги;

-модел барча бўғинлари узвий ва мантиқий боғлангандиги;

-модел ҳар бир бўғиннинг функционал мақсадларини аниқ белгилаш асосида уларнинг ўзаро ҳаракат тизимлари ишлаб чиқилгандиги;

-моделда белгиланган функционал мақсад аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини таъминлашнинг функционал мақсадига таъсир этиши ва занжирсимон циклга эгалиги;

-моделнинг функционал мақсади амалга ошиши билан ўқувчи ва талаба-ёшлилар орасидан юкори малакали, Ватанига меҳр-муҳаббати юксак, ўз мамлакати обрўси учун муносаб кураша оладиган иқтидорли спортчилар етишиб чиқиши.

Мазкур тизим 5 та бўғиндан ташкил топиб, у мактаб ёшигача бўлган болаларни, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини, ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимидағи ёшларни, олий таълимдаги талабаларни ҳамда ишлаб чиқариш соҳасидаги ва ундан ташқаридағи барча ёшдаги фуқароларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт ўйинларига жалб қилиш,

уларнинг соғломлик даражасини спорт ҳаракатлари орқали оширишга қаратилди.

**Биринчи блокнинг асосий функционал мақсади** - мактаб ёшигача бўлган болаларда бирламчи жисмоний ҳаракат кўникмасини дастлаб оила, боғча ва маҳаллада шакллантириш; болаларда ҳар куни спорт билан шуғулланиш кўникмасини хосил қилиш, бу керакли ва қизиқарли воситани турли ўйинлар орқали жорий этиш; болаларни ёшига ва хошишига мос равишда фаол ҳаракатга келтира оладиган тизимнинг илмий ва амалий асосини мамлакат миқёсида яратиш ва уни кенг жорий килишдан иборат.

Халқ таълими вазирлиги, ҳокимликлар, Болалар спортини ривожлантириш, "Соғлом авлод учун", "Махалла" жамғармалари ва бошқа ташкилотлар орқали ушбу блокнинг функционал мақсади амалга оширилади.

**Иккинчи блокнинг функционал мақсади** - олти миллиондан ортиқ умумий ўрта таълим тизими ўқувчиларининг дастлабки жисмоний ҳаракат кўникмаларини жисмоний тарбия дарсларида ва мусобақаларида мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг спортга бўлган меҳрини уйғотиш орқали жисмоний соғомлигини таъминлаш; "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари, мактаб ва мактабдан ташқари спорт тўғараклари фаолияти орқали ўқувчиларнинг спорт турларига қизиқишини кучайтириш; ўқувчиларнинг спорт турлари бўйича қобилиятларини аниқлаш, иқтидорли ёшларни болалар ва ўсмиirlар спорт мактаби, маҳсус болалар ва ўсмиirlар спорт мактаблари ва олимпия захиралари спорт коллежларига йўналтириш ҳамда босқич мусобақаларидаги иштирокини таъминлаш; жисмоний тарбия ва спортни мактаб ўқувчиларининг кундалик эҳтиёжига айлантиришдан иборатdir.

Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ҳокимликлар, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш, "Соғлом авлод учун", "Махалла" жамғармалари ва бошқа ташкилотлар орқали ушбу функционал мақсад амалга оширилади.

**Учинчи блокнинг функционал мақсади** -касб-хунар таълими тизимидағи ўқувчиларнинг жисмоний қобилиятларини намойиш этиш; жисмоний тарбия ва спорт кундалик эҳтиёжига айланган ўқувчиларнинг "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида фаол иштирокини таъминлаш; спорт билан шуғулланадиган, соғлом турмуш тарзига амал киладиган, маънавий ва жисмоний юксалишга интиладиган ёшларни тарбиялаш, улар орасидан мамлакат терма жамоаси аъзолари ва аъзоликка номзодларни етиштириш.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, хокимликлар ва Миллий Олимпия қўмитаси, "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш," "Соғлом авлод учун", "Махалла" жамғармалари ва бошқалар орқали ушбу функционал мақсад амалга оширилади.

**Тўртинчи блокнинг функционал мақсади** - олий таълим муассасалари талабаларининг умумий ўрта ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими тизимида спорт турларидан тўплаган тажриба ва маҳоратларини "Универсиада" спорт мусобақаларида янада фаоллаштириш; талабаларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасидан юқори малакали спортчиларни етиштиришдан иборат.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, хокимликлар, Миллий Олимпия қўмитаси ва бошқа ташкилотлар орқали ушбу функционал мақсадни амалга ошириш белгиланди.

**Бешинчи блокнинг функционал мақсади** - таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт харакатида тобланиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳага ўтган мутахассисларнинг спортга бўлган эҳтиёжларини соҳалар бўйича спорт мусобақалари, ойлавий ва бошқа ўйинлар орқали қондириш ва жамиятда соғлом турмуш даражасини мустаҳкамлаш; спорт-соғломлик харакатидан босқичма-босқич ўтиб, спортни кундалик эҳтиёжига айлантирган ота-оналарнинг ўз болаларини жисмоний тарбияга жалб этиб, уларда спортнинг бирламчи асосларини шакллантиришдан иборат.

Касаба уюшмалари Федерацияси ва ҳокимликлар, Маданият ва спорт ишлари вазирилиги, Болалар спортини ривожлантириш, "Соғлом авлод учун", "Махалла" жамғармалари ва бошқа ташкилотлар орқали ушбу функционал максаднинг амалга оширилиши белгиланди.

Миллий моделнинг энг асосий таркибий қисми Ўзбекистон ўқувчи-ёшларининг уч бўғинли узлуксиз спорт мусобақалари тизими бўлиб, у ўсиб келаётган ёш авлод қалбида спортга муҳаббат туйгуларини камол топтириш, уларнинг жисмоний қобилиятларини намойиш этиш, спорт билан шуғулланиш учун замонавий талаблар даражасидаги шартшароитларни яратиш орқали оммавий спортни ривожлантиришни назарда тутади.

Бу тизим ўқувчи ёшларни спортга оммавий жалб қилишда узвийлик ва доимийлик, максадлилик ва самарадорлик тамойилларига асосланиб, қуидаги натижаларга эришишни кўзда тутади:

-соғлом турмуш тамойилларини ёшларнинг қалби ва онгига сингдириш ҳамда кундаклик эҳтиёжига айлантиришга йўналтирилган тегишли тузилма ва бошқарув механизмини яратиш, улар орқали худудларда оммавий спорт ҳаракатларини шакллантириш;

-«Таълим тўғрисида»ги конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари доирасида ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спортга узлуксиз жалб қила оладиган ягона миллий модель сифатида, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими мусассасалари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган ҳавас ва интилишини, қобилиятини аниқлаш ва рўёбга чиқариш, ўзлари танцаган спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланишини таъминлаш.

Бошланғич даврда тизим таркибидаги "Умид ниҳоллари" ҳар йили, "Баркамол авлод" белашувлари тоқ йилларда ва "Универсиада" мусобақаларининг жуфт йилларда ўтказилиши максадга мувофиқ деб белгиланди. Ташкилий жиҳатдан қатор қийинчилик ва муаммоларга қарамасдан мусобақаларни

үтказиш шундай белгиланишида, асосан таълим тизимидағи ўқувчи ёшларни қисқа муддатда узлуксиз спорт ҳаракатига жалб этиш ва мазкур мусобақалар орқали жойларда оммавий спорт турларини ривожлантириш ҳамда мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари, шунингдек туман, вилоят спорт базаларини талаб даражасида ташкил этиш, жиҳозлаш ва спорт мутахассисларининг ишларини янада фаоллаштириш кўзда тутилди.

Тизим мусобақалари илк бор 1999 йилда мамлакат университетлари жамоалари ўртасида спортнинг енгил атлетика ва ўйин турлари бўйича ўтказилди. Тажриба тарзида ўтказилган бу мусобақада тизимнинг барча ташкилий ва бошқарув жиҳатлари амалда ҳар томонлама кўрилиб, унинг ишлаш механизmlари ўрганилди. Моделни мамлакат даражасида кенг жорий қилишдан олдин аввалги йилларда ўтказилган ўқувчи ва талабалар ўртасидаги барча мусобақаларнинг ташкилий ва бошқарув механизmlари ҳамда университетлараро спорт беллашувларида талабаларнинг кўрсатган натижалари таҳдил қилинib, тегишли хулосалар асосида узлуксиз таълимдаги спорт ҳаракатининг уч бўғинли спорт мусобақаларини ташкил этиш, ўтказиш ва олов ёқиши ритуалини бошқариш тартиби (38-39-илова), унинг бошқарув тизимига хос ташкилий механизм ҳамда мезонлари ишлаб чиқилиб, таклиф қилинди (40-илова).

Тизим мусобақаларининг финал босқичларига тайёргарлик кўриш, уларни жойларда хокимликлар, давлат ва жамоа ташкилотлари иштирокида ўтказиш билан боғлиқ бошқарув ва амалий масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ҳамда мувофиқлаштириш максадида республика даражасида ташкилий қўмита тузилиши белгиланди (41-илова). Бундан ташқари, ташкилий қўмитанинг спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги топширикларини таълим тизимидағи барча ўқув муассасаларида ўз вактида бажарилишини таъминлаш учун жойларда ишчи гурухларининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди (42-илова). Амалий ишларни оператив даражада ҳал қилиш мақсадида ташкилий қўмитага ҳакамлар

ҳайъатининг таркиби, белгиланган спорт турлари бўйича ва мусобақалар финал босқичларини ўтказиш тўғрисидаги жадваллар ва 1-2-босқич мусобақаларининг ҳисоботини ҳамда спорт турлари бўйича мусобақалар қоидаси, уларни ўтказиш тўғрисидаги шартларни тасдиқлаш хукуки берилди (43,44,45,46,47 - иловалар).

Мазкур тизимнинг биринчи Республика финал мусобақалари "Универсиада" ўйинларидан бошланishi хар томонлама ўрганилиб, у спортнинг етти тури бўйича ўтказилди. Мусобақаларда ўйналадиган 7 та спорт турини белгилашда миллий ва олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турларига алоҳида эътибор қилиниб, асосан ўқувчи-ёшларнинг мазкур спорт турларига бўлган қизиқишлирни ошириш ва уларни бу ўйинларга кенг жалб этишга ахамият берилди. Тизим мусобақаларининг айнан учинчи бўғиндан жорий қилинишидан мақсад, иккинчи-урта маҳсус, касб-хунар ва биринчи-умумий ўрта таълим бўтинида республика финал мусобақаларини ўтказгунга қадар ўқувчиларни босқич ўйинлари орқали оммавий спорт ҳаракатига келтириб олиш, уларнинг спорт турларига бўлган қобилияти, қўникма ҳамда маҳоратини узлуксиз беллашувлар орқали ривожлантириб олиш эди.

Таълим тизимининг барча босқичларида ўқийдиган ўқувчи ёшларни қисқа муддатда республика миқёсида узлуксиз спорт ҳаракатига жалб этиш мақсадида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини хар йили, "Баркамол авлод" ўйинларини тоқ йилларда, "Универсиада" мусобақаларини эса жуфт йилларда май ва июнь ойларида финал босқичи сифатида ўтказиш тартиби асосланиб, жорий этила бошланди. Мусобақаларни учинчи бўғиндан иккинчисига ва ундан биринчисига кетма-кетликда изчилиши мазкур моделнинг бошқарув механизmlарини амалда босқичма-босқич синовдан ўтказиш имконини берди. Чунки тизимнинг учинчи бўғини барча босқич мусобақаларида фақат 100 мингдан зиёд талаба иштирок этиши унинг миллионлаб ўқувчиларни қамраб оладиган иккинчи ва биринчи бўғинларидан кўра бошқарув ва ташкилий

механизмларини бу бўғинда амалда кўллаб кўриш ҳамда зарур ҳолларда уларга тезкорлик билан ўзгартиришлар киритиш имкониятини берди. Модельнинг иккинчи бўғини-“Баркамол авлод” спорт мусобақаларида ташкилий ва бошқарув механизмлари янада такомиллаштирилиб, миллионлаб ўқувчиларни қамраб оладиган энг асосий бўғин - “Умид ниҳоллари” ўйинлари учун мустаҳкам замин яратилди.

Тизимни жорий этишдаги бошланғич даврда “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг финал босқичини ҳар йили ўтказиш мақсадга мувофиқлиги асосланиб, ушбу тартиб белгиланди. Бундай тартиб орқали умумий ўрга таълимдаги олти миллиондан ортиқ жисмоний тарбия ва спортга қизиқиши ва кўнижаси бўлмаган ўғил-қизларни киска вақтда, спорт турларидан ўтказиладиган босқич мусобақаларига жалб этиш ҳамда узлуксиз мусобақалар, оммавий спорт билан қамраб олиш, тажриба ва маҳорати бўлганларни кейинги босқичга олиб чиқиб, беллаштириш имкони туғилди.

Шу тариқа 2000 йилда “Универсиада” ўйинлари финал босқичини ўтказиш билан боғлик барча меъёрий ҳужжатлар ва уларни амалга оширишга доир кўрсатмалар ҳамда тегишли қоидалар белгиланган тамоиллар асосида яратилди. Мусобака ўтадиган жойларда йил давомида барча ташкилий ишлар жаҳон андозалари даражасига етказилганидан кейин мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг қарори билан “Универсиада» белашувлари Наманган вилоятида ўтказилди.

Мусобақаларда мамлакатнинг 61 та олий таълим муассасаларидан факат 42 таси қатнаша олди, лекин улар ҳам белгиланган 7 та спорт турининг барчасида талабалар иштироқини таъминлай олмади. Мусобака дастурига киритилган спортнинг енгил атлетика, ўйин турлари талабалар орасида ривож топмагани сабабли 15 олий ўқув муассасаси спортнинг енгил атлетика, 30 таси волейбол, 28 таси баскетбол, 26 таси футбол, 28 таси шахмат, 27 таси стол тениси, 27 таси катта тенис, 29 таси кураш турларида қатнаша олмадилар (48-илова).

Белгиланган тартиб асосида тизимнинг иккинчи бўғини-урта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари финали 2001 йилда спортнинг 9 тури бўйича Жиззах вилоятида ўтказилди.

2000-2001 йиллар давомида тизимнинг биринчи ва асосий бўғини- "Умид ниҳоллари" мусобақалари финалига жуда катта тайёргарлик кўрилиб, 2002 йилда Фарғона вилоятида муваффақиятли ўтказилди.

Мазкур тизим мусобақалари доирасида 9672 та умумий урта таълим мактаби, 860 та академик-лицеев ва касб-хунар коллежи ҳамда олий ўқув юртларининг олти миллиондан ортиқ ўқувчи ва талаба ёшлари босқич ўйиншарида иштирок этиб, Наманган, Жиззах ва Фарғона вилоятларида ўтказилган финал мусобақаларида 6977 спортчи белгиланган спорт турлари бўйича ўзаро беллашди. Ўқувчи ва талабаларнинг финал мусобақаларида кўрсатган натижаларидан таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларига етарли даражада этибор берилмаслиги оқибатида аксарият ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмаётганликлари, жойларда эса мазкур соҳага бўлган муносабат юзакилиги намоён бўлди.

Барча бўғинларнинг финал мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри, иккинчи ва еттинчи ўринларни эгаллаган Наманган, Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Тошкент вилояти жамоаларининг спортчилари енгил атлетика, сузиш, спорт ўйинлари ва бошқа спортнинг мураккаб турлари бўйича кўрсатган натижалари кичик разрядли спортчилар нормативи талаби даражасида ёки ундан ҳам паст бўлди. Хоразм, Коракалпогистон, Навоий, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилояти жамоаларининг спортчилари енгил атлетика, сузиш, стол тениси ва бошқа спорт турларидан мусобақада иштирок эта олди ва охирги ўринлардан жой эгаллади (49-52 илова).

Тизим мусобақаларининг натижалари орқали Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри таълим, спорт муассасалари ҳамда жойлардаги жисмоний

тарбия ва спортдаги мавжуд камчиликларнинг сабаблари таҳлил қилиниб, куйидаги хулосалар олинди:

-жойларда ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш ишлари дастурий асосда эмас, балки юзаки, мавсумий тадбирлар сифатида олиб борилаётгани;

-жисмоний тарбия ва спортнинг норматив базасининг асоси бўлган "Барчиной" ва "Алпомиш" комплекс нормативи жойларда юзаки жорий қилингани;

-спортнинг факат яккакураш турларини ривожлантириш, олимпия ва миллий спорт турларига етарли аҳамият қилинмагани;

-жисмоний тарбия ва спорт дарслекларининг замон талаби даражасида яратилмагани, ўтил ва қиз болаларнинг ёшига кўра ўйин ва спорт турлари белгиланмагани;

-таълим муассасаларининг 5-9-синфларида жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиларининг етишмаслиги, бошланғич 1-4-синфларнинг устозларида жисмоний тарбиядан дарс бериш кўникмалари йўқлиги юкори синф ўқитувчиларининг профессионал даражаси талабга жавоб бермаслиги;

-мактаб ва унин ташқарисидаги спорт ва соғломлаштириш ишларининг қонақарсиз ташкил этилгани;

-таълим тизимида ёшларнинг спортга бўлган қизиқиши ва кўникмаларини шакллантириш юзасидан тегишли амалий ишлар олиб борилмаслиги;

-мактаблардаги мавжуд спорт базалари аҳволининг ёмонлиги, спорт жиҳозларининг етишмаслиги, формал равища очилган спорт шўйбаларининг самараасизлиги;

-ўқув муассасаларидаги жисмоний тарбия дарсларининг аниқ максадга қаратилмагани, босқич мусобакалари номигагина ўтказилаётгани;

-болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларининг таълим йўналишлари рационал белгиланмагани, уларда тайёрланаётган спортчилар маҳорати талаб даражасида эмаслиги;

-таълим тизимида меҳнат қилаётган жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг меҳнат самарадорлиги талаб даражасида эмаслиги;

-олимпия спорт турларини жойларда оммавий ривожлантириш орқали ёш иқтидорли спортчиларни саралаш, уларни туман, вилоят мусобакаларида маҳоратини ошириб, катта шижаот билан мамлакат шарафи учун беллаша оладиган даражада тарбиялаш ишлари яхши йўлга кўйилмагани;

-ҳакамлар малакасини спорт федерациялари билан биргаликда ошириш ташкил этилмагани, улар етарли тажрибага эга эмаслиги;

-жойларда асосий эътиборни ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни тайёрлашга эмас, балки ҳакамларнинг баҳолашдаги камчиликларидан фойдаланиб, енгил ғалабага эришишга қаратилиши кузатилди.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жойларда спортни айниқса, болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янада ривожлантириш мақсадида мамлакат раҳбарининг ташабbusи билан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Жамғарма ҳомийлик кенгашининг раиси этиб сайланди.

Жамғарманинг фаолияти жойларда болалар спортининг моддий базасини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳарларда замонавий болалар спорт мажмуаларини барпо этиш, спорт ускуналари ва анжомлари билан жихозлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишини таъминлаш учун зарур молиявий ва моддий маблангларни ташкиллаштиришга қаратилди.

Мамлакатда жорий қилинган жаҳонда ягона, уч бўғинли янги тизим жисмоний тарбия ва спортни таълим муассасаларида оммавий ривожлантириш ҳамда юқори малакали спортчиларни тайёрлашда катта бурилиш бўлди.(53-илова).

Мазкур тизим таълим муассасаларида оммавий спортни юқори поғоналарга кўтаришга туртки бўлиб:

-жойлардаги тарқоқ, ўзаро боғлиқ бўлмаган ва аниқ мақсадга қаратилмаган мусобақаларни тартибга келтирди;

-таълим тизимидағи ўқувчи ва талабаларнинг "Талаба" ва "Ёшлик" спорт жамиятларининг ташкил этилишига ҳамда жойларда йилдан-йилга мавқеи тушиб кетаётган спортнинг сузиш, енгил ва оғир атлетика каби турларини ривожлантиришга сабаб бўлди;

-бўғин босқичлари ўйинларида спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларнинг маълумотлар банки шакллантирилди, спортнинг нафис тури бадий гимнастика мусобақалар дастурига киритилди ва вилоятларда кенг ривожлантирилди;

-Наманган, Жиззах, Фарғона, Бухоро, Хоразм Андижон ва Тошкент вилоятларида ҳамда уларнинг 30 дан ортиқ туманларида марказий стадионлар, ўқувчи-талабалар ётоқхоналари ва бошқа обьектилар жаҳон андозаларига мос равишда қайтадан таъмирланди ёки қайта курилди;

-умумий ўрта, ўрта маҳус, олий ўқув юртларида волейбол, баскетбол, қўл тўпи ва бошқа спорт турларидан юқори малакали спортчилар этишиб чиқишига ва уларнинг олий лига мусобақаларида жамоа бўлиб қатнашишига ҳамда мамлакат миқёсида маҳкур спорт турларидан мусобақаларнинг қайтадан тикланишига, супер лигаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди;

-мамлакат спорт федерациялари ва олий спорт маҳорати мактабларининг мутахассисларини ўқувчи ёшларнинг спорт мусобақаларига жалб қилиниши, юртимизда бош ҳакамлар ва ҳакамлар ҳайъатларининг шаклланишига омил бўлди;

-вилоят ҳокимликлари ва тегишли таълим вазирликлари ҳамда спорт ташкилотларининг ўқувчи-ёшларни спортга кенг жалб қилиш борасидаги ҳаракатларини бирлаштириди. Жисмоний тарбия ва спортни таълим босқичларида мақсадли ривожлантириш, спортнинг моддий-техника базасини талаб даражасида қайта тиклаш, янги-янги спорт мажмуаларини куриш ва мусобақаларнинг янги давраси айланиб келгунга

қадар уларнинг узлуксиз ишлаб туриши ва янада ривожланишига асос бўлди.

Тизим мусобақаларини мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини фаоллашишига кўрсатган ижобий таъсири орқали эришилган натижалар билан биргаликда, жойларда қуий-бирламчи босқич ўйинларига ўқувчи-ёшларни оммавий равишда жалб қилишда камчилик ва нуксонлар бўлди. Айнекса, вилоят спорт ташкилотчиларининг тизим мусобақаларини асосий мақсад ва моҳиятига етмаганлиги сабабли жойларда барча ҳаракат "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг финал босқичида ўрин эгаллашга қаратилди. Масалага бундай бир томонлама ёндашув натижасида миллионлаб ўқувчи-ёшлар спорт ҳаракатига оммавий равишда жалб қилинмасдан, четда қолиб кетди.

Босқич мусобақаларидаги камчиликларнинг қуидаги сабаблари қайд этилди:

-мусобақаларда қатнашалиган ўғил-қизлар "Барчиной" ва "Алпомиш" комплекс тест меъёларини топширмаслиги, топширганлари ҳам талаабга жавоб бермаслиги;

-умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълими ва олий ўқув муассасаси даражасидаги энг асосий, синф ва гурухлараро босқич мусобақаларини ўтказиш муддатининг икки ой (сентябрь-октябрь) давомида белгиланиши;

-синфлар ва гурухлараро мусобақаларни йил давомида узлуксиз ўтказмаслик ва уларни мониторинг қилиш механизми ишлаб чиқилмагани;

-ҳар битта ўқув масканида мусобақалар низомида белгиланганд спорту турларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмагани;

-туман даражасида барча БўСМ, МБўСМ ва РОЗКлари мутахассисларидан ташкил топган ўқув муассасаларида спорт турларини ривожлантиришга қаратилган марказий спорт клуби шакллантирилмагани.

Мазкур тизим мусобақаларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003

йил 3 июнда "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги 244-сонли қарорини қабул қилди. Қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интишишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, мамлакатимизда ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий модели дастурига мувофиқ ташкил қилиш ҳамда унинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Қарорда ўқувчи ва талаба-ёшларнинг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг республика финалини ҳудудларда ўтказиш режаси белгиланди. Режага биноан, финал мусобақалари 2004 йилдан бошлаб уч йилда бир маротаба ўтказилиб, биринчи давра 2011 йилда якунланади, иккинчи давра эса 2012 йилдан бошланади ( 54-илова ).

Республика финал мусобақаларининг уч йилда бир маротаба ўтказилиши барча бўғин мусобақа босқичларининг тартибини ушбу даврга мослашни ва уларни янгидан ишлаб чиқишини талаб қилди. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари бўғини мазкур тизимнинг энг асосий босқичи бўлгани учун, дастлаб унинг харакат модели тузилмасини шакллантиришга киришилди. Уч йил давомида босқичма-босқич бўғин мусобақаларида 6,5 миллиондан ортиқ ўқувчи ёшларнинг узлуксиз иштирок этиши тартибини тузишда олдинги йилларда ўтказилган тизим мусобақаларининг хulosалари асос сифатида олинди.

Мусобақалар тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йигилишларида берган кўрсатмалари асосида шакллантирилди:

1. Мамлакат ўқувчи-ёшларининг барчасини ўқув йили давомида оммавий равишда спорт ҳаракатига келтирилиши ва мазкур ҳаракат орқали, ҳар бир босқич поғонасига мос равишда юқори маҳоратли спортчилар етишиб чиқишини таъминланиши;

2. Тизим мусобақаларининг финал ўйинларигача ўтказиладиган босқич ўйинларининг бир-бiriга мантиқий боғланган бўлиши;

3. Мусобақаларнинг биринчи босқич ўйинлари ёшларни спорт ҳаракатига келтира оладиган асос бўлиб, уларда етарлича кўнгма ва бирон-бир спорт турига қизишиш ҳосил бўлишига эришиш;

4. Ўқувчиларни оммавий ҳаракат босқичида кўрсатган қобилияти ва маҳоратига қараб иккинчи, кейинги босқичларга йўналтириш;

5. Ўқувчи-ёшларни мактаб, лицей ва коллеж, олий таълим муассасаларида ҳамда ундан ташкири ўтадиган спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб қилиниши, спорт турлари бўйича синфлароро, гурӯхлароро беллашувларни йил давомида узлуксиз ўтказилишининг меъёрий асосда таъминланиши;

6. Енгил атлетика, сузиш ва бошқа спорт турларига барча ўқувчиларни мусобақалар орқали узлуксиз жалб қилиниши, улар орасидан истеъоди болаларни саралаш ва спорт секцияларига ҳамда мактабларига жалб этилиши;

7. Ҳар бир босқич мусобақалари ўзининг Низоми асосида ўтказилиши, ўқувчиларнинг мусобақаларда кўрсатаётган натижаларини жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари томонидан мониторинг қилиниши;

8. Мусобақалар мамлакат даражасида биринчи йилдан бошлаб комплекс равишда, жойларда босқич ўйинлари финалини эса, таътилда ўтказилиши;

9. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия ва ҳаракатли спорт беллашувларида узлуксиз қатнашишини таъминлаш орқали уларда курашда ғалабага интилиш фазилатларининг шаклланиши;

10.Уч йил давомида босқич мусобақаларини ўтказиш тузилмасини белгилашда, асосан, ёшларнинг оммавий равища спорт ҳаракатига қамраб олиниши. Тузилма ичидағи ўзаро беллашувлар тартибининг комплекс мусобақалар асосида белгиланиши;

11.Босқич ўйинларида кучли ва спорт маҳорати юқори бўлган жамоаларнинг совринли поғоналарга чиқишилари ва ҳудудларнинг энг кучли жамоалари билан учрашувларини ташкил этиш. Бундай тартиб спорт беллашувларида маҳорати етарли даражада бўлмаган жамоаларнинг кучлиларга тенг бўлишга ҳаракат қилиши учун туртки бўлиши ва ҳакамларни мусобақаларни объектив равища ўтказишлари, "тасодифий" ҳолатларнинг чекланиши.

"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақаларининг босқичларини уч йил давомида белгиланган тамойиллар асосида, ташкилий ва бошқарув механизмларини жорий қилиш тартиби ва моделини шакллантиришда олдинги йилларда ўтказилган мусобақаларнинг салбий ва ижобий натижаларини хар томонлама чукур таҳлил этиб, оқилона иш тутиш муваффақиятлар омили бўлади.

### **Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг ташкилий асослари**

"Умид ниҳоллари" мусобақаларнинг ташкилий ва бошқарув механизмлари хар томонлама ўрганилиб, ушбу тарздаги мусобақалар бир неча босқичларда амалга оширилиши мақсадга мувофик булиши исботланди (36-илова).

### **Мусобақалар босқичларини биринчи йил ўтказиш тартиби**

**1. Мактаб босқичи** (синфлараро мусобақалар). Мактаб даражасидаги мусобақалар йилнинг сентябрь ойидан бошланиб, 1-4, 5-9, 10-11-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг белгиланган турлари бўйича ўтказилади. Ўқув йили давомида ўтадиган синфлараро мусобақаларнинг муддатлари ва

масъул шахслари аниқ кўрсатилиб, тасдиқланган тақвим асосида, май-июн ойигача давом этади.

Сентябрь-октябрь ойларида мактабнинг спорт турларидан яхши натижаларни кўрсатган, кўникума ва маҳорати юқори 1-4, 5-9 ва 10-11-синф ўқувчилари орасидан терма жамоалар шакллантирилади ва улар кейинги босқич-мактаблараро-худуд босқичи мусобақаларида қатнашади.

Терма жамоа мактаб спорт клуби(жамоасининг) карорига биноан тузилиши, унга кирган ҳар битта ўқувчининг спортдаги ютуқлари барчага маълум қилиниши ва спорт борасида бошқаларга ўрнак сифатида кўрсатилиши лозим.

1-4, 5-9, 10-11-синф ўқувчиларининг соғломлигини таъминлашга қаратилган мусобақалар босқичини ушбу тарзда белгиланиши тавсия этилади:

-ўқув йили давомида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг босқич ўйинларида олти миллиондан ортиқ умумий ўрта таълим тизими ўқувчиларини узлуксиз, оммавий спорт ҳаракатида ушлаб турилиши ва бу орқали уларнинг соғломлик даражасини юқори физиологик меъёрга етказилиши;

-жисмоний тарбия ва спортга оид назарий, амалий билимларни, услугуб ва кўрсатмаларни мусобақалар орқали эгалланиши, мустаҳкамланиши ва ривожлаштирилиши;

-спорт турларига катта қизиқиши бўлган ёшлар орасидан жамоатчи инструктор ва ҳакамларнинг етиштириб чиқарилиши;

-ёшларда спорт турларига бўлган қизиқишлиарнинг ошиши, мусобақаларга оммавий равишда жалб қилиниб, рақобат асосида улар орасидан иқтидорли спортчиларни селекция(танлаб олиниши) қилиниши;

-жойларда спорт тўгаракларининг очилишига ва ёшларнинг спортга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши;

-спорт секциялари ишининг фаоллаштирилиши, қизиқарли ва болалар саломатлигига фойдали бўлиши;

-мактаб ваундан ташқари спорт иншоотларини талаб даражасига келтириш, янгиларини куриш ва уларни спорт анжомлари ва жиҳозлар билан таъминланиши.

**2.Худуд босқичи** (худуд ичидаги мактаблараро мусобақалар). Ноябрь-декабрь ойларида мактабларнинг 1-4, 5-9 ва 10-11 - синф ўқувчиларидан ташкил топган мактаб терма жамоалари ўртасида ўтказилади.

Худуд босқичини амалга ошириш куйидагича белгиланди:

-мактаб босқичи даражасида болалар спортиниң ҳақиқий ҳолатининг таҳлили ва унинг асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши;

-мактаб, мактабдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт турлари бўйича мусобақаларнинг, биринчи-мактаб босқичини узлуксиз равишда ўтказилишини, сараланиб чиқкан ёшлар ҳаракати ва маҳорати бўйича мазкур мактаб даражасида амалга оширилаётган ишларнинг йўлга кўйилиши;

-спорт секцияларидаги спорт турлари, ўқувчиларнинг кундалик оммавий мусобақаларда тўплаган тажриба ва маҳоратларининг кўрилиши;

-мактаб раҳбарияти, жисмоний тарбия ўқитувчиларига, спорт секцияларининг ҳақиқий фаолиятига, меҳнат қилаётган мутахассисларга баҳо бериш мумкинлиги;

-худуд даражасида энг кучли мактаб жамоасини, маҳоратли ва истиқболли ёш спортчиларнинг аниқланиши ва худуд терма жамоалари тузилишида инобатга олиниши.

Ноябрь ойида (кузги таътилда) мактабларнинг 1-4-синф терма жамоалари учун худуд финал ўйинлари ўтказилади.

Мазкур мусобақаларда худудлар ғолиблари аниқланади ва шу билан 1-4-синф мактаб терма жамоаларининг финал ўйинлари якунланади. Уларнинг натижаларига биноан ғолиблар диплом ва соғалар билан тақдирланади.

1-4-синф ўқувчиларининг мусобақалар босқичи ушбу тарзда белгиланишида куйидагилар инобатга олинади:

- бошлангич синф ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спортга бўлган кўнікма ва спорт турларининг фақат илк асосини билишлари ва жисмоний ҳаракатга ўйин тарзи орқали бирламчи қизиқишиларининг шаклланиши;

- мусобақаларда жамоа бўлиб қатнашиб, бир мақсад сари бирлашиш тажрибасининг йўқлиги;

- мураббий кадрлар ва спорт йўриқчилари билан таъминланмагани;
- маҳорат даражаси етишмагани, бошқа ҳудудларга бориб мусобақалашиш салоҳияти тўлиқ шаклланмагани;
- беллашувларнинг оммавий тарзда туман даражасига олиб чиқилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги, ташкилий жиҳатдан ҳамда иқтисодий томондан самарасизлиги.

**3. Туман босқичи.** Январь ойида (қишик таътилда) мактабларнинг 5-9- синф ўқувчиларидан ташкил топган ҳудуд терма жамоалари ўртасида туман финал беллашувлари ўтказилади. Ҳудудлараро мусобақалар босқичида туманда жойлашган болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларининг спортчилари қатнашади. Мусобақалар якунига асосан туман чемпиони аникланади, ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади. Ушбу босқичда мактаблар 5-9-синф ўқувчиларининг ҳудуд терма жамоалари ўртасидаги финал ўйинлари якунланади.

5-9-синф ўқувчиларининг мусобақалар босқичини ушбу тарзда ўтказилишини белгичашда:

-худудларда жойлашган Болалар ва ўсмиirlар спорт мактабларида спорт турлари билан шуғулланаётган ёшларни мусобақаларда кўрсатаётган натижалари асосида у ерда олиб борилаётган ўқув ва амалий машғулотларни сифати ҳамда спорт базасининг ҳақиқий аҳволи кўрилиши;

-жамоалар сафида қатнашаётган ўқувчиларни спорт мусобақаларида эришган натижалари асосида жойларда ушбу ёшлар билан шуғулланаётган жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт мураббийларининг билими ва ишга муносабати аникланиши;

-мактаб мактабдан ташқари жойларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга мосланган спорт базасига баҳо берилиши;

-жисмоний тарбия ва спортга бўлган ёндашувни илмий ва амалий ёки мақсадсизлигининг кўрилиши;

-худуд босқичи даражасида болалар спортининг ҳақиқий ахволи ва ҳолати асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши;

-туман даражасида энг кучли ҳудуд жамоаси, маҳоратли ва истиқболли ёш спортчилар аниқланиши ва туман терма жамоаларига номзод сифатида белгиланиши назарда тутилади.

Туман босқичи ўйинларида 8-9-синф ўқувчилари орасидан юқори натижа кўрсата олганлар, 10-11-синф ўқувчилар терма жамоалари таркибида ҳудудлараро мусобақаларда қатнашиш хукуқига эга бўладилар.

Январ-март ойларида 8-11-синф ўқувчилари ҳамда махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спортчиларидан ташкил топган ҳудуд терма жамоалари ўртасида беллашувлар ўтказилади. Мусобақалар якунинг асосан туман чемпиони аниқланади, ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

**4. Вилоят босқичи.** Март ойида (баҳорги таътилда) 8-11-синф ўқувчилари, болалар ва ўсмирлар спорт, махсус спорт мактабларининг спортчиларидан ташкил топган туман терма жамоалари ўртасида вилоят финал мусобақалари ўтказилади.

8-11-синф ўқувчиларининг вилоят даражасидаги мусобақалар босқичини белгилашда қўйидагилар ҳисобга олинди:

-туманларда фаолият кўрсатадиган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг фаолияти самарадролиги аниқланиши;

-туман даражасида болалар спортининг ҳақиқий ахволи ва ҳолатининг кўрилиши, унга асосан тегишли хулосалар қилиниши ва замалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши;

-вилоят даражасидаги мусобақалар орқали энг кучли туман жамоасининг аниқланиши ва беллашувларда кучли, маҳоратли ҳамда истиқболли ёш спортчиларнинг сараланиши;

-вилоят терма жамоасининг шакллантирилиши.

Мазкур босқичдаги мусобақалар вилоят ва туман марказлари ҳамда туман таълим муассасаларининг талабга жавоб берадиган спорт базаларида ўтказилади.

**5. Мамлакат босқичи.** Апрель-май ойларида 8-11-синф ўқувчилари хамда вилоят болалар-ўсмирлар ва маҳсус спорт мактаблари спортчиларидан тузилган вилоят терма жамоалари ўртасида финал мусобақалари ўтказилади.

Мамлакат даражасидаги финал мусобақалари тартибини ишлаб чиқиша ушбу тамойилларга асосланиши мақсадга мувофиқ деб хисобланди:

-мусобақаларнинг комплекс равища ўтказилиши;

-мусобақаларни "Худуд ва гурух мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш" Низомига биноан ташкил қилиниши;

-биринчи ва иккинчи йилларда ўтказиладиган республика финал босқичи мусобақалари жамоаларининг маҳоратини ошишига туртки бўлиши ва уларнинг ҳақиқий техника даражасини аниқлашга қаратилиши;

-битирув имтиҳонларига таъсир киласлиги;

-республика финали мусобақаларининг ғолибларига олий ўкув муассасаларига имтиёзли кириш ҳуқуқини фақат учинчи йилда берилиши;

-юкори маҳоратли ёш спортчиларнинг республика финалига чиқиши ва беллашувлар натижасида кашф этилган нуфузли спортчиларнинг мамлакат терма жамоаларига номзод ва аъзо сифатида қабул қилиниши;

-спорт жамоаларини комплекс мусобақа ўтадиган жойларга бориб келишида масофани ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг белгиланиши ва бу орқали сарф харажатларнинг тежалиши.

### **"Умид ниҳоллари" мусобақалари финал босқичини биринчи йил ўтказиш тартиби**

"Умид ниҳоллари" мусобақалари финал босқичи Низом асосида, комплекс равища тўртда ҳудудда ўтказилади. Ҳудудлар вилоят жамоаларининг маҳорат ва имконият даражаси асосида белгиланади.

1. Биринчи ҳудуд-Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари.
2. Иккинчи ҳудуд-Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари.
3. Учинчи ҳудуд-Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари.
4. Тўртинчи ҳудуд -Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари.

Ҳудуд таркибидаги тўртта вилоятларда мусобақалар ўтказилади ва уларнинг натижаларига асосан қатнашувчиларнинг эгаллаган ўрни белгиланади. Голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

### **"Умид ниҳоллари" мусобақалари финал босқичларини иккинчи йил ўтказиш тартиби**

Иккинчи йилда бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг босқичлари биринчи йилда ўтказилган мактаб, ҳудуд, туман ва вилоят босқичларининг тартиби асосида амалга оширилади.

Факат иккинчи йилда мамлакат даражасидаги финал мусобақаларни ўтказиш тартиби биринчи йилдаги тартибдан фарқ қиласи. Биринчи йилда мамлакат финал мусобақалари 4 ҳудудда ўтказилган булса, иккинчи йилда эса ушбу мусобақалар 2 гурухда апрель-май ойларида ўтказилади.

Биринчи йилдаги ҳудуд мусобақаларида 1- ва 2-ўринни эгаллаган вилоят жамоалари биринчи гурух даврасида, 3-4 ўринни эгаллаган вилоят жамоалари эса иккинчи гурухда ўзаро беллашадилар.

Гурух таркибида ўтказилган мусобақаларнинг натижаларига асосан ҳар битта вилоят жамоасининг эгаллаган ўрни белгиланади. Голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

Биринчи гурухда мутлақ голиб бўлган жамоа, учинчи йилда Республика финал босқичида иккита жамоа бўлиб қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

## **"Умид ниҳоллари" мусобақа босқичларини учинчи йил ўтказиш тартиби**

Учинчи йилда бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг босқичлари иккинчи йилда ўтказилган мактаб, худуд, туман ва вилоят босқичлари тартиби асосида амалга оширилади.

Учинчи йилда мамлакат даражасидаги мусобақалар финали бир гурухда Вазирлар Махкамасининг "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратишидан узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида" ги қарори билан тасдиқланган режада белгиланган вилоятда апрель-май ойларида ўтказилади.

1, 2, 3-ўринни эгаллаган вилоят терма жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси ва Республика Ташкилий қўмитасининг дипломлари билан тақдирланади. Шахсий ва жамоа мусобақаларида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаганлар олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланади.

### **"Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг ташкилий асослари**

"Баркамол авлод" мусобақалари тартибини белгилашда куйидагилар инобатга олинди:

-ўқувчи-ёшларниң мактаб ва спорт мактабларида тўпланган жисмоний тарбия ва спортга оид билим ҳамда тажрибаларини академик лицей ва касб-хунар колледжларида ривожлантириши;

-мусобақалар босқичини мантиқий давомийлиги, оммавийликдан спорт маҳоратига чиқилишининг таъминланиши;

-ўқувчиларнинг кундалик жисмоний ҳаракати, давомийлигининг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турларидан ўтказиладиган ўйинларнинг узлуксизлиги орқали таъминланиши;

-спорт турлари бўйича қоидаларнинг янада ўзлаштирилиши хисобига, ўқувчиларнинг беллашувлардаги техника қобилиятлари даражасининг ошиши;

-ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган чанқоқлиги ва талабчанликларининг ортиши хисобига жисмоний тарбия ўқитувчи ва мураббийларининг ўз малака ҳамда педагогик маҳоратини мунтазам ошириб туришларига туртки бўлиши;

-спорт турларидан малакали спортчилар ва ҳакамларнинг етишиб чиқиши;

-юкори маҳоратли спортчиларнинг мамлакат терма жамоаси сафига кириши;

-ёшларда кундалик спорт харакатига бўлган эҳтиёжлар тўлиқ шаклланиши ва дарс оралитида, ундан кейинги вактдаги мусобақалар орқали юкори соғломлик даражасига етишлари;

-қизлар спорт харакатининг фаоллашиши.

### **"Баркамол авлод" спорт мусобақалари босқичларининг биринчи йил ўтказиш тартиби**

"Баркамол авлод" мусобақаларининг босқичлари белгиланган тамойиллар асосида, ташкилий ва бошқарув механизмларини жорий қилиш тартиби ҳар томонлама ўрганилиб, қуидаги тарзда ўтказилиши таклиф қилинди (56-илова):

**1. Академик лицей ва қасб-хунар колледж босқичи**(гурух ва курслараро мусобақалар). Ўқув юрти даражасидаги мусобақалар йилнинг сентябрь ойидан гурӯҳ ва курслар ўртасида спортнинг белгиланган турлари бўйича ўтказилади. Мазкур мусобақалар тақвим асосида май-июнь ойигача давом этади.

Сентябрь-январь ойларида ўқув муассасаларининг терма жамоалари тузилади ва улар кейинги туман босқичи мусобақаларида қатнашади.

Янги узлуксиз таълим тизимиға тўла ўтилиб, 10-11 синфлар тугатилгунига қадар, академик лицей ва касб-хунар коллежи босқичидан туман босқичига тўғридан-тўғри чиқилади, янги таълим тизими тўлиқ жорий қилингандан кейин худудий босқич мусобақалари жорий қилинади ва мазкур босқичдан туман даражасига чиқилади.

**2. Туман босқичи.** Январь-февраль ойларида академик лицей ва касб-хунар коллежлари терма жамоалари ўртасида туман финал беллашувлари ўтказилиб, туман ғолиби аниқланади.

**3. Вилоят босқичи.** Февраль-март ойларида туман академик лицей ва касб-хунар коллежи спортчиларидан ташкил топган терма жамоалари ўртасида вилоят финал мусобақалари ўтказилади.

Ушбу босқичдаги мусобақалар вилоят ва туман марказлари ҳамда ўқув юрти спорт базаларида ўтказилиб вилоят ғолиблари аниқланади.

**4. Мамлакат босқичи.** Апрель-май ойларида вилоят Олимпия захиралари спорт коллежи ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежи спортчиларидан тузилган вилоят терма жамоалари ўртасида финал мусобақалари ўтказилади.

"Баркамол авлод" мусобақалари финал босқичи комплекс равишда тўртта худудда ўтказилади

1. Биринчи худуд - Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари.

2. Иккинчи худуд - Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари.

3. Учинчи худуд - Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари.

4. Тўргинчи худуд - Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари.

Худуд таркибидаги тўртта вилоядда мусобақалар ўтказилади ва уларнинг натижаларига асосан қатнашувчиларнинг эгаллаган ўрни белгиланади. Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

Гурух таркибидаги вилоятларда спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади ва уларнинг натижаларига асосан вилоятларнинг эгаллаган ўрни белгиланади. Голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

### **"Баркамол авлод" спорт мусобақалари босқичларини иккинчи йил ўтказиш тартиби.**

Иккинчи йилда бўлиб ўтадиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг босқичлари биринчи йилда ўтказилган академик лицей ва касб-хунар коллежи, туман, вилоят босқичларининг тартиби асосида амалга оширилади.

Иккинчи йилда мамлакат дараҷасидаги финал мусобақаларни ўтказиш тартиби биринчи йилдаги тартибдан фарқ қилиб, иккинчи йилда мусобақалар 2-гуруҳда апрель-май ойларида ўтказилади.

Биринчи йилдаги худуд мусобақаларида 1-2-ўринни эгаллаган вилоят жамоалари биринчи гурух даврасида, 3-4-ўринни эгаллаган вилоят жамоалари эса иккинчи гуруҳда ўзаро беллашадилар.

Гурух таркибида ўтказилган мусобақалар натижаларига асосан ҳар битта вилоят жамоасининг эгаллаган ўрни белгиланади. Голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

Биринчи гуруҳда мутлақ ғолиб бўлган жамоа, учинчи йилда республика финал босқичида иккита жамоа бўлиб қатнашиш ҳукуқига эга бўлади.

### **"Баркамол авлод" мусобақалари босқичларини учинчи йил ўтказиш тартиби**

Учинчи йилда бўлиб ўтадиган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг босқичлари иккинчи йилда ўтказилган академик лицей ва касб-хунар коллежи, туман ва вилоят босқичлари тартиби асосида амалга оширилади.

Учинчи йилда мамлакат дараҷасидаги мусобақалар финали бир гуруҳда Вазирлар Махкамасининг "Ўқувчи ва

талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш түгрисида" ги қарори билан тасдиқланган режада белгиланган вилоятда апрель-май ойларида ўтказилади.

1-2-3-ўринни эгаллаган вилоят терма жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси ва Республика Ташкилий қўмитасининг дипломлари билан тақдирланади. Шахсий ва жамоа мусобақаларида 1-2- ва 3-ўринларни эгаллаганлар олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланади.

### **"Универсиада" спорт мусобақаларининг ташкилий асослари.**

"Универсиада" мусобақаларининг босқичлари белгиланган тамойиллар асосида, унинг ташкилий ва бошқарув механизмларини жорий қилиш тартиби ҳар томонлама ўрганилиб, қўидаги тарзда ўтказилиши таклиф қилинди( 57-илова):

«Универсиада» спорт мусобақалари тартибини белгилашда қўидагилар инобатга олинди:

-академик лицей, касб-хунар коллежи ва спорт мактабларида тўплланган спортга оид билим ҳамда тажрибани олийгоҳларда рўёбга чиқарилиши;

-талабаларнинг кундалик жисмоний ҳаракати узлуксизлигининг "Универсиада" спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган спорт турларидан ўтказиладиган ўйинлар орқали таъминланиши;

-мусобақалар босқичларини мантиқий давомийлилиги, кундалик спорт ҳаракатини оммавийлигининг таъминланиши билан олий спорт маҳоратининг намоён этилиши;

-спорт турлари бўйича қоидаларнинг янада ўзлаштирилиши ҳисобига талабаларда биринчи босқич беллашувларида юқори техник маҳоратининг ривожланиши;

-талабаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган чанқоқлиги ва талабчанликлари ошиши ҳисобига жисмоний

тарбия ўқитувчи ва мураббийларини ўз малака ҳамда педагогик маҳоратини замон талабига етказишларига туртки бўлиши;

-спорт турларидан малакали спортчилар ва ҳакамларнинг етишиб чиқиши;

-ёшларда кундалик спорт харакатига бўлган эҳтиёжларнинг тўлиқ шаклланиши, дарс ва дарслан кейинги вактдаги мусобақалар орқали юқори соғломлик даражасига етишлари;

-спорт турларига бўлган қизиқишнинг фаоллашиши;

-қизларни спорт харакатида фаол ҳолатга келиши;

-юқори маҳоратли спортчиларнинг мамлакат терма жамоаси сафига кириши;

-ёшларда спорт билан шуғулланиш кундалик эҳтиёжга айланиши ва ҳар жиҳатдан соғломлик даражасига етишлари.

### **"Универсиада" спорт мусобақалари босқичларининг биринчи йил ўтказиш тартиби**

**1. Олий таълим муассасаси босқичи** (гурух, курс ва факультетлараро мусобақалар). Ўкув юрти даражасидаги мусобақалар йилнинг сентябрь ойидан бошлаб гурух, курс ва факультетлар ўртасида спортнинг белгиланган турлари бўйича ўтказилади. Мазкур гурух, курс ва факультетлараро мусобақалар хар бирининг муддати, маъсуллари аниқ кўрсатилиб, тасдиқланган тақвим асосида май ойигача давом этади. Голиблар диплом ва совгалар билан тақдирланади.

Сентябрь-гурух, октябрь-курс, ноябрь- факультет ва декабрь ойларида олий таълим муассасасининг терма жамоаси шакллантирилади.

**2. Вилоят босқичи.** "Талаба" спорт жамияти бошчилигига олий таълим муассасаларининг терма жамоалари январь-март ойларида "Мусобақалар дастурида" белгиланган спорт турлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар даражасидаги мусобақаларда ўзаро беллашадилар. Голиблар диплом ва совгалар билан тақдирланади.

Мусобақалар якунига биноан, спорт турларидан тузилган вилоят терма жамоалари мамлакат даражасидаги биринчилик мусобақаларида иштирок этиш хуқуқига эга бўладилар.

Вилоят босқичидаги мусобақалар вилоят ва туман марказлари хамда ўкув юрти спорт базаларида ўтказилади

**3. Мамлакат босқичи.** Вилоят терма жамоалари ўртасида мамлакат даражасида биринчилик ўтказилади (бираичи ва иккинчи лига).

"Талаба" спорт жамияти вилоятларда спорт турларидан ўтказиладиган биринчилик мусобақаларини Давлат спорт кўмитаси билан келишган ҳолда бошқаради. Биринчилик натижаларига асосан вилоятларнинг спорт турларидан эгаллаган ўрни белгиланади. Голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

### **"Универсиада" мусобақалар босқичларини иккинчи йил ўтказиш тартиби**

Иккинчи йилда бўлиб ўтадиган "Универсиада" мусобақаларининг босқичлари биринчи йилда ўтказилган тартиб асосида амалга оширилади.

Вилоят босқичидаги мусобақалар вилоят ва туман марказлари хамда ўкув юрти спорт базаларида ўтказилади.

**Мамлакат босқичи.** Ҳудуднинг олий ўкув муассасалари спортчиларидан тузилган спорт турлари бўйича вилоят терма жамоалари ўртасида мамлакат даражасида биринчиликлар ўтказилади.

"Талаба" спорт жамияти вилоятларда спорт турларидан ўтказиладиган чемпионат мусобақаларини Давлат спорт кўмитаси билан келишган ҳолда бошқаради. Биринчилик натижаларига асосан вилоятларнинг спорт турларидан эгаллаган ўрни белгиланади. Голиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади.

## **"Универсиада" мусобақалар босқичларини учинчи йил ўтказиш тартиби**

Учинчи йилда бўлиб ўтадиган "Универсиада" мусобақаларининг босқичлари иккинчи йилда ўтказилган тартиби асосида амалга оширилади.

Учинчи йилда мамлакат даражасидаги мусобақалар финали Вазирлар Махкамасининг "Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги карори билан тасдиқланган режада белгиланган вилоятда, апрель-май ойларида ўтказилади.

Тошкент шаҳрида олий таълим муасссаларининг катта микдори жойлашгани ҳисобига пойттахт жамоаси финал мусобақаларида иккита терма жамоа бўлиб иштирок этади.

1, 2, 3-ўринни эгаллаган вилоят терма жамоалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг совфаси ва Республика Ташкилий қўмитасининг дипломлари билан тақдирланади. Шахсий ва жамоа мусобақаларида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаганлар олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирланади.

Узлуксиз спорт мусобақалари тизими жорий этилган давр мобайнида қўйдаги натижаларга еришилди:

1. Республика "Умид ниҳоллари", "Барқамол авлод" ва "Универсиада" финал мусобақаларининг ҳар бирини уч йилда бир маротаба ўтказиш тартиби белгиланиб, 6,5 миллиондан ортиқ ўқувчи ва талабаларнинг асосий қисмини уч йил давомида узлуксиз равища ҳаракатлантириш модели тузилди.

2. Барча турдаги таълим муассасаси даражасидаги синфлар ва гурӯҳлараро, факультетлараро беллашувларни йил давомида узлуксиз ўтказиш ҳисобига ўқувчи ёшларнинг оммавий равища ҳаракатланиш тартиби белгиланди.

3. Мамлакатиздаги барча турдаги ўқув муассасида ўтадиган босқич мусобақалари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг ҳаракат фаолиятини, мусобақалар босқичлари оралиғидаги ўзгаришларни мониторинг қилиш механизми ишлаб чиқилди.

4. Синфлар ва гурухлараро, мактаблараро, лицей ва коллежлараро, олий таълим муассасалариаро, гурухлараро ва туманлараро босқич ўйинларини тасдиқланган тартиб асосида ўтказилиши белгиланди.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ҳаётга жорий қилинган мазкур тизим ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини шакллантиришда бекиёс аҳамият касб этади. Бу тизим мусобақаларида иштирок этган ўкувчи ва талабалар нафақат жисмоний, балки маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ҳам камол топади. Бир сўз билан айтганда, ушбу ягона тизим мамлакатимизда янги баркамол авлодни тарбиялаш ва унинг шухратини оширишда катта роль ўйначи шубҳасиз.

www.uzdut.uz

## **VI.ОММАВИЙ СПОРТ ҲАРАКАТИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишини илмий асосда таъминлаш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Айниқса, бу борада мазкур йўналишга оид фанларни ривожлантириш, спорт ва жисмоний тарбия тадбирларини илмий асосда ташкил этиш, илмий инфраструктурани ривожлантириш ҳамда мазкур жараёнларда илм-фан ютуклари ва спорт соҳасидаги илғор жаҳон тажрибасига таяниш муҳим ахамият касб этди.

Ўтган давр ичида оммавий спорт ҳаракатини самарали ривожлантириш юзасидан мамлакатимиз илм-фани олдига бир қатор вазифалар қўйилиб, уларнинг ижобий ҳал этилишига эришилди. Бундай вазифалар қаторига мазкур масаланинг ҳуқуқий, иқтисодий, педагогик, тиббий-биологик, ижтимоий-фалсафий, ёш авлодни жисмоний барқамол қилиб вояга етказиш ҳамда ушбу жараёнларнинг ташкилдий жиҳатларини таъминлаш каби муаммолар мажмуаси киради.

Лекин, таҳлилларнинг кўрсатишича, эртанги кун талаблари асосида жисмоний тарбия ва спорт фанини самарали ташкил этиш ва бошқариш, уни устувор тарзда ривожлантириш каби масалаларни ишлаб чиқиши талаб этилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, илмий тадқиқотларни қуйидаги мезонлар асосида амалга ошириш фаолиятимиз самарадорлигини таъминлайди:

- тадқиқотларнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги;
- бошқарув ва тадбирларни режалаштириш жараёнларининг натижавийлиги.

Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт фанини ривожлантириш юзасидан қатор тадбирларни, жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-давлат грантлари, шартнома ва хорижий грантлар асосида бажарилаётган илмий лойиҳалар тажрибасини умумлаштирган ҳолда, фундаментал, давлат илмий-техника ва

бошқа дастурларни белгилаш;

-жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш устуворликлариiga жавоб берувчи мақсадли мавзуларни шакллантириш ҳамда тарқоқ-майда мавзуликка барҳам бериш;

-илмий лойиҳаларни шакллантиришда “войиҳавий ёндашув”нинг устуворлигини таъминлаш;

-олий таълим муассасалари ва манбаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда бажариладиган фанлараро ва тармоқлараро лойиҳаларни шакллантиришда илмий-ташкилий тайёргарлик ишларини тизимли йўлга кўйиш;

-илмий дастурларнинг сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида лойиҳага жалб этилган ва этиладиган ижро чиларнинг таркибини таңқидий баҳолаш;

-инновация лойиҳаларини шакллантириш жараёнини “фундаментал изланишлар-амалий таъкидотлар-инновация ишлари дастурлари” узвий боғлиқлиги тамоилии асосида ташкил этиш;

-грант лойиҳаларининг ўз вактида, сифатли бажарилишини таъминлашда мониторинг ва илмий жамоатчилик мухокамаси институтларидан самарали фойдаланишни кенг йўлга кўйиш (илмий семинар, илмий кенгаш ва бошқалар);

-оммавий ва профессионал спорт самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган давлат талаблари, намунали андозалар ҳамда турли йўналишларга оид мезон ва механизмларни ишлаб чиқиш;

-жисмоний тарбия ва спорт ўқув машғулотлари сифати, аҳолининг жисмоний ва спорт-техникавий тайёргарлиги мониторингининг унификациялашган тизимини ишлаб чиқиш.

Жисмоний тарбия ва спорт фанининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ:

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасини бозор муносабатлари шароитида самарали ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

-жамиятнинг ижтимоий буюртмаси ва шахснинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари, мезонлари, саралаш механизмларини асослаш;

-бой маданий миллий меросимиз, умуминсоний қадриятлар ва мавжуд илфор тажрибалар асосида ўсиб келаётган авлодни тарбиялашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

-тариҳий-маданий, спорт ва жисмоний тарбия анъаналари, этнопсихология, ҳалқ педагогикаси воситалари ҳамда жаҳон илфор тажрибаларидан унумли фойдаланиши асослаш.

Юқорида кўрсатиб ўтилганларни амалга оширишда қуидаги воситалардан самарали фойдаланиш кўзда тутилади:

-лойиҳанинг бажарилиши жараёниларига мос равиша унинг илмий семинарлардаги муҳокамасини уюштириш;

-мониторинг комиссияларининг фаоллиги ва хуносаларининг объективлигини таъминдаш юзасидан тегишли илмий-ташкилий тадбирларни амалга ошириш.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур йўналишдаги олий спорт фаолият самарадорлиги оширишда “Спорт ютуқларини ривожлантириш илмий маркази”нинг ташкил этилганлиги катта аҳамият касб этади (муаллифнинг таклифи асосида мазкур марказ 2003 йилда ташкил этилди).

“Спорт ютуқларини ривожлантириш илмий Маркази”нинг мақсади олий спорт ютуқларини ривожлантириш ва жисмоний тарбияни тақомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг устуворликларини ишлаб чиқиш, фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг дастурларини асослаш ҳамда илмий изланишларни амалга оширишдан иборатdir.

Марказининг асосий вазифалари сифатида қуидагилар белгиланди:

-терма жамоаларни тайёрлашнинг методологик ва умумуслубий масалаларини асослаш;

-оммавий спорт ва соғломлаштирувчи жисмоний тарбия юзасидан илмий тавсия ва таклифларни ишлаб чиқиш;

-спорт маркетинги ва менежменти юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш;

-юқори малакали спортчиларда антидопинг назоратини

ташкил этиш ва амалга ошириш;

-жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўқув-тренинг, маслаҳат-ёрдам ва ахборот хизматини амалга ошириш;

-соҳа бўйича ишлаб чиқилган янги технология ва услубларни илмий экспертизадан ўтказиш ва амалиётда қўллаш учун хулоса бериш.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ислоҳотлар талабларидан келиб чиқсан холда, ушбу марказнинг илмий-ташкилий фаолиятини янада такомиллаштиришнинг объектив зарурияти мавжуд бўлиб, мазкур жараёнларда тадқиқотларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишда фанлараро тадқиқотларга устуворлик бериш, танловларнинг мақсадли-натижавийлиги ва ошкоралигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбуда қўйидаги йўналишларга устуворлик бериш назарда тутилади:

-жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ва маънавий-маърифий тараққиёти ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашда жисмоний тарбия ва спортнинг белгиловчи омилларини аниқлаш;

-устувор даражадаги спорт турларини самарали ривожлантиришга йўналтирган педагогик технологиялар, био-табиий шароитлар ва спорт-ташкилий тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

-спорт соҳасидаги жаҳон тенденцияларининг чуқур таҳлили асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантириш юзасидан стратегик хулоса ва таклифлар асослаш.

Жисмоний тарбия ва спорт фанини самарали ташкил этишини мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга мос равиша Давлат грантлари асосидаги илмий лойҳалар танловларида қатнашиш учун қўйидаги “сифатли тайёргарлик” механизми асосида йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир:

-Илмий марказ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва изланишлар олиб бораётган бошқа муассасалар,

соҳа устуворликларидан келиб чиқсан ҳолда долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган мақсадли илмий лойихаларни асосий истеъмолчи мухокамасига тавсия этади (Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Спорт турлари бўйича федерациялар ва бошқалар);

-истеъмолчи ёки истеъмолчилар томонидан лойихалар мухокамаси амалга оширилиб, мақсадга мувоғик лойихалар тақдим этилиши тавсия қилинади;

-танловга лойихалар бўйича ҳисоботлар ва илмий натижалар бирламчи ҳолатда истеъмолчи ёки истеъмолчилар томонидан баҳоланиб, илмий натижаларниң амалиётда қўлланиши юзасидан кафолат мажбурияти олинади;

-тавсия этилмаган лойиха ҳам грантга истеъмолчининг фикри илова этилган ҳолда тақдим этилади.

Илмий тадқиқотларнинг сифатли ва жаҳон талаблари даражасида бажарилиши ҳамда халқаро илмий-техникавий ҳамкорликнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида, жумладан, қуидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувоғик:

-барча илмий йўналишлар бўйича халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, ҳорижий грантларни бажариш ва халқаро илмий лойихаларда қатнашишни таъминлашга йўналтирилган тадбирларни тизимли амалга ошириш;

-мухим илмий йуналиш ва салоҳиятли базага эга кафедра, бўлим ва лабораториялар негизида нуфузли халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликдаги тузилмаларни ташкил этиш;

-режа асосида, доимий равишда ҳорижий олим ва мутахассисларнинг ихтисослаштирилган маъруза ҳамда тренингларини ташкил этиш;

-ҳорижий илмий марказларда бўлиб қайтган, халқаро илмий-амалий анжуманларда, шартнома ва грант асосида халқаро илмий лойихаларда қатнашган ходимларнинг илмий мухокамасини ташкил этишни йўлга қўйиш;

-ҳорижий грантларни жалб этиш юзасидан амалий фаолиятни янада кучайтириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг илмий асосларини кучайтиришда “Спорт ютуқларини ривожлантириш Республика илмий маркази”, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва бошқа тузилмаларнинг фаоллигини ошириш, кадрлар салоҳиятини мустахкамлаш бўйича:

-жисмоний тарбия ва спорт ўқув адабиётларини яратиш юзасидан манфаатдор муассасалар ва вазирликлар билан 5 йилга мўлжалланган ҳамкорлик шартномаларини имзолаш;

-таълим муассасалари ва кенг истеъмолчига мўлжалланган жисмоний тарбия юзасидан мультимедиа, илмий оммабоп электрон китоб ва альбомлар яратишни кенг йўлга қўйиш. Спорт турлари бўйича маҳсус тренинг электрон адабиётларни тайёрлаш;

-илмий-тадқиқот жараёнларида магистрантлардан самарали фойдаланиш ва улар асосида кадрлар резервини шакллантириш ишларини тегиши самарали йўлга қўйиш;

-илм-фанинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб бораётган иқтидорли ёш илмий ходимлар малакасини ошириш хамда уларнинг жаҳоннинг нуфузли илмий марказларида иш олиб боришларига йўналтирилган чоратадбирларни “Истеъдод” жамғармаси билан биргаликда ишлаб чиқиб, мазкур амалиётни мунтазам давом эттириб боришни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги илмий ахборотга бўлган эҳтиёжни кондириш, илмий ва таълим муассасаларининг ахборот тизимидаи самарали фаолиятини таъминлаш юзасидан:

-соҳада тадқиқотлар олиб бораётган илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг сайтларини замон талаблари асосида қайта шакллантириш, уларни муттасил бойитиб ва такомиллаштириб бориш;

-илмий ахборотлар корпоратив тизимини яратиш;

-таълим ва илмий муассасаларнинг мультимедиа, электрон адабиёт ва альбомлар яратиш юзасидан ҳамкорликларини йўлга қўйиш.

Тизимда ички ва ташки инвестицияларни жалб қилиш

имкониятларини кескин ошириш юзасидан қатор тадбирлар, жумладан, қуидагиларни амалга ошириш заруп:

-тажриба-экспериментал базани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда манфаатдор вазирлик ва муассасаларнинг, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

-хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган мақсадли дастурларни, жумладан, қўшма корхоналар, биргаликдаги лаборатория ва илмий марказларни ташкил этиш бўйича тегишли дастурларни ишлаб чиқиш;

-ўқув, илмий, оммабоп, электрон маҳсулотлар (мультимедиа ва бошқалар) ишлаб чиқишинен кенг йўлга қўйиш.

Корпоратив бошқарув ва маркетинг ишлари юзасидан биринчи навбатда қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

-жисмоний тарбия ва спорт соҳаси раҳбар ходимларида корпоратив менежмент кўнникмаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби билан ҳамкорликни яқиндан йўлга қўйиш;

-спорт соҳасида кучли маркетинг тизимини шакллантириш ва ривожлантириш ишларини йўлга қўйиш.

Жамиятда амалга оширилаётган ижобий трансформацион жараёнлар шароитида мамлакатимиздаги илмий ва моддий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, тармоқлараро ва идоралараро самарали мувофиқликни таъминлаш, натижавийликка эришиш хамда илмий тадқиқотларда параллелизмга йул кўимаслик, шу билан бир қаторда, жисмоний тарбия ва спорт фанини самарали ташкил этиш ва бошқариш, ижтимоий буюртма масалаларини талаб даражасида амалга ошириш, илмий натижаларни амалиётга ўз вақтида жорий қилиш мақсадида қуидаги беш йўналишдаги методологик қоиданинг амал қилиши таклиф этилади:

Биринчидан, умуммиллий ва методологик аҳамиятга молик масалалар юзасидан ижтимоий буюртмаларни шакллантириш, грантларга тавсия этиш, уларни молиялаштириш (улуш асосида молиялаштириш) ва илмий

натижаларни амалиётга жорий қилиш ишларини Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миллий олимпия қўмитаси ҳамда спорт федерациялари фаол иштирокида амалга ошириш.

Бунда, жумладан, қуидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилади:

-умуммиллий тадбирларни ишлаб чиқишнинг методологик ва услубий масалалари;

-жисмоний тарбияда ёш хусусиятлари, уларни оптимал тайёрлаш ва имкониятлардан унумли фойдаланиш;

-мотивация, спортчининг мотивацион имкониятлари ва физиологик фаоллиги уйғуналиги;

-спорт психологияси, спортчиларни тайёрлаш, жумладан, экстремал ҳолатларга психологик тайёрлаш ва стресс масалалари;

-индивидуал имкониятларни жамоа манбаатлари ва аксинча, жамоа манбаатларини индивидуал имкониятлар негизида уйғун шакллантиришнинг жисмоний, психо-биологик, спорт-ташкилий ва бошқа йўналишлари;

-терма жамоаларни мақсадли тайёрлаш, жараёнларни режалаштириш ва уларнинг натижавийлигини таъминлаш омиллари;

-мураббийлар фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари;

-маҳалла ва жамоаларда жисмоний тарбияни самарали ташкил этишининг услубий масалалари.

Иккинчидан, спорт турларига оид масалаларни спорт федерациялари (футбол, волейбол, бадий гимнастика, кураш, бокс, теннис ва бошқалар) даражасида амалга ошириш.

Мазкур методологик қоиданинг амал қилиши спорт турларини илмий негизда ривожлантириш, спорт федерациялари фаолиятининг илмий йўналишини тўлақонли йўлга кўйиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва илмий тадқиқотларнинг сифатлилиги, натижавий-реаллигини таъминлашга хизмат қиласи.

Мазкур даражада амалга ошириладиган ишларда, жумладан, қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

-спорт турларини ривожлантириш, уларни самарали ташкил этишнинг илмий асослари, режалаштиришнинг методологик ҳолатлари ва услубий масалалари, тегишли дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқиши;

-терма жамоаларни йирик спорт тадбирлариiga тайёрлаш ҳамда натижавийликни таъминлашнинг илмий асослари ва услубий тавсияларини асослаш;

-индивидуал физиологик хусусият ва профессионал тажрибани уйғунлаштириш негизида режалаштирилган натижавийликка эришиш;

-спорт турларини оммалаштириш ва самарали ривожлантиришнинг ижтимоий технологияларини ишлаб чиқиши, уларни такомиллаштириш.

Учинчидан, таълим соҳасига оид тадқиқотларни манфаатдор вазирлик ва муассасалар даражасида ҳамкорликда амалга ошириш.

Мазкур даражада илғор технологиилар, замонавий ўкув-машғулот мажмуалари ҳамда ўкув-тарбия жараёнининг соғломлаштирувчи йўналишининг педагогик ва физио-гигиеник асосларини ишлаб чиқишига эътибор қаратилиши зарур.

Тўртинчидан, шартнома асосида вазирлик, муассаса, жамоат ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ифодаловчи илмий тадқиқотларни амалга ошириши.

Бешинчидан, корпоратив манфаатлар уйғунлиги асосида умумметодологик йўналишдаги илмий тадқиқотларни ташкил этиши.

Оммавий спорт харакатини самарали ривожлантиришнинг илмий таъминотини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқиленган таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни ижобий рўёбга чиқариш ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қиласи.

## **VII.ЖИСМОНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РЕСУРСЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний-интеллектуал ресурслари ривожлантириш борасида жуда катта имкониятлар вужудга келди.


Нодавлат тузилмалар, ҳукуматга қарашли булмаган ва жамоат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустажкамлаш ва ривожлантириш ижтимоий ҳайтимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустажкамлашга хизмат килиши лозим. Бу тизим давлат идоралари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи восита вазифасини бажариши керак (49).

Юкоридаги талаблардан келиб чиқкан ҳолда, бугунги кунда жисмоний-интеллектуал ресурсларнинг самарали бошқарувини таъминлашнинг куйидаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш тақозо этилади, яъни:

-ижтимоий бошқарув имкониятларидан унумли фойдаланиш (A);

-мавжуд молия ресурсларини оқилона аккумуляциялаш ва жалб қилиш мумкин бўлган манбаларни айланма жараёнларга тортиш (B);

-ижтимоий-иқтисодий шароитга жавоб берувчи мутахассислар таъминотини амалга ошириш (B).



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши хисобига қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Айниқса, ижтимоий бошқарув тизимин яратишда сезиларли ишлар қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Миллий спорт ассоциацияси, 70 дан ортиқ спорт турлари бўйича федерациялар, тенис, бокс, футбол каби спорт турларини ривожлантириш жамғармалари ташкил этилди, 300 дан ортиқ спорт-соғломлаштириш клублари тузилди. Бу жамоат ташкилотлари мустақил фаолият кўрсатиб, ҳалқаро спорт ташкилотлари билан бевосита ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, жумладан, 2000 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ти қонунда давлат ва жамоат бошқаруви органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини бошқаришнинг давлат ва жамоат тизимлари ўзаро яқин ҳамкорликда фаолият қўрсатаётгани туфайли, соҳанинг қарийб барча кўрсаткичлари бўйича ўсишга эришилди. Ўзбекистоннинг ҳалқаро спорт майдонидаги ўрни ва нуфузи йил сайин ўсиб боряпти.

Шу билан бирга, соҳани бошқариш тизимида муайян муаммолар мавжуд. Жумладан:

-спорт ҳаракатининг жамоат бошқарувида спорт федерацияларининг фаолияти талабга етарлича жавоб бермайди;

-соҳани молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағлар салмоғи йил сайин ўсиб бораётганига қарамай, жисмоний

тарбия ва спорт ҳаракати, асосан, давлат томонидан молиялаштирилалыпти;

-спорт федерациялари ва клублар ўзини ўзи тўлиқ молиялаштириш чора-тадбирларини кўришда сусткашлик қилмоқда;

-мамлакатимизда ўз фаолиятини мустакил ва тўлиқ хўжалик ҳисобида юритадиган клублар ҳали шаклланиб улгурмаган. Ҳатто, футбол клублари берилган солик имтиёзлари ва қўллаб-куватлашларга қарамай, ўзини ўзи молиялаштиришга тўлиқ ўтмаган.

Юкорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал этишда ҳамда жисмоний-интелектуал ресурсларни бошқаришнинг жамоатчилик тамойилларини кучайтиришда бир қатор ишларни, жумладан, куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

-жамоат бошқаруви ролини кучайтириш юзасидан спорт федерациялари ва клубларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш борасидаги ҳукуқларини кенгайтириш. Уларнинг спортчилар заҳираларини тайёрлаш борасидаги фаолиятини рагбатлантириш (давлат грантлари жорий этиш, солиқлар тўлашда имтиёзлар бериш);

-хусусий клублар очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги спорт клубларини ташкил этишга, уларнинг фойда олишини кўзлаб фаолият кўрсатишларига, бундай клублар мулкдорлари, акционерлари ёки мутахасисларининг клублар ташкил этишдан манфаатдорлигини қўллаб – кувватлаш;

-малакали спортчилар заҳираларини тайёрлаш, оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш, ҳалқаро майдонда мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилиш фаолиятини муваффакиятли юритаётган спорт федерациялари ва клубларига шартнома асосида давлат дастурларини амалга оширишлари учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

-спорт федерациялари ва бошқа жамоат ташкилотларини бошқаришда уларнинг куйи бўғинлари ролини кучайтириш;

-ихтиёрий асосда клублар, спортчилар, мутахассисларни бирлаширадиган профессионал спорт лигаларини ташкил этиш;

-спорт клублари ва федерацияларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш тизимиға тўлиқ ўтказиши.

Бугунги кун талабларидан келиб чиккан ҳолда, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатининг ривожланишини таъминлаш, уни бошқариш тамойилларини такомиллаштириш учун жамоатчилик тамойили асосида фаолият кўрсатувчи "Спорт маслаҳат форуми"ни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Рамзий маънодаги "Спорт маслаҳат форуми"ни шакллантиришдан мақсад – республикада жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини янада ривожлантириш, ижтимоий бошқарув тамойиллари асосида мазкур йўналишдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва уйғунлаштиришдан иборат (6-жадвал).

Мазкур ижтимоий бошқарув тузилмасининг асосий вазифаси сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш керак:

-ижтимоий бошқарув тамойилларини самарали қўллаш;

-бошқарувнинг турли тизимларида амалга оширилаётган кенг қамровли фаолиятларни мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш;

-бошқарув тизимлари, спорт федерациялари, касаба ўюшмалари ва бошқалар фаолиятлари рейтингини аниқлаш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур форумнинг ишчи органи сифатида Маданият ва спорт ишлари вазирлигини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур форумни таъсисчилари таркибиға биринчи навбатда қуйидагиларни жалб килиш мақсадга мувофиқдир.

**"Спорт маслаҳат форуми" таъсисчилари таркибиға  
биринчи навбатда қуидагиларни жалб қилиш мақсадга  
мувофиқдир**

6-жадвал

I	Давлат ташкилотлар	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Союзны сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофиза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Миллий матбуот маркази
II	Нодавлат ташкилотлар	"Соғлом авлодучун" ҳалқаро жамғармаси, "Экосон" ҳалқаро жамғармаси, "Узбекистон Болалар спортини ривожлантириши" жамғармаси, "Махалла" жамғармаси, "Камолот" ижтимоий ҳаракати
III	Банклар	ТИФ Миллий банки, "Пахта банк", "Асака банк", "Халқ банки" ва бошқалар
IV	Бошқа ташкилотлар	"Ўзфармсаноат" ДК, "Ўзавтосаноат" ДК, "Ўзбекенгилсаноат" ДУ, "Ўзбектелерадио", "Ўзбеккино", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзбектуризм" компаниялари

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқаришни таъминлашда бозор муносабатлари шароитида малакали фаолият кўрсатувчи спорт-бизнес йўналишидаги мутахассисларни тайёрлаш иши ҳам соҳадаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунончи, спорт менежменти, спорт туризми, спорт молияси ҳамда бошқа спорт йўналишларида республика олий таълим муассасаларида (ОТМ) юкори малакали мутахассислар тайёрланмайди. (7-жадвал)

## **Спорт йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш тўғрисида маълумот**

7-жадвал

	спорт менежменти	спорт туризм	спорт ва молия	
ТДИУ	-	-		-
Тош.молия институти	-	-	-	-
ЎзМУ	-	-	-	-
ЎзДЖТИ	-	-	-	-
Бошқа ОТМ	-	-	-	-

Юқоридаги аҳвол ва қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда, спорт ва бизнес йўналишида малакали мутахассисларни тайёрлаш зарурати етилган:

-бозор муносабатлари таъминлаш; -мамлакатда спорт билан шуғулланувчи нодавлат секторининг муттасил кўнайиб бориш тенденцияси мавжудлиги;

-спорт ва бизнес ҳамда спорт ва туризмнинг уйғунлашиб бориши;

-спортиларни "такрор ишлаб чиқариш" қобилиятини тўла рўёбга чиқариш ва шу асосда унинг оптимал ривожини таъминлаш;

-ўқув жарёнларининг илмий асосланганлик даражасини таъминлашиб максадида "Илмий марказ" таркибида "Спорт ва бизнес" йўналишини шакллантириш.

Кўрсатиб ўтилган муаммони ижобий ҳал этишда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳамда манбаатдор ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигига махсус "Спорт иқтисодиёти, менежмент ва бизнесни ташкил этиш" кўшма факультетини шакллантириш максадга мувофиқдир.

Мазкур факультетни куйидаги тамойиллар асосида ташкил этиш таклиф этилади:

-мавжуд интеллектуал салоҳиятдан унумли фойдаланиш ва уни аниқ мақсадга йўналтириш (ЎзДЖТИ, ЎзМУ, ТДИУ, ТМИ ва бошқалар ҳамкорлигига);

-назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш ва фаолиятни шартномавий муносабатлар асосида ташкил этиш (факультет, макро ва микро даражадаги спорт ҳамда туристик муассасалар, молия институтлари, манбаатдор юридик ва жисмоний шахслар);


Махсус факультетни ташкил этишининг таклиф этилаётган тамойиллари ўқув-амалий ва келишув-таъминот жараёнларининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қиласди. Яъни, мазкур тамойиллар ўқув (А), амалиёт (Б), талаб (В), таклиф (Г) ва таъминот (Д) бўғинларининг бир нуқтада кесишишини таъминлайди. Натижада, интеллектуал-жисмоний ресурсларни самарали бошқариш жараёни кутилган ижобий натижаларга эришишга хизмат қиласди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш куйидагиларни тақозо этади:

-тегишли маеърий хужжатлар туркумини шакллантириш, муҳокамадан ўtkазиш ва тасдиқлаш;

-факультетни шартномавий муносабатлар асосида ташкил этишининг бюджетдан ташқари манбаларини аниқлаштириш.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия Институти таркибида махсус факультет ташкил этиш бозор муносабатлари шароитида спорт-бизнес йўналишида малакали фаолият кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиласди ва бошқарув фаолияти самарадорлигини оширади. Бундай ўзгариш натижасида ушбу билим юрти замонавий таркибий тузилишга эга бўлади. (10-чизма)



10-чизма. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг таклиф этилаётган ташкилий тузилмаси.

Бугун жисмоний-интеллектуал ресурсларни мақсадга мувофиқ ривожини таъминлаш жараёнига қатор омиллар, жумладан, куйидагилар салбий таъсир кўрсатмоқда:

-молиявий ресурсларнинг аниқ мақсад йўлида тўлиқ аккумуляцияланмагани;

-молия институтлари билан спорт муассасаларининг ҳамкорлик фаoliyati йўлга қўйилмаганлиги;

-спорт соҳасининг бозор муносабатлари шароитига етарли даражада мослашмагани.

Жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантириш юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларидан унумли

фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини аниқ тамойиллар асосида таъминлаш, кредит билан таъминлашда ихтисослаштирилган муассасалар иштирокини аниқ мақсадга йўналтириш, мазкур жараёнда самарали бошқарувни йўлга кўйишда ўзаро манбаатлар уйғунлигини таъминлаш ҳамда мазкур жарёnlарга инвестицияларни кенг жалб қилиш, ихтисослаштирилган "Ресурс банк"ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ (40-илова).

Таклиф этилаётган "Ресурс банк" нинг асосий таъсисчилари қўйидаги юридик шахслар бўлиши мумкин:

- Миллий Олимпия қўмитаси
- Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
- спорт федерациялари
- ҳокимликлар
- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
- Халқ таълими вазирлиги
- Халқаро кураш асосциацияси

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда жисмоний-интеллектуал ресурсларни самарали бошқариш ва улардан жамиятимиз манбаатлари йўлида фойдаланиш борасидаги ишларни янада кучайтириш тақозо этилмоқда. Бу борадаги фаоллик миллий маънавиятимиз ва маданиятимиз, жумладан, жисмоний тарбия ҳамда спорт соҳасидаги ишларимизни юксак даражага кўтаришга хизмат қиласи.

"Ресурс банк" Низом сармоясини шакллантиришнинг  
имкониятлари тўғрисида

8-жадвал

	Юридик ва жисмоний шахснинг номи	Сони
Ижтимоий йўналишдаги юридик шахслар	Миллий олимния кўмитаси Халқаро кураш ассоциацияси Спорт федерацияси	1 1 1
Ҳокимликлар (бюджетдан ташкари маблағлар хисобидан)	Вилоят ҳокимликлари Туман ҳокимликлари Шаҳар ҳокимликлари	11 1 1
Вазирлик ва кўмиталар (небюджет маблағлари хисобидан) 7 фоиз	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Мудофаа вазирлиги Соғлиқни саклаш вазирлиги	1 1 1 1 1
Жисмоний шахслар 2,5 минг АҚШ доллари		
Бюджет	Давлат бюджети	1

## **VIII.МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Миллий хавфсизлик тизимида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий хавфсизлик мамлакат халқ, хўжалигининг самарали ривожланиши ва сиёсий мустақилликни таъминловчи асосий кафолатлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, миллий иқтисодиётнинг самарали ўсишини таъминлашда уни ички ва ташки салбий факторларнинг таъсиридан ҳимоялаш мухимдир.

Иқтисодий хавфсизликнинг таркибий таҳили (1-чизма) иқтисодий хавфсизликни таъминловчи асослар таркибида жисмоний-интеллектуал ресурслар алоҳида ўрин тутишини кўрсатади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда жисмоний-интеллектуал ресурслар таркибий қисмларининг рақобатбардошлик асослари, тармоқлараро уйғунлик, эҳтиёжни шакллантириш ва қондиришнинг иқтисодий йўналишларида намоён бўлади.

Рақобатбардош миллий иқтисодиётни таъминлашнинг жисмоний соглом авлод асосларини яратиш ва уни ривожлантириб бориш бўйича мамлакатда кенг қамровли тизим яратилиб, унинг самарали бошқаруви шакллантирилган. Ушбу «Асос-бошқарув» тизими бугунги кунда асосан уч босқичли бўлиб, қўйидагиларни қамраб олган:

- «Умид николлари» ўйинлари тизими;
- «Баркамол авлод» ўйинлари тизими;
- «Универсиада» тизими.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тизимлардан келиб чиккан холда, иқтисодий хавфсизлигимизни таъминлашда жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантиришнинг тармоқлараро уйғунлигини амалга ошириш ўта мухим вазифа ҳисобланади. Тахлилнинг кўрсатишича, мазкур йуналишни самарали бошқаришни таъминлашда қатор муаммолар, жумладан, қўйидагилар мавжуд: «Асос-бошқарув» тизимига парадоксал тарзда, ишлаб чиқариш соҳаларидағи бошқарув тизимида, биринчидан, жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантириш етарли даражада

йулга қуилмаган, иккинчидан, «тармоқлар уйғунлиги» талабга тұла жавоб бермайди.

Иқтисодий хафсизликни таъминлашда ЖИРнинг асосий таркибий қыслари


Рақобатбардош миллий иқтисодиётни таъминлашнинг жисмоний соғлом авлод асосларини яратиш ва такомиллаштириш

ЖИР ривожлантиришнинг тармоқлараро уйғунлигини

Ишлаб чиқариш соҳаларида ЖИР ривожлантиришга эхтиёжни шакилланишиш

Ишлаб чиқариш соҳаларида ЖИР ривожлантиришнинг самарали мотивациялари


11-чи заманда Иқтисодий хафсизликни таъминлашда жисмоний-интелектуал ресурсларнинг таркибий қыслари.



12-чизма. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг йириклиштирилган таркиибий тузилмаси

Таҳлилларнинг кўрсатишича, саноат ишлаб чиқариш соҳалари ходимларининг фақатгина 3,5-7,5 фоизи спорт билан фаол шуғулланади, аксарият ишлаб чиқариш соҳаларида тегишли жисмоний таъабларни бажариш ишлари йўлга кўйилмаган.

Юқорида кўрсатилганидек, тармоклараро уйғунликни бошқариш таъаб даражасида эмас (13-чизма). Яъни, таълим муассасаларида спорт билан фаол шуғулланганлар (А), ишлаб чиқариш соҳасида (Б) спорт билан фаол шуғулланишга тегишли шарт-шароит яратилмаган, ишлаб чиқариш субъектлари билан ихтиослашган спорт муассасалари (В) ўргасида тегишли ишлар йўлга кўйилмаган (умумий шарт А=Б=В).



### 13- чизма

Ишлаб чиқариш соҳасида жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантиришга шароитнинг етарли даражада шаклланмагани мазкур йўналишларда самарали бошқарув тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Ишлаб чиқариш соҳасида мазкур тадбирларни амалга ошириш зарурияти, асосан, қуидагилар билан изоҳланади:

-ишлаб чиқаришнинг «Соғлом инсон ресурслари» асосларини таъминлаш;

-ишлаб чиқаришда ходимларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш асосида, уларни вактингчалик меҳнатга лаёқатсизлигини кескин камайтириш.

Вактингчалик меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатларнинг таҳлили унинг ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Меҳнатга лаёқатсизлик даврининг таҳлили аксарият ҳолатларда жисмоний-интеллектуал ресурслар сифатига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Яъни, меҳнатга лаёқатсизлик нафақат молиявий ресурсларнинг товар (хизмат) билан таъминланиши, шу билан бирга, меҳнат унумдорлиги маҳсулотнинг сифат даражаси ва малакага салбий таъсир кўрсатмоқда. Жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантиришга етарли даражада аҳамият берилмаётгани ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ракобатбардошлик кўрсаткичларига, охир-оқибатда иқтисодий хавфсизликка салбий таъсир этмоқда.

Жисмоний-интеллектуал ресурслар асосида таъминлашда иқтисодий хавфсизликни бошқарув тизимини

такомиллаштириш қуидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

-иктисодиёт соҳаларида жисмоний тарбия, спорт ишларини ривожлантиришга доир қулай иқтисодий-хуқуқий асосларни мустаҳкамлаш;

-мазкур йўналишни тегишли малакага эга бўлган профессионал мутахассислар билан таъминлаш;

-жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантиришда халқ хўжалиги соҳаларининг хусусиятларини ҳисобга олиш ва улар фаолиятининг самарали шакл ҳамда усулларини амалиётга кенг жорий этиш;

-ишлаб чиқариш соҳаларида спорт-унумдорлик меъзонини кенг жорий этиш.

Иқтисодиёт соҳаларида жисмоний тарбия-спорт ишларини ривожлантириш борасида қулай иқтисодий-хуқуқий асосларни мустаҳкамлашда бошқарувни такомиллаштириш юзасидан биринчи галда қатор чора-тадбирларни, жумладан, қуидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

-хуқуқий асосларни яратиш юзасидан мавжуд бўлган меъёрий ҳужжатларга тўла амал қилинишининг назоратини йўлга қўйиш;

-ишлаб чиқаришда спорт йўналишини кучайтириш юзасидан молиявий-иктисодий, моддий-техник ва маънавий шарт-шароитларни йўлга қўйиш.

Мазкур йўналишларнинг мазмун ва оқилона шаклларини таъминлаш юзасидан, жумладан, қуидагиларни амалга ошириш лозим (9-жадвал).

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг жисмоний-интеллектуал ресурслар асосларини бошқариш юзасидан биринчи даражада қуидаги бошқарув масалаларини ҳал этиш талаб этилади.

9-жадвал.

№	Мавжуд мұаммo	Муаммони ҳал этишнинг асосий йүналишлари	Бошқарув
1	Спорт менежерлари ни тайёrlаш	Таълим муассасаларида маxсус гурұхларни шакллантириш	каор қабул қилиш
2	Спорт- инновация жараёнларини шакллантириш	Тегишли меъёрий, ҳукукий ва ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиш	каор қабул қилиш
3	Ишлаб чиқариш соҳаларидан спортнинг МТБ мустаҳкамлаш	Тегишли тадбирларни амалга ошириш	чора-тадбирларни ишлаб чиқиш
4	Услубий ёндашувни такомиллаштириш	Услубий кўлланма ишлаб чиқиш	кўлланмани тасдиқлаш
5	Спорт- унумдорлик мезонининг йўқлиги	Мезонни асослаш ва амалиётга жорий этиш	Меъзонни тасдиқлаш ва унинг назорати
6	Мавжуд имкониятлардан тұла fойдаланиш	Мониторинг ташкил этиш	Назорат


Юкорида көтпірілған бошқарув масалаларини ҳал этишнинг даражалари ва даврларини куйидаги йүналишларда амалга ошириш мақсадға мувофик ( 10-жадвал).

Иктисолий хавфсизликни таъминлашнинг ЖИР асосларини бошқариш юзасыдан биринчи галдаги бошқарув масалаларини ҳал этишнинг даража ва даврлари.

## 10-жадвал.

Бошқарув масалаларини ҳал этишининг даражаси ва замонлари	№, мавжуд муаммо йўналишлари					
	1	2	3	4	5	6
Давлат даражасида						
Республика тармоқ бошқаруви даражасида						
Хўжалик субъектлари даражасида						
2001-2003 й.й.						
2001-2005 й.й.						

Бошқарув самарадорлигини ошириш, ихтинослашув даражасини кўтариш, фаолият даражасида масъулиятни юксалтириш, шартномавий муносабатларни йўлга кўйиш, ишга юкори малака асосида ёндашиб ҳамда ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида кичик йўлдош-спорт клубларини ташкил этиш зарур. Бунда, ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусиятларини ҳисобга олган холда, бир неча турдош корхоналарга хизмат кўрсатувчи кичик спорт клубларини ташкил этиш кўзда тутилади ( 14-чизма).



14 -чизма Кичик йўлдош спорт клуби фаолиятининг ташкилий муносабатлари

Ижтимоий хавфизликнинг ЖИР асосларини таъминлашда спорт-унумдорлик мезони негизида бошқарувни ташкил этиш қуйидагиларни амалга оширишни талаб этади:

жисмоний-интеллектуал ресурсларга бўлган эҳтиёжни услугбий ва амалий баҳолаш, унинг асосида мазкур йўналишдаги молиявий-жисмоний фаолиятни йўлга кўйиш;

-мазкур йўналишнинг самарали иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш;

-бошқарув самарадорлигини баҳолаш ва тегишли бошқарув хulosаларини қабул қилиш.

Бугунги кунда саноат ишлаб чиқаришидаги ижтимоий ривожланишдаги спорт харажатларининг улуши бир ишловчи ҳисобига фақат 0,21 фоизни ташкил этади.

Ижтимоий ривожланишдаги спорт харажатларининг улуши 0,021 фоизни ташкил қилиши 2001 йил натижаларига кўра, 4,46 млрд.сўм миқдорида меҳнатга лаёқатсизлик бўйича касаллик ва рақаларининг тўланишига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодий хавфсизликини жисмоний-интеллектуал ресурслар даражасида таъминлашда бошқарув жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан «спорт-унумдорлик» мезонининг услугбий жиҳатдан баҳоланишига боғлиқdir. Умумий тарзда спорт-унумдорлик мезони куйидагилар асосида мувофиқлаштирилиши таклиф этилади:

- умумий спорт йўқотишлари (Усй);

- умумий спорт харажатлари (Усх);

-иқтисодий спорт сальдоси (Исс) (яъни умумий спорт меъёрларини бажаришта тегишли маблағлар ажратилгани ҳолда, улар бажарилмай қолса, бу харажатлар энг катта йўқотиш бўлиб қолади).

Услубий жиҳатдан юқоридаги «холат» куйидагicha ифодаланади:

Исс=Усй+Усх

Бунда: Усх = [ ИРС+СМА+СБА ]

Усй = [ МЛХ+МУЙ+СДЙ+СБЙ ] яъни,

ИРС – ижтимоий ривожланишдаги спорт харажатлари;

СМА – спортга маҳсус ажратмалар;

СБА – спортга ажратилган бошқа харажатлар;

МЛХ – меҳнатга лаёқатсизлик харажатлари;

МУЙ – меҳнат унумдорлигидаги йўқотишлар;

СДЙ – сифат даражасидаги йўқотишлар;

СБЙ – спорт билан боғлиқ бошқа йўқотишлар.

Юқорида келтирилган услугий тенгламада қуидаги мезонлар қабул қилинади:

-ИСС →min;

-МУЙ, СДЙ, ва СБЙ лар позицияларида экспертларнинг баҳолаши бўйича ўртacha кўрсаткич 33,0 фоиз даражада белгиланади;

-Усй →min;

-Усх →Н (норматив).

Бугунги кунда иқтисодий хавфсизликнинг жисмоний-интеллектуал ресурслари асосларини таъминлашда услугий ёндашишларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларнинг етарли эмаслиги худудларда жисмоний-интеллектуал ресурсларни ривожлантиришга кўр-кўёна ёндашиш, мақсадларнинг уйғунлигини таъминламаслик, “Ўзаро муносабатларда” турли қарашлар устуворлиги ва худудий стагнацияларга олиб келмоқда. Масалан, “Универсиада”, “Баркамол авлод” спорт ўйинларида Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари ёшлари эришган натижалар ўрта кўрсаткичдан ҳам паст бўлса, спортнинг енгил атлетика ўйин турларида терма жамоа аъзолари эришган натижа меъёр даражасига ҳам етмади.

Иқтисодий хавфсизликнинг юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларини ижобий ҳал этиш мақсадида қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, соглом авлодни шакллантиришда худудий масалаларни мақсадга мувофиқ йўналишда ҳал этишининг амалиётда етарли эмаслиги, тадбирларни режалаштириш ва уларнинг стратегик бошқарув мақсадларига мувофиқлигини таъминлашдаги маъсулиятсизлик иқтисодий хавфсизликнинг ЖИР асосларига салбий таъсир этмоқда. Шу мақсадда, худудларда спорт турлари ва иншоотларини ривожлантиришга меъёрий-матрица асосда ёндашиш мухим аҳамият қасб этади. Шу боисдан, меъёрий матрица ёндашувини жорий қилиш мантикли-узлуксизлик, қулай ва мажмуавий таъминот асосида иқтисодий хавфсизликка ижобий таъсир этади ( 11-жадвал).

## 11-жадвал

Спорт турларини ривожлантиришнинг  
худудий меъёрий-матрица  
йўналишлари

Йиллар	1	2	3	4	5	6
2002						
2003						
2004						
2005						

- 1 - енгил атлетика
- 2 - футбол
- 3 - теннис
- 4 - волейбол
- 5 - баскетбол

Спорт йўналишларини  
ривожлантиришнинг  
худудий меъёрий-матрица  
йўналишлари

Йиллар	А	Б	В	Г	Д
2002					
2003					
2004					
2005					

- А - енгил атлетика
- Б - спорт ўйин турлари
- В - яккаураш турлари
- Г - циклик турлари


Иқтисодий хавфсизликнинг жисмоний-интеллектуал асосларини мустаҳкамлашда жутрофий аниқлаштирилган бошқарувни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Таҳлиларнинг кўрсатишича, аксарият худудларда ЖИР асосан марказий шахар хисобидан «беркитилиб», соғлом авлодни шакллантириш ва саломатлик курсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Навоий вилояти ЖИР ривожлантириш кўрсаткичлари асосан Навоий, Зарафшон шаҳарлари хисобидан тўлдирилган. Бошқача айтганда, вилоятнинг олти туманида ёшларни оммавий равишда спортга торгиш, ишлаб чиқариш соҳаларида жисмоний ишларни ривожлантиришга етарлича аҳамият берилмаган. Натижада, вилоят халқ хўжалигига меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўловлар ортган. Туманларда ЖИРларнинг худудий ривожланишига эътибор услубий жиҳатдан таъминланмаган. Вилоятдаги ҳолатларни «мақсад» асосида ривожлантириш ва баҳолаш эртанги кун талаблари асосида йўлга куйилмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида иқтисодий хавфсизлик тизимида худудий ЖИР бошқаришининг жўғрофий аниқлаштирилган йўналишларини кучайтириш, бу борада қўйида келтирилган моделни қўллаш мақсадга мувофиқдир (12-жадвал).

**Иқтисодий хавфсизлик тизимида ҳудудий ЖИР  
бошқарувининг географик аниқлаштирилган модели**  
12-жадвал

Асосий кўрсаткичлар	Вилоят	Туманлар						
		1	2	3	4	5	6	7
Ахоли сони (минг киши)	2175,0	A	A	A	A	A	A	A
Фаол шуғулланувчилар сони (минг киши)	224,8	A	A	A	A	A	A	A
Умумий фаоллик коэффиц.	0,11	K	K	K	K	K	K	K
2002 й. коэффиц.	0,16	K	K	K	K	K	K	K
2003 й. коэффиц.	0,24	K	K	K	K	K	K	K
2004 й. коэффиц.	0,26	K	K	K	K	K	K	K
2005 й. коэффиц.	0,28	K	K	K	K	K	K	K

А-тегишли кўрсаткичлар; К-тегишли коэффициентлар



**Юқорида келтирилган жадвалнинг ёшлар бўйича талқини.**

	Ахоли жами	Жумладан (ёшлар гурухи)								
		3-6	7-10	11-15	16-18	19-25	26-30	31-45	.....	
Вилоят	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	
Туманлар	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	A. K	
Йиллар	K	K	K	K	K	K	K	K	K	

Моделда кўрсатилган коэффициент қуйидаги услугуб асосида аниқланиши таклиф этилади, яъни

$$K_{жсo} = \frac{\sum \ddot{E}_{ФA}}{\sum \ddot{E}_A} \bullet 1 \quad - \text{Кжо} - \text{жисмоний оптималлик}$$

коэффициенти

$\sum \ddot{E}_A$  - гурӯхлар бўйича аҳоли сони

$\sum \ddot{E}_{ФA}$  - шу гурӯхдаги спорт билан фаол шуғулланадиган аҳоли сони

$K_{жсo} \rightarrow 1$

Юқорида билдирилган таклифларни амалиётга жорий қилиш иқтисодий хавфсизлик тизимишининг жисмоний-интеллектуал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Чунки, аҳоли оммавий суръатда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган шароитда, одамларнинг меҳнатга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарида. Бунинг натижасида, уларнинг меҳнат самарадорлиги ҳам ортади. Бугунги кунда буни ривожданган давлатлардаги бу борадаги тажрибалар ҳам тасдиқлайди. Колаверса, мамлакатимизда жисмоний тарбия – спорт ривожига бериласетган катта эътибор замирида ҳам, аввало, халқимиз ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш орқали давлатимизнинг иқтисодий қурдати, ижтимоий-маънавий салоҳиятини оширишдек олижаноб мақсад мужассамдир.

## **IX. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СОГЛОМЛАШТИРИШ ҲАРАКАТИНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ҳаракатини бошқариш масалаларини ечиш биринчи навбатда мақсадли ҳаракат дастурини режа асосида тузиш ва уни тизим ҳолатига келтиришни ҳамда амалга оширишни талаб қилади.

Хар бир инсон организмиде соғлиқ учун зарур бўлган генетик шарт-шароитлар билан бирга атроф-мухитнинг салбий таъсирини бартараф қилишга кенг мослашув имкониятлари мавжуд. Инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, ўртacha жисмоний ҳаракат ва машқлар унинг жисми учун фойдалидир. “Инсон жисмини ҳеч нарса узок муддатли жисмоний ҳаракатсизлик каби ҳолсизлантирумайди ва ишдан чиқармайди,”- деб ёзган эди юонон файласуфи Аристотель.

Доимий жисмоний машқлар орқали инсон организми мускули, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимиning такомиллашганлиги ижобий таъсирининг яққол исботидир.

Машқ бажарган юракнинг уриши, яъни, 1 марта қисқаришдаги қон ҳажми машқ бажармаган юракка нисбатан 40-50 фоиз катта кўрсаткичга эга; жисмоний машқлар орқали ҳаракатланганда скелет мускулининг 100 та мускул толасига машқ қилинмаганга нисбатан 2 марта кўп капиллярлар тўғри келади. Булар асосида тўқима ва органларнинг кислород ҳамда озуқа метаболик субстратлар билан таъминланишининг физиологик механизмлари ва хужайра ҳаёт фаолиятининг махсулотларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Жисмоний машқлар давомида ҳаракатланаётган мускулларнинг ортиқча метаболик субстратларга эҳтиёжи ошади ва у глюкоза сарфланишининг қисман ортиши ҳисобига қопланади. Бунда қисқараётган мускулларда гликогенолиз тезлигининг сезиларли даражада кўтарилиши аҳамиятга эга. Шунингдек, машқ-ҳаракати “инсулинга ўхшаш таъсир”га эга бўлиб, бу мускулларнинг қон оқимида глюкоза истеъмолининг ошиши билан ифодаланади.

Мускуларнинг машғулотлардан кейин глюкозани ўзлаштириш жараёни мутаносиблашиб, инсулинга нисбатан анча сезир бўлиб қолади ва бу мускул заҳираларида гликогенни қайта синтезини енгиллаштиради. Глюкозанинг мускуллар орқали ўзлаштирилиши ва гликоген метаболизмига жисмоний машқларнинг таъсири инсулинрезистент шахслар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу ўзгаришлар глюкоза гомеостазининг бир пайтдаги бошқарилувини ва доимий метаболик назоратини таъминлайди. Жисмоний машқлар ҳам инсулин каби глюкоза-оқсил ташувчилариниң хужайра мембранны орқали ўтишига таъсир этади, лекин уларнинг таъсир механизмлари бир-биридан фарқидир.

Хужайра ичидағи сигналнинг аввало, фермент тизимиға узатишида инсулиндан фойдаланилса, жисмоний машқлар эса эндоплазматик ретикулюмдан кальций ионларини ажратади ҳамда бошқа ауто ва паракрин орқали бошқарилувчи механизмларининг уланишини ҳам таъминлайди.

Глюкоза метаболизмининг хужайра ичидағи бошқарувчилари қаторига "Инсулинга боғлиқ бўлган цитоплазматик омил" - ИЗР ҳам киради (бундай ном унинг инсулин моддаси билан фаоллиги орасида юкори ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлгани учун берилди).(21-25) Ўтказилган шахсий тажрибалар давомида ИЗР ажратиб олишнинг чизмаси ишлаб чиқилди, унинг физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари хар томонлама ўрганилди. ИЗР-молекуляр оғирлиги 5-6 қД бўлган термостабил гликопептид бўлиб, у гипогликемик таъсирга эга ва инсулин каби хужайра митохондриясида ва эндоплазматик ретикулимида кальций ионларининг тўпланишини оширади.(55-56) Натижалар йиғиндиси ИЗРни инсулин таъсиридаги хужайранинг ички медиаторларидан бири сифатида тавсифлаш имконини беради.(57-58)

ИЗРнинг фаоллиги жисмоний ҳаракат ҳажми тезлашгандан (экспериментал каламушларнинг 2 соат давомида сузиши) кейин аниқланганда, ҳаракат таъсирида

митохондриялар сезгирилиги ва ИЗР фаолияти камайгани кузатилди.(59-60)

Бу нафакат жисмоний ҳаракатнинг таъсирида, балки, пайдо бўлаётган рухий ҳолат натижасида ҳам юз беради. Параллель олиб борилган тажрибалар иммобилизация орқали пайдо бўлган рухий зарба ҳам ИЗРнинг таъсир кучи камайишига олиб келишини кўрсатмоқда. Аммо бундай рухий ҳолатнинг йўқотилиши ИЗР фаоллигининг ортишига олиб келади (лаборатория ҳисботи). Ундан ташкари рухий зарбанинг яна бир бор таъсири митохондриялар ИЗР таъсирига сезувчанлигини камайтиrmайди ва цитоплазмада унинг фаоллиги сустлашишига олиб келмайди.(61)

ИЗР фаоллигининг динамик ўзгариши ундан организм жисмоний ҳаракатининг меъёрига нисбатан ўлчов сифатида самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. (61-63)

Кузатишлар натижасида олинган шахсий натижалар чет эл муаллифларининг маълумотлари билан мос келди. Жисмоний ҳаракатни меъёр даражаси ошганда ИЗР фаоллигининг камайиши эндоплазматик ретикулюмдан кальций ионларининг ажралишини енгилаштирилиши ва шахсий натижалар, адабиётлардан олинган маълумотларга кўра, бирламчи жисмоний кучланиш асосан интенсив бўлади ва бунга мосланмаган организм учун рухий зарба ҳолати юз бериши мумкин.(64-67) Лекин унинг мослашиш имкониятлари жисмоний кучланиш натида кўшимча метаболик йўлни ҳам ўз ичига олади. Жисмоний машқ ҳисобига скелет мускулларига глюкозанинг киришида инсулинга боғлик бўлмаган механизmlар орқали ўтказилиши, асосан, инсулин резистент касалликларида мухим клиник аҳамиятга эга бўлади. Глюкозани “ёндирувчи” машқлар бу 45-60 дақиқали югуриш, 30 дақиқали сузиш ва велосипед ҳайдаш машғулотлари қайд этилган. (68)

Инсулин резистентликнинг пасайиши ва инсулинга нисбатан жисмоний машқдан кейин сезгириликнинг ортиши факти алоҳида аҳамиятга эга. Ёш ўтиши билан инсулин резистентлик ортади ва мускулнинг оксидланиш ҳусусияти

камаяди, лекин жисмоний фаоллик ҳаёт тарзи, орқали бунинормал ҳолатда ушлаб туриш мумкин. (69)

Шундай қилиб, 21-87 ёшли аёллар ва эркаклар гурухларида аэробика бўйича ўтказилган 16 ҳафталик дастур амалиёти шуни кўрсатади, ёшларда ўрта ва катта ёшларга қараганда инсулинга нисбатан сезгирик юкори бўлиши аниқланди. Жисмоний машқлар мускул митохондрияси ферментлари фаоллигини 45-76 фоизга, митохондриал генларда мРНК 66 фоизга, шунингдек, митохондриал биогенезда генларни 85 фоизга оширди, корин бўшлиғида ён тўпланишини 5 фоизга ва қондаги триглицидлар миқдорини 25 фоизга камайтириди энг асосийси ва бу ўзгаришлар ёшга боғлик эмаслиги исбот қилинди. (70)

Ҳафтасига 30 минутдан 3 маротаба бажариладиган зўриқтирувчи, куч билан боғлик машқлар соғлом ва иккинчи гурух диабетли беморларда инсулин фаоллиги ошади. Аэробика бўйича сараланган мунтазам жисмоний машқлар натижасида инсулиннинг таъсири ортади. Масалан, инсулин рецепторининг кўпайиши, уларнинг сезгирилиги ва самарадорлигининг кўтарилиши хамда ҳужайра мембронасида глюкоза ташувчи GLUT миқдорининг кўпайиши аниқланди. Буларнинг тасдиги аэробика бўйича 2 ҳафталик дастур машғулотларида (Тренажёрда ўтказилган 35 дақиқалик юриш бўйича 10 та машғулот инсулинга боғлик бўлмаган диабет хасталигига учраган, тудан келган беморларнинг инсулинга нисбатан сезгирилиги ошган). (71-74)

Бир мъярмода ўтказилган машқлар (кунига 30-60 дақиқадан ҳафтасига 3-5 маротаба) оксидловчи ферментлар миқдорининг 40-50 фоиз кўтарилишига олиб келади. Машғулотлар тўхтатилгач уларнинг кўрсаткичи 4-6 хафтадан сўнг яна пасайиб кетади. Жуда ҳам жадал машқлар гликолиз, гликогенолиз, гликонеогенолизлар ферментларининг 70-90 фоизга камайишига олиб келади.

Холсизлантирадиган машғулотлар гранулоцитларда ҳужайранинг ички кальций сигнал тизимини бузади. Шунингдек, бундай машқлар иммун тизимининг ўзгаришини

келтириб чиқаради. Бу жараён механизми ҳалигача номаълум бўлган апоптоз, яъни, хужайраларнинг нобуд бўлишининг программалаштириш ҳолати билан қамраб олинган. (72)

Охирги йилларнинг тадқиқотлари жисмоний машқларнинг марказий ва барча асаб тизимларига ижобий таъсир кўрсатишини намоён қилмоқда. Модель ҳолатларда ҳайвонлар организмини оддий стресс ва жисмоний ҳаракатлантириш шароитида такқослаш ишлари олиб борилди. Асаб тизимида жисмоний машқларнинг таъсири орқали намоён бўладиган миядаги нейротрофик омил кўпчиликда қизикиш ўйғотди. Бу оксил нейронларнинг яшаш муддатини ошириб, билим олиш ҳамда эслаш, ўрганиш қобилиятини юкори даражада саклаб туради. (73-104)

Ҳайвонларнинг филдирақларда эркин югуриш кўринишидаги жисмоний фаоллиги уларнинг миясида нейротрофин генларнинг ишлаб чиқарилишини оширади. Ўзгаришлар нафақат миянинг ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган жойларида, балки, миячада, орка миянинг бел сегментларида ва бош миянинг пўстлоқ қисмида ҳам зникланган. Лекин энг катта ўзгариш миянинг гиппокамп тузилишида аниқланган ва у миянинг англаш қобилиятига таъсир этади. Олиб борилган ишлар жисмоний машқларнинг мия фаолиятини мустаҳкамлаши ва қобилиятини оширишини кўрсатди. (74-105)

Контрол сичқонлар ва югуриб юрган наслий сичқонларнинг нейротрофин микдори солиштирилганда, 7 суткадан сўнг тажрибадаги сичқонларни нейротрофинлар микдори контролдагиларга нисбатан анча юкори бўлган ва бу кўрсаткич югуриш оралиги ҳисобига ортиб борган. (97-98)

Оғир руҳий ҳолатда модель объектларга гиппокампга "мия нейротрофик омил" юборилганда, у антидепрессант сифатида таъсир этади.

Миянинг оралиқ артерияси боғлаб қўйилиб, ўтказилган жисмоний машқларнинг нейропротектор сифатидаги таъсири имкониятларини ўрганиш шуни кўрсатади, югуриш бўйича 12 ҳафталик дастур натижасида инфарктлар сони камаяди.

Жисмоний машқлардан кейинги нейропротекция нейротрофин–нерв ўсиши эндоген омили кўпаяди. (75-99)

Глюкоза метаболизмida овқатни чегаралашнинг ижобий таъсири мана шу нейротрофин орқали амалга ошади. Функционал фаоллиги билан миядан олинган нейротрофик омилни фармакологик манипуляция қилиш семизликни тўхтатиш ва даволашда ҳамда инсулин резистентлик синдроми билан боғлиқ бўлган касалликларни даволашда фойдали. (100)

Шундай қилиб, жисмоний машқ ва харакатнинг таъсири қўйидагиларни кўрсатади:

1) Жисмоний машқлар организмнинг асаб ва турли хил тизимларига ижобий таъсир кўрсатади, унинг руҳини, интеллектини юксалтиради ҳамда соғлигини тиклади ва мустаҳкамлайди.

2) Жисмоний харакатга келтирадиган машқлар учун ишлаб чиқарилган дастурлар ўз ичига машғулотларда “мослашиш даври”ни қамраб олади.

3) Жисмоний харакатлантириш дастурини тузишда машқ қилувчининг ёши ва соғлигини хисобга олган ҳолда меъёрий ва доимий машқларни белгилаш ҳамда булар асосида узлуксиз спорт мусобакалари тизимини яратиш талаб этилади.

4) Жисмоний ва спорт ҳаракати дастурларига, авваламбор инсон иммун тизими ва соғлиғи, унинг интеллектини оширувчи машқларга асосланган спорт турлари киритиш аксинча ҳолдан тойдирадиган, хавфли машқларни киритмаслик керак. (101-102)

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда соғлом ва барқамол авлодни вояга етказиш мұхим ва устивор масаладир, чунки жамиятимз ўз олдига күйган олийжаноб мақсад-келажаги буюк давлат барпо этиш вазифаси шуни тақозо этади.

Шунинг учун жисмоний-соғломлаштириш ва оммавий спорт ҳаракатини ривожлантиришга ишлар орқали башкаришга алоҳида эътибор берилиб, мазкур жараён Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги методологик талаблари асосида амалга оширилмоқда.

Қисқа давр ичида амалга оширилган ишлар орқали олинган натижалар асосида қўйдаги хулосалар қилинди.

Ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий салоҳиятини ривожлантириш ва уларнинг жамият микёсида самарали башқарувини таъминлашга қаратилган “жисмоний-интелектуал ресурслар” ЖИР категориясини биринчي маротаба асосланиб илмий иборага киритилди.

ЖИР-ни комиллик даражасига еказиш ва яратилган тизим орқали самарали башқариш ҳамда таъминлашга йўналтирилган илфор механизм ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди.

Мазкур тизим оммавий спорт ҳаракатини устиворлик асосида ривожлантиришга туртки бўлиб, профессионал спортнинг етакчи ахамияти ҳамда истеъоддларни етишириб мамлакат нуфузини янада оширишга асос бўлмоқда.

